

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

16-сон
(1088)
2023 йил
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

125. «Маъмурий жарималарни тўлашда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 332¹-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 апрелдаги ЎРҚ–830-сон Қонуни
126. ««Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 19 апрелдаги ЎРҚ–831-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

127. «Илмий-методик ва тадқиқот ишлари сифатини ошириш орқали таълим тизимини комплекс ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 апрелдаги ПҚ–128-сон қарори

Учинчи бўлим

128. «Аэровокзал, темир йўл ва автобус вокзалларида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 17 апрелдаги 159-сон қарори

Бешинчи бўлим

129. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 7 мартдаги 4/11-сон «Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3427*)
130. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 7 мартдаги 4/6-сон «Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3336-1*)
131. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 7 мартдаги 4/7-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3428*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****125 Маъмурий жарималарни тўлашда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 332¹-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
4 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 7 апрелда
маъқуланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган жарималарни ихтиёрий равишда тўлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди.

Шу билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар маъмурий жарималарни тўлашда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилишини, шунингдек суд қарорларига асосан қўлланиладиган маъмурий жарималарга нисбатан жарималар солиш тўғрисидаги қарорларни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилишини тақозо этмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан жариманинг 50 фоизини ўн беш кун ичида ёки 70 фоизини ўттиз кун ичида ихтиёрий равишда тўлаш тартиби жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартиш киритилмоқда. Мазкур тартиб суд қарорларига асосан қўлланиладиган жарималарга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун маъмурий жарималарни тўлашда жарималар юкини камайтиришга ҳамда маъмурий жарималарни ихтиёрий равишда тўлаш тизимини янада соддалаштиришга, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари ўз вақтида ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 19 апрелда эълон қилинган.

№ 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 667-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1189-модда)

332¹-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг эллик фоизини ёки ўттиз кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби қуйидаги ҳолларда қўлланилмайди:

ушбу Кодекснинг 131, 132, 136 ва 140-моддаларида назарда тутилган хуқуқбузарликлар содир этилганда;

жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда;

худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганда».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун 2023 йил 1 майдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 18 апрель,
ЎРҚ–830-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

126 «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
7 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 7 апрелда
маъқулланган

Кейинги вақтларда мамлакатимизда молия ва банк секторининг барқарорлигини таъминлашга, банклар томонидан қулай ва сифатли молиявий хизматлар кўрсатиш, шунингдек аҳолининг банкларга бўлган ишончини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга банк секторининг барқарорлигини таъминлаш, банкларни капиталлаштириш даражасини ошириш ҳамда уларнинг ресурс базасини кўпайтириш, шунингдек мазкур соҳага чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қўшимча ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш зарурияти юзага келди.

Ушбу Қонун билан «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига банк устав капиталининг энг кам миқдори 2025 йилнинг 1 январига қадар юз миллиард сўмдан беш юз миллиард сўмгача босқичма-босқич ошириб бориш тўғрисидаги талаблар жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда. Бундан ташқари норезидентларга чет эл фонд бозорларига жойлаштирилган акцияларни сотиб олиш ҳуқуқи берилган ҳолда, банкларнинг акцияларини улар томонидан сотиб олишга нисбатан чекловлар қисман бекор қилинмоқда.

Ушбу Қонун банкларни капиталлаштириш даражасини янада оширишга ва уларнинг ресурс базаларини кўпайтиришга, уларнинг иқтисодий таркибий ўзгаришлар жараёнларида иштирок этишини кенгайтиришга, шунингдек банк секторига чет эл инвестицияларини жалб этишга кўмаклашади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги 216–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–580-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 788-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 13-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк устав капиталининг энг кам миқдори:

2023 йил 1 сентябрга қадар юз миллиард сўмни;

2023 йил 1 сентябрдан эътиборан икки юз миллиард сўмни;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 20 апрелда эълон қилинган.

2024 йил 1 апрелдан эътиборан уч юз эллик миллиард сўмни;

2025 йил 1 январдан эътиборан беш юз миллиард сўмни ташкил этиши керак»;

тўртинчи қисми қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ташкил этилаётган ёки қўшиб юбориш, бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган банк устав капитали ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган, банк ташкил этилаётган ёки қайта ташкил этилаётган кундаги банк устав капиталининг энг кам миқдоридан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Бунда банк устав капиталининг энг кам миқдори банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш тўғрисидаги ариза бериладиган пайтгача банк муассислари томонидан шакллантирилган бўлиши керак. Ташкил этилаётган банкнинг устав капиталига киритилган маблағлар банкда очилган жамғарма ҳисобварағига ўтказилади.

Банклар ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддатларда ўз устав капитали миқдорини мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талабларга мувофиқлаштириши керак. Устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган банклар норезидентларга давлат улушини тўлиқ сотиш орқали хусусийлаштирилганда Марказий банк бошқаруви банк устав капиталини мазкур модданинг биринчи қисмида белгиланган энг кам миқдорга мувофиқлаштириш бўйича белгилангандан бошқа муддатларни ўрнатишга ҳақли»;

бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **17-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охири бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор қилиш ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборот тақдим этиш назарда тутилмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган юридик шахслар ва шундай давлатда ёки ҳудудда яшайдиган жисмоний шахслар банкнинг муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас (бундан чет эл фонд бозорларида банк акцияларини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар мустасно)»;

3) **22-модданинг:**

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

олтинчи — ўнинчи қисмлари тегишинча **бешинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддаси 1-бандининг қоидалари мазкур Қонун амалга киритилгунига қадар юзага келган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 19 апрель,
ЎРҚ–831-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

127 Илмий-методик ва тадқиқот ишлари сифатини ошириш орқали таълим тизимини комплекс ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида*

Таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни жорий қилиш, замонавий талаблар ва жамият эҳтиёжларига жавоб берадиган янги ўқув режалари, дастурлари ва ўқув-методик адабиётларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш ҳамда ўз ҳаётий қизиқишлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари йўлида ҳам ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга қодир бўлган ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш мақсадида:

1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази (кейинги ўринларда — Республика маркази)ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Республика маркази:

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 34 та штат бирлигини ҳамда фаолияти тугатилаётган Таълим сифатини баҳолашнинг халқаро тадқиқотлар миллий марказининг 18 та штат бирлигини;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказининг 10 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобига ташкил этилади.

2. Қўйидагилар Республика марказининг асосий вазифалари этиб белги-лансин:

таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни, ўқитишнинг самарали шакл ва усулларини, таълим сифатини баҳолаш ва мониторинг қилишнинг замонавий тизимларини жорий қилиш;

мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари, шунингдек, қисқа муддатли, шу жумладан хусусий ўқув курслар (кейинги ўринларда — ўқув курслари)нинг таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

таълим ташкилотларида ўқитиш методикасини такомиллаштириш, замонавий талаблар ва илғор хорижий тажриба асосида янги дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашр қилиш, тажриба-синовдан ўтказиш ва экспертиза қилишни ташкиллаштириш;

таълим ташкилотларининг раҳбар ва педагогик кадрларини тайёрлаш,

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 апрелда эълон қилинган.

қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг илғор шаклларини жорий қилиш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш учун шарт-шароит яратиш;

таълим ташкилотларидаги ўқув-тарбия жараёнлари ва кадрларни тайёрлаш сифатини мониторинг қилишда, таълим олувчиларнинг билими таълим стандартлари ва талабларига мувофиқлигини таҳлил қилишда иштирок этиш, Ўзбекистон Республикасида таълим сифати соҳасида халқаро дастурлар ва тадқиқотлар ўтказилишини ташкиллаштириш;

таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган таҳлилий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, таълим жараёнида жаҳон илм-фани ва технологиялари ютуқларидан кенг фойдаланиш бўйича илмий ишланмалар ва тавсиялар тайёрлаш;

таълим соҳасидаги илғор амалиётни ўрганиш ва тизимли таҳлил қилиш ҳамда уни республикада жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш, етакчи хорижий илмий-тадқиқот ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантириш.

3. Белгилансинки:

Республика маркази томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига қўйиладиган талаблар мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари, шунингдек, ўқув курслари учун мажбурий ҳисобланади;

ваколатли давлат органлари мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари, шунингдек, ўқув курсларини лицензиялаш, аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказишни Республика маркази билан келишган ҳолда амалга оширади.

4. Мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари, шунингдек, ўқув курсларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг шундай тартиби ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Республика маркази:

таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари учун янги дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашр қилиш, тажриба-синовдан ўтказиш ва экспертиза қилишни ташкиллаштиради;

мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари ҳамда ўқув курсларини моддий-техник жиҳозлаш бўйича талабларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

ваколатли давлат органлари билан биргаликда мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари, шунингдек, ўқув курслари фаолияти сифатини назорат қилиш ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

таълим стандартлари, ўқув режалари, дастурлари, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг самарадорлигини даврий таҳлил қилади;

таҳлил яқунларига кўра ҳамда вазирликлар, идоралар ва кенг жамоатчиликдан келиб тушган таклифлар асосида таълим стандартлари, ўқув режала-

ри ва дастурларига қўйилган талабларни такомиллаштириш бўйича чоралар кўради;

б) ваколатли давлат органлари Республика маркази талаблари асосида мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари, шунингдек, ўқув курслари учун таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари давлат мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларини Республика маркази талабларига мувофиқ жиҳозлаш бўйича зарур чоралар кўради.

5. Республика марказига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари, шунингдек, ўқув курсларида таълим сифатини ҳамда ўқув-тарбия жараёнининг таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқлигини белгиланган тартибда мониторинг қилиш;

ваколатли давлат органларига таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари талабларини бажармаган таълим ташкилотларига нисбатан қонунчиликда белгиланган чора-тадбирларни қўллаш бўйича тақдимномалар киритиш;

ўтказилган илмий-тадқиқот ва таҳлилий ишлар натижаларини таълим ташкилоти, туман (шаҳар) ёки ҳудуд мисолида тажриба-синовдан ўтказиш;

давлат органлари, етакчи илмий, таълим ва таҳлилий, шу жумладан хорижий муассасалар экспертларини шартнома асосида тадқиқотларга жалб этиш;

дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашр қилиш, тажриба-синовдан ўтказиш ва экспертиза қилиш, таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш учун, зарур ҳолларда, республика ва хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассисларидан иборат лойиҳа (ишчи) гуруҳларни, шу жумладан шартнома асосида тузиш;

тадқиқотлар олиб бориш ва кадрлар тайёрлаш, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларга нисбатан лицензия ҳуқуқларини кейинчалик уларни таржима қилиш, мослаштириш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш имкониятлари билан бирга сотиб олиш бўйича халқаро ташкилотлар, жамғармалар, маҳаллий ва хорижий тадқиқот марказлари ва ўқув муассасалари билан шартномалар тузиш;

ислоҳотлар жараёнига нодавлат таълим ташкилотларини жалб қилиш, улар билан ишларни бажариш тўғрисида битимлар тузиш;

ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун ижро этувчи ҳокимият органларидан статистик, таҳлилий ва бошқа ахборотларни сўраб олиш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш, ахборот-таҳлилий шарҳлар, маърузалар ва бошқа нашрлар чиқариш;

ўз фаолият йўналишлари бўйича консалтинг ва эксперт-таҳлилий хизматлар кўрсатиш, ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий тузилмаларни ташкил этиш;

Республика марказига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари ва грантларини жалб қилиш;

ваколатли давлат органлари билан биргаликда таълим ташкилотларида таълим сифатини ошириш ва ўқув жараёнини ташкил этишга тааллуқли масалалар юзасидан қонунчиликда белгиланган чораларни қўллаш.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Республика маркази давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади;

Республика маркази фаолиятига умумий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари томонидан амалга оширилади;

Республика марказига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Республика маркази директори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган икки нафар ўринбосарга эга бўлади;

Республика маркази ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижро этувчи аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари ва иш ҳақи миқдорлари татбиқ этилади;

давлат органлари раҳбарлари Республика марказига ҳар томонлама қўмаклашади, жумладан, марказ ўз вазифаларини бажариши учун унга зарур шарт-шароит яратади, шунингдек, сўралган маълумотларни ўз вақтида тақдим этади, таҳлиллар якунига қўра киритилган материаллар ва тавсияларни қўриб чиқади.

7. Республика маркази 2023 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қуйидагилар бўйича таклифларни киритсин:

таълим олувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда умумтаълим ташкилотларининг ўқув режалари ва дастурларини табақалаштириш;

таълим ташкилотлари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш, тажриба-синовдан ўтказиш ва экспертиза қилиш тартибини такомиллаштириш;

таълим жараёнига ушбу йўналишдаги илғор амалиётларни (MELQO, TIMSS, PISA, EQVET ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда таълим сифатини баҳолаш ва мониторинг қилишнинг замонавий методларини жорий қилиш.

8. Республика марказининг ходимлари умумий сони 62 нафардан иборат тузилмаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Республика маркази директорига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда, зарур ҳолларда, марказнинг тасдиқланган тузилмасига ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

марказ фаолиятини молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбалари

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳисобидан Республика маркази ходимларининг қўшимча штат бирликларини киритиш.

9. Қўйидагилар Республика маркази фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

вазирликлар, идоралар ва муассасалар томонидан уларнинг буюртмалари асосида тадқиқотлар ва баҳолаш ишларини олиб боришга ажратиладиган маблағлар;

ўз фаолияти йўналишлари бўйича шартнома асосида консалтинг, эксперт-таҳлил ва бошқа хизматларини кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грантлари ва мақсадли маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Ташқи ишлар вазирлиги Республика марказига хорижий тадқиқот муассасалари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишда, шунингдек, уларнинг малакали мутахассисларини жалб этишда кўмаклашсин.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Республика марказига янги тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда марказнинг интеллектуал-таҳлилий салоҳиятини ривожлантириш учун халқаро донорларни жалб қилишда кўмаклашсин.

11. Белгилансинки, Республика маркази фаолиятини жорий таъминлаш ва унга юклатилган вазифаларни бажариш, шунингдек, зарур инвентарлар, мебель ва оргтехника билан жиҳозлаш учун бюджет маблағлари:

2023 йилда Давлат бюджети параметрларида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги учун назарда тутилган ва штат бирликларининг қисқариши муносабати билан иқтисод қилинадиган бюджет маблағлари доирасида ажратилади;

2024 йилдан бошлаб белгиланган тартибда Давлат бюджети параметрларида назарда тutilади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари (С. Умурзаков):

бир ой муддатда Республика марказининг фаолиятини ташкил этиш бўйича устав, биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури ва штат жадвалини тасдиқласин;

Республика марказини таълим соҳасида чуқур назарий ва амалий билимга эга бўлган, хорижий тилларни эгаллаган, белгиланган вазифалар ижросини юқори профессионал даражада бажара оладиган тажрибали ва малакали илмий-педагогик кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

13. Республика маркази Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси 30-уй манзилдаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Молия-хўжалик департаменти 2023 йил 1 июлга қадар Республика марказини зарур мебель жиҳозлари, компьютер техникаси ва бошқа моддий-техник воситалар билан таъминласин.

14. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 20 апрель,
ПҚ-128-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

128 Аэровокзал, темир йўл ва автобус вокзалларида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

«Транспорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда «Фуқаро авиацияси корхоналарини трансформация қилиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 30 апрелдаги ПҚ–5100-сон қарори ижросини таъминлаш доирасида аэровокзал, темир йўл ва автобус вокзалларида йўловчилар ҳамда ташриф буюрувчилар учун хавфсизликни таъминлаган ҳолда кириб-чиқишни соддалаштириш, зарур шароитлар яратиш ҳамда вокзаллар ва уларга тегишли ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

а) аэровокзал, темир йўл ва автобус вокзалларида йўловчилар ҳамда ташриф буюрувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида:

йўловчи автотранспорт воситаларига аэропортларнинг эстакадасидан фойдаланишга рухсат берилганлиги ҳамда хавфсизлик талабларига риоя этган ҳолда аэро ва темир йўл вокзалларидаги асосий текшириш пунктларини кириш қисмидаги бирламчи назорат-текшириш постлари билан бирлаштириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги;

«Транспорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ транспорт воситаси, багаж, юк багажи ва юкни кўздан кечириш, йўловчилар ҳамда бошқа ташриф буюрувчиларни шахсан кўздан кечириш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли органларнинг рўйхати, кўздан кечириш тартиби, шунингдек, йўловчилар ҳамда ташриф буюрувчиларнинг вокзалларда бўлиш қоидалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши;

б) рақобатни ривожлантириш, хусусий тадбиркорлар томонидан транспорт соҳасида кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтиришга ҳамда хизматлар сифатини оширишга қаратилган темир йўлда юк ва йўловчиларни ташишда хусусий тадбиркорлар томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган қўшимча хизмат турлари жорий этилиб борилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг аэро, темир йўл ва автобус вокзалларида (кейинги ўринларда — вокзал) йўловчилар ва ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ях-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 18 апрелда эълон қилинган.

шилаш, қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда хавфсизликни таъминлаган ҳолда вокзал ва унинг ҳудудига кириб-чиқишни соддалаштириш мақсадида:

аэровокзалларда йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг халқаро йўналишларда божхона назорати зонасигача, маҳаллий йўналишларда авиация хавфсизлиги хизмати зонасигача бўлиши;

автомобиль ва темир йўл вокзалларида ташриф буюрувчиларнинг перронгача бўлган ҳудудда бўлиши;

вокзал ва унинг ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Қуйидагилар:

Аэропортларнинг аэровокзал мажмуаларида ва вокзал олдидаги майдонларда хавфсизликни таъминлаш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Темир йўл вокзалларида (станцияларида) йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки ва багажини кўздан кечириш, уларнинг темир йўл вокзалларида (станцияларида) бўлиши тартиби тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ;

Автовокзалларда (автостанцияларда) йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки ва багажини кўздан кечириш, уларнинг автовокзалларда (автостанцияларда) бўлиши тартиби тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Транспорт вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, «Uzbekistan Airports» АЖ ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда:

2023 — 2027 йилларда республика аэропортларида ва темир йўл вокзалларида хавфсизлик тизимини замонавий махсус техник воситалар билан таъминлаш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

вокзал ва унинг ҳудудида тадбиркорлик субъектлари томонидан хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартибини белгилаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. Транспорт вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов, ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов ва транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 17 апрель,
159-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 17 апрелдаги 159-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Аэропортларнинг аэровокзал мажмуаларида ва вокзал
олдидаги майдонларда хавфсизликни таъминлаш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом аэропортларнинг аэровокзал мажмуаларида йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки ва бағажини кўздан кечириш, уларнинг аэровокзал мажмуаларида бўлиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

авиация хавфсизлиги — фуқаро авиациясини ноқонуний аралашув ҳаракатларидан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар, жумладан, жалб қилинган инсон ресурслари ва моддий ресурслар;

авиация хавфсизлиги хизмати — фуқаро авиацияси фаолиятини ноқонуний аралашув ҳаракатларидан ҳимоя қилиш вазифаларини ташкил этувчи ва амалга оширувчи хизмат;

аэропорт — ҳаво кемаларини қабул қилиш ва жўнатишга, ҳаво транспортда ташишга хизмат кўрсатишга мўлжалланган ва шу мақсадларда аэродром, аэровокзал, бошқа иншоотлар, шунингдек зарур қурилмаларга эга бўлган иншоотлар мажмуаси;

багаж — эксплуатант билан шартномага мувофиқ ҳаво кемаси бортида ташиладиган йўловчиларнинг ёки экипажнинг буюмлари;

махсус техник воситалар — ер зонаси (объект) ва ҳаво кемаси бортига қурол, шикаст етказиш мосламалари ва хавфли моддаларни кийимда (оёқ кийимда), одам танасида, бағажда (қўл юкида), юкда рухсатсиз олиб ўтиш ҳолатининг мавжудлигини аниқлаш, ҳаво кемаси салони ва ердаги объектлардаги ҳолат тўғрисида видео ва овозли маълумотни масофадан олишни таъминлаш, двигателни санкцияланмаган ишга тушириш, ҳаво кемасини ҳаракатлантириш ва парвозни амалга оширишни инкор этиш, ҳаво кемасини сифатли ва тезкор махсус текширувдан ўтказиш имкониятини берувчи турфун ва ҳаракатланадиган ер ва борт мосламалари;

ноқонуний аралашув ҳаракатлари — фуқаро авиацияси хавфсизлигини таъминлашда хавф солувчи ҳаракатлар ёки уларни бажаришга уринишлар;

ташриф буюрувчилар — йўловчиларни кузатувчи ҳамда бошқа шахслар;

текшириш (текширув) — фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашуш учун ишлатилиши мумкин бўлган қурол, портловчи моддалар ёки бошқа хавфли мосламалар, нарсалар ёки моддаларни идентификация қилиш ёки аниқлаш учун мўлжалланган техник ва бошқа воситалардан фойдаланиш;

хавф — авиация хавфсизлигига хавф солувчи ҳар қандай омил;

қўл юки — ўз ўлчамига кўра енгил ташиладиган буюмлар ва ашёлар.

2-боб. Аэропортларда хавфсизликни таъминлаш

3. Аэропорт ва унинг ҳудудида хавфсизликни таъминлашга қаратилган қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

аэровокзал мажмуаларига киришда назорат ўтказиш пунктини махсус техник воситалар билан жиҳозлаш ҳамда йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг киришини назорат қилиш;

аэропорт эстакадасига автомобилларнинг кириш-чиқишини ҳамда аэропорт ҳудудига туташ ҳудудларда автотураргоҳларни видеокузатув тизимлари орқали назорат қилиш;

аэровокзал мажмуаларига кириш жойларидаги назорат ўтказиш пунктларида махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда текширувни амалга ошириш;

аэровокзал мажмуаларига киришда йўловчилар, ташриф буюрувчилар ҳамда ходимларнинг ҳужжатларини (аэровокзал мажмуаларига кириш учун рухсатномалар, шахсни тасдиқловчи ҳужжат, саёҳатга оид ва бошқа ҳужжатлар), шу жумладан, уларнинг қўл юки ва багажини, шунингдек, улар томонидан олиб ўтиладиган турли ашёларни текшириш.

Аэровокзал мажмуаларининг ташриф буюрувчилар кириши мумкин бўлган жойлари ҳамда мажмуа олди майдонларида жамоат тартибини сақлаш ишлари ички ишлар органлари ходимлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Аэропортларнинг аэровокзал мажмуаларида ҳамда аэропортлар ҳудудига туташ ҳудудларда умумий овқатланиш жойлари, чакана савдо дўконлари ҳамда йўловчиларга ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича янги жойларни ташкил этиш тадбиркорлик субъектларининг аризасига кўра хавфсизлик масалалари белгиланган тартибда Давлат хавфсизлик хизмати билан келишилган ҳолда, аэропорт билан тузилган шартномага асосан амалга оширилади.

3-боб. Аэровокзал мажмуаларига киришда хавфсизлик чоралари ҳамда назорат ўтказиш пунктларига қўйиладиган асосий талаблар

5. Йўловчилар, ташриф буюрувчилар ва экипаж аъзолари, аэропорт ходимларини текширувдан ўтказиш учун аэропортлар, аэровокзал мажмуалари биноларининг кириш жойларида назорат ўтказиш пунктлари, шунингдек, аэропортларга туташ ҳудудларда жойлашган барча автотураргоҳлар ва эстакадаларга автомобиль воситалари кириб-чиқиш жойларида шлагбаум ўрнатилади.

6. Назорат ўтказиш пункти йўловчилар ва ташриф буюрувчилар қўл юки, багажи ҳамда улар ўзи билан олиб ўтадиган ашёлар, шунингдек, ноқонуний аралашув ҳаракатларини амалга ошириш учун ишлатилиши мумкин бўлган қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ҳамда бошқа тақиқланган моддалар-

ни аниқлаш учун махсус техник воситалар (рентген-телевизион ускуналар (интроскоплар), турғун ва қўл металл детекторлари, портловчи моддаларнинг буг қолдиқлари зарраларини аниқлаш учун детекторлар, тезкор алоқа воситалари ва бошқалар) билан жиҳозланади.

7. Йўловчилар ва ташриф буюрувчилар қўл юки, багажи ҳамда улар ўзи билан олиб ўтадиган нарсалар ва моддалар текширишдан ўтказиш пунктида авиация хавфсизлиги хизматининг назоратчилари томонидан текширилади.

8. Назорат ўтказиш пунктлари, шунингдек, улардаги махсус техник воситаларнинг сони аэровокзалларнинг (аэропорт) ўтказувчанлик қобилиятига мувофиқ белгиланади.

9. Аэропортлар аэровокзал мажмуаларининг йўловчи ҳамда ташриф буюрувчи шахсларни ўтказиш қобилиятини таъминлаш учун уларда етарли миқдорда назорат ўтказиш пунктлари ўрнатилади.

10. Йўловчилар ва ташриф буюрувчилар оқимининг энг юқори кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда, назорат ўтказиш пунктларида махсус техник воситалар жиҳозланиши лозим.

11. Назорат ўтказиш пунктларида йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари, қўл юки ва багажлари, шунингдек, уларнинг олиб ўтиладиган буюм ва ашёлари авиация хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мажбурий текширилади.

12. Мазкур Низомга илова қилинган Аэровокзал мажмуалари биносига олиб кириш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар рўйхатида келтирилган хавфли моддалар ҳамда қўпоровчилик ва террорчилик ҳаракатларини содир этиш учун бошқа воситаларни олиб ўтиш, шахсларнинг аэропортлар аэровокзал мажмуаларига рухсатсиз киришининг олдини олиш ва шахсини аниқлаш мақсадида аэропортларнинг аэровокзал мажмуалари биносига кириш жойларида назорат ўтказиш пунктлари ташкил этилади ва махсус техник воситалар билан жиҳозланади.

13. Аэропортларнинг аэровокзал мажмуаларида ва вокзал олди майдонларида авиация хавфсизлиги хизмати назоратчилари ўз хизмат вазифаларини амалга оширади.

14. Авиация хавфсизлиги хизмати назоратчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

назорат ўтказиш пунктида йўловчилар ва ташриф буюрувчиларни текширишдан олдин уларнинг хоҳишига кўра мазкур Низомга илова қилинган Аэровокзал мажмуалари биносига олиб кириш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар рўйхатига киритилган тақиқланган моддалар ва буюмларни тақдим этишни таклиф қилиш;

аэровокзал мажмуалари биносига олиб кириш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмларни аниқлаш ишларини амалга ошириш;

ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш ва аэропорт маъмуриятига юбориш, жиноят содир этган шахсларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш;

шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини, қўл юки, багажи ва шахсий буюмларини текширишдан ўтказиш учун тақдим этишдан бош тортган йўловчилар

ва ташриф буюрувчиларнинг аэровокзал мажмуаси биноларига киришига йўл қўймаслик, уларнинг шахсини аниқлаш ҳамда уларга нисбатан тегишли чоралар кўриш, заруратга кўра бундай шахсларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга белгиланган тартибда топшириш;

назорат ўтказиш пункти орқали текширувдан ўтмаган йўловчилар ва бошқа шахслар ҳамда кириб-чиқиш тартибини бузган йўловчилар ва бошқа шахсларнинг аэровокзал мажмуаси биноларига киришига йўл қўймаслик.

15. Авиация хавфсизлиги хизмати назоратчилари томонидан текширув ўтказилиши натижасида қатновлар асоссиз кечиктирилишига йўл қўйилмайди.

16. Авиация хавфсизлиги хизмати назоратчилари ўз хизмат вазифаларини махсус формали кийимда амалга оширади ҳамда улар аэропорт маъмурияти томонидан берилган тегишли рухсатномани ўзи билан олиб юриши шарт.

17. Халқаро йўналишларда йўловчиларни рўйхатга олиш жойидан йўл ҳужжатларига (чипталарига) эга бўлган йўловчиларнинг ўтишига рухсат этилади, ташриф буюрувчиларнинг божхона назорати зонасигача бўлган ҳудудда бўлишига рухсат этилади. Бемор ва ёрдамга муҳтож йўловчиларга рўйхатга олиш жойидан ҳаво кемасига ўтиргунга қадар аэропорт ходимлари ҳамроҳлик қилади.

18. Маҳаллий йўналишларда йўловчиларни рўйхатга олиш жойидан йўл ҳужжатларига (чипталарига) эга бўлган йўловчиларнинг ўтишига рухсат этилади, ташриф буюрувчиларнинг учиб кетиш залида авиация хавфсизлиги хизматининг зонасигача бўлган ҳудудда бўлишига рухсат этилади. Бемор ва ёрдамга муҳтож йўловчиларга рўйхатга олиш жойидан бошлаб ҳаво кемасига ўтиргунга қадар аэропорт ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади.

19. Аэропортда йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг оқими ҳамда парвозлар жадвалидан келиб чиққан ҳолда, авиация хавфсизлиги хизмати назоратчиларининг иш вақти ва смена давомийлиги Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

4-боб. Текшириш тартиби ва шартлари

20. Аэровокзал мажмуаларига кириш жойларида ўрнатилган назорат ўтказиш пунктида авиация хавфсизлиги хизмати назоратчилари томонидан йўловчилар ва ташриф буюрувчилар, экипаж аъзолари, аэропорт ходимларининг ҳужжатлари, қўл юки ва багажи махсус техник ускуналар ёрдамида қўйидаги тартиб асосида текширилади:

аэровокзал мажмуаларига кириш жойида авиация хавфсизлиги хизмати назоратчилари йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш ва солиштириш йўли билан;

назорат ўтказиш пунктида йўловчилар ва ташриф буюрувчиларни текширишдан олдин уларнинг хоҳишига кўра мазкур Низомга илова қилинган Аэровокзал мажмуалари биносига олиб кириш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар рўйхатида келтирилган тақиқланган моддалар ва буюмларни тақдим этишни таклиф этиш орқали;

шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни текширгандан сўнг авиация хавф-

сизлик хизмати назоратчиси йўловчилар ва ташриф буюрувчиларга назорат ўтказиш пунктига ўтишни таклиф қилади. Ушбу назорат ўтказиш пунктида йўловчи ва ташриф буюрувчилар томонидан уларнинг қўл юки ва багажи, шахсий ашёларини текширувдан ўтказиш учун тақдим этиш орқали;

назорат ўтказиш пунктида йўловчилар ва ташриф буюрувчилар махсус техник воситаларнинг олдида, уларнинг тўпланишини истисно қиладиган тартибда текширилади. Истисно тарзида, юрак фаолиятини яхшиловчи аппаратлари бўлган йўловчилар ва бошқа шахсларни махсус техник ускуналардан фойдаланмаган ҳолда қўлда текшириш орқали;

йўловчи ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки ва багажини рентген-телевизион ускунаси (интроскоп) ёрдамида текшириш орқали;

рентген-телевизион ускуна (интроскоп) монитор экранида объектнинг нонаник кўриниши ёки шубҳали нарсалар аниқланганда, йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки, багажини қўлда текшириш орқали;

йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки, багажини бевосита унинг эгаси иштирокида авиация хавфсизлиги хизмати назоратчилари томонидан қўлда текшириш ва уни очиб кўриш.

21. Назорат ўтказиш пунктларидан йўловчилар ва бошқа шахслар олиб ўтаётган радио, теле, аудио ва видео-техника, шахсий компьютерлар, планшетлар, мобил телефонлар ва бошқа электрон воситалар рентген-телевизион ускуна (интроскоп) ёрдамида текширилади.

22. Назорат ўтказиш пунктларида авиация хавфсизлиги хизматининг назоратчилари йўловчилар ва ташриф буюрувчилар, экипаж аъзолари, аэропорт ходимларини турғун ва қўл металл детекторлари ёрдамида қўйидаги тартибда текширувдан ўтказиш:

мавжуд бўлган барча металл буюмларини ва электрон ускуналарни махсус идишга солишни ва уларни рентген-телевизион ускунаси (интроскоп) орқали текширувдан ўтказишни таклиф қилади;

турғун металл детектор орқали масофа сақланган ҳолда ўтишни назорат қилади;

турғун металл детекторнинг сигнал сенсорлари (ёруғлик, товуш) ва кўрсаткичларини кузатади;

турғун металл детекторнинг сигнал сенсорлари (ёруғлик, товуш) ишга тушганда, барча металл буюмларни саватга солиш ва турғун металл детектордан қайта ўтишни таклиф қилади;

турғун металл детекторнинг сигнал сенсорлари қайта ишлаб кетганда, қўл металл детектори билан текширувни ўтказиш хамда уларнинг ёнида мавжуд бўлган нарсалар ҳақида сўров ўтказиш;

қўл металл детектори билан текширув давомида аниқланган буюмларни қўлда текширади ёки зарурат бўлса, рентген-телевизион ускуна (интроскоп) ёрдамида текширувдан ўтказиш;

текширувдан ўтмаган йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг назорат ўтказиш пунктидан ўтишига рухсат бермайди.

23. Назорат ўтказиш пунктларида йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки, багажи, шахсий буюмлари ва электрон ускуналарини авиация

хавфсизлиги хизмати назоратчилари рентген-телевизион ускунаси (интроскоп) ёрдамида қуйидаги тартибда текширувдан ўтказади:

рентген-телевизион усқунанинг (интроскоп) монитор экрандаги соя тасвирига асосланиб, йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юкида, бағажда ва шахсий буюмларида аэровокзал мажмуалари биносига олиб кириш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмларни аниқлайди;

рентген-телевизион усқуна (интроскоп) монитор экранда объектнинг ноаниқ кўриниши ёки шубҳали нарсалар аниқланса, йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки, бағаж ҳамда шахсий буюмларини қўлда текшириш усули билан текширилади;

текширув жараёнида рентген-телевизион усқуна (интроскоп) монитор экранда йўловчилар ва бошқа шахсларнинг қўл юки, бағаж ҳамда шахсий буюмлари ичида хавфли нарсалар ёки моддалар аниқланган тақдирда, бошқа шахсларнинг эътиборини жалб қилмасдан, авиация хавфсизлиги хизмати назоратчиларининг смена бошлигини хабардор қилади. Хавфли нарса ёки моддаларга шахсларнинг тегиш имкониятининг олдини олиш мақсадида қўл юки, бағаж ҳамда шахсий буюмлар рентген-телевизион усқунаси (интроскоп) ичида қолдирилади.

24. Назорат ўтказиш пунктларида йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки, бағаж, шахсий буюмлари ва электрон усқуналарини авиация хавфсизлиги хизмати назоратчилари портловчи моддаларнинг буғ қолдиқлари зарраларини аниқловчи детекторлар ёрдамида қуйидаги тартибда текширувдан ўтказади:

портловчи моддаларнинг буғ қолдиқлари зарраларини аниқлаш учун текшириш амалга оширилади;

текширув жараёнида йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки, бағаж ҳамда шахсий буюмлари ичида хавфли нарсалар ёки моддалар аниқланган тақдирда, бошқа шахсларнинг эътиборини жалб қилмасдан авиация хавфсизлиги хизмати назоратчиларининг смена бошлиғи хабардор қилинади.

25. Йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки, бағаж, шахсий буюмлари ва электрон усқуналарида портловчи мосламалар ёки моддаларнинг белгилари аниқланганда, ушбу назорат ўтказиш пунктида текширувлар зудлик билан тўхтатилади ва авиация хавфсизлиги хизмати назоратчиларининг смена бошлиғига хабар берилади. Бундай ҳолатларда атрофдаги барча шахслар хавфсиз масофага узоқлаштирилади ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тегишли мутахассислари келгунига қадар ушбу хавфли жой назоратга олинади.

26. Текширув жараёнида йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки, бағаж ҳамда шахсий буюмлари ичида аэровокзал мажмуалари биносига олиб кириш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар белгиланган тартибга мувофиқ олиб қўйилади, сақланади ҳамда йўқ қилинади.

27. Давлатнинг яққол кўринадиган ташқи идентификация белгиларига эга бўлган дипломатик вализлар (консуллик почтаси), агар улар муҳрланган бўлса ва дипломатик вализга эга бўлган шахс унинг шахсини тасдиқловчи

тегишли гувоҳномани (дипломатик ёки хизмат паспорти) ва дипломатик вализни ташиш учун рухсатномани (расмий хат) тақдим этса, текширувдан ўтказилмайди. Ушбу талаблар бузилган ҳолларда, дипломатик вализлар (консуллик почтаси) махсус техник воситалар ёрдамида, очилмасдан текширилади. Дипломатик вализаларни (консуллик почтасини) ташиётган шахснинг қўл юки, багажи, шахсий буюмлари ва электрон ускуналари умумий асосларда текширувдан ўтказилади.

28. Шахсий текширув ноқонуний аралашув ҳаракатларини амалга ошириш учун ишлатилиши мумкин бўлган қурол, портловчи моддалар ёки бошқа хавфли мосламаларни аниқлаш мақсадида йўловчилар ва ташриф буюрувчилар аэровокзал мажмуалари биносига киришидан олдин бегона шахслар бўлмаган махсус хонада амалга оширилади.

Шахсий текширув аэровокзал мажмуалари биносида жойлашган махсус хонада текширилаётган йўловчи ва бошқа шахслар билан фақат бир жинсли авиация хавфсизлиги хизмати назоратчилари томонидан амалга оширилади. Бир вақтнинг ўзида бир неча шахсларни текширувдан ўтказиш қатъиян ман этилади.

Шахсий текширув авиация хавфсизлиги хизмати назоратчиларининг камида икки нафар ходимидан иборат бўлган таркибда амалга оширилади. Шахсий текширувни яқка тартибда амалга ошириш қатъиян ман этилади.

29. Йўловчилар ва ташриф буюрувчилар ҳамда уларнинг қўл юки, багажи назорат ўтказиш пунктида текширувдан ўтказилгандан сўнг авиация хавфсизлиги хизматининг назоратчиси уларга аэровокзал мажмуаси биносига кириш учун рухсат беради.

5-боб. Аэропортлар олдидаги майдонларда хавфсизлик чораларини қўллаш

30. Аэровокзал мажмуалари биноларига кириш жойларига яқин келиб тўхташ учун фақат йўналишсиз ва йўналишли таксиларга рухсат этилади, шахсий автомобиллар ва жамоат транспорти йўловчиларни ва ташриф буюрувчиларни олиб кетиш ва олиб келиш учун мўлжалланган автомобиль тураргоҳи ва тўхташ жойларига йўналтирилади.

31. Эстакададан фойдаланиш учун йўловчи ташиш автотранспорт воситаларига рухсат берилади. Бунда енгил автотранспорт воситаларига эстакадада 5 дақиқагача ҳамда автобус ва микроавтобус автотранспорт воситаларига 10 дақиқагача тўхтаб туришга рухсат берилади.

32. Барча турдаги автотранспорт воситалари аэровокзаллар мажмуалари чегарасидан 30 метрдан кам бўлмаган масофада жойлаштирилади, эстакада ҳудуди бундан мустасно.

Эстакадада автотранспорт воситаларининг ҳаракатланишини назорат қилиш учун шлагбаум ва видеокузатув мосламалари ўрнатилади.

33. Хавфсизлик чораларини самарали таъминлаш мақсадида аэровокзаллар олдидаги майдонларда қуйидагилар амалга оширилади:

аэровокзаллар олдидаги ҳудудларда Ички ишлар вазирлиги ходимларининг махсус ўргатилган хизмат итлари билан катта ўлчамдаги предметларни

қолдириш ёки яшириш мумкин бўлган заиф жойлар мунтазам равишда текширилади;

шубҳали хатти-ҳаракатларни аниқлаш, аэровокзаллар олдидаги майдонларга, кириш йўлларига тасвирлаш имконияти юқори бўлган шахсни аниқловчи видеокузатув воситалари ўрнатилади;

аэровокзал олдидаги майдонларда фавқулодда вазият юзага келган ҳолатларда автотранспорт йўллари тўсиб қўйилади;

автотранспорт воситаларининг тўпланишига йўл қўймаслик учун эстакада ва аэровокзал олдидаги майдонларда транспорт воситаларининг вақтинча тўхтаб туриш тартиби белгиланади.

6-боб. Яқунловчи қоида

34. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Аэропортларнинг аэровокзал мажмуаларида ва вокзал олдидаги майдонларда хавфсизликни таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Аэровокзал мажмуалари биносига олиб кириш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар РЎЙХАТИ

Қуйидагилар аэровокзал мажмуалари биносига олиб кириш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмларга киради:

а) портловчи моддалар, портлатиш мосламалари ва улар билан тўлдирилган нарсалар:

ҳар қандай ўрамда ва ҳар қандай миқдордаги ҳар хил порох моддалари; ҳар қанақа ўқ-дорилар, жанговар патронлар (жумладан, кичик калибрли), газли қуролга патронлар, ов капсула (пистон)лари ва детонатор-капсулалар;

пиротехника воситалари: сигнал берувчи ва ёритувчи ракеталар, сигнал берувчи патронлар, ўтқазиладиган шашкалар, тутун ҳосил қилувчи патронлар (шашкалар), фейерверклар, портлатиш гугуртлари, бенгал мушаклари, темир йўл петардалари;

термо-гугуртлар ва овчи гугуртлари;

ҳар қандай турдаги ёндиргичлар учун ёнилғи қуйиш элементлари; миналар, гранаталар ва бошқа ҳарбий портловчи мосламалар; тротил, динамит, тол, аммонал ва бошқа портловчи моддалар; капсулалар, детонаторлар, электрдетонаторлар ва электр аланга олдирувчилар, тез портлатадиган ва олов ўтказувчи шнур, қора порох ва пластикли портловчи моддалар;

б) сиқилган ва суюлтирилган газлар:

маиший фойдаланиш учун газлар (бутан-пропан) ва бошқа газлар, асаб-

ни фалаж қиладиган ва кўзни ёшлантирувчи таъсирга эга бўлган газ баллончиклари;

в) енгил алангаланувчи суюқликлар:

ацетон, бензин, енгил алангаланадиган нефть маҳсулотлари намуналари, метанол, метилацетат (метил эфири), сероуглерод, эфирлар, бошқа барча енгил алангаланувчи суюқликлар;

г) ёнувчи қаттиқ моддалар:

сув таъсирида иссиқлик ва ёнувчан газлар чиқарадиган моддалар, бунда ўз-ўзидан ёниш ва ёнғин вужудга келиши мумкин бўлган: калий, натрий, металл кальций ва уларнинг қотишмалари, фосфоритли кальций ва бошқалар, шунингдек, оқ, сариқ ва қизил фосфор ва алангаланадиган қаттиқ моддалар тоифасига кирадиган барча бошқа моддалар, органик пероксидлар;

доналанган (гранулаларда) ёки парчаланган, қуруқ ёки нам, таркибида 25 фоиздан кам сув ёки эритувчи бўлган коллоид нитроцеллюлоза;

таркибида 30 фоиздан кам эритувчи ёки сув бўлган қуруқ ёки нам нитроцеллюлоза;

бўлақларда, ҳўл, 25 фоиздан кам бўлган спиртни ўз ичига олган коллоид нитроцеллюлоза;

30 фоиздан кам бўлган эритувчи ёки 20 фоиз сувдан иборат қуруқ ёки нам нитроцеллюлоза;

д) захарли, радиоактив ва захарловчи моддалар:

хар қандай идишга жойлаштирилган суюқ ёки қаттиқ ҳолдаги кучли таъсир қиладиган хар қандай захарли, радиоактив ва захарловчи моддалар: бруцин, никотин, стрихнин, тетрагидрофурфурил спирти, антифриз, тормоз суюқлиги, этиленгликоль, симоб, синил кислотаси барча тузлари ва цианид препаратлари;

циклон, цианплав, маргимушли ангидрид ва бошқа барча кучли таъсир этувчи захарли ёки захарловчи моддалар;

кимёвий моддалар, газлар ва аэрозоллар, одамни ишдан чиқарадиган ва меҳнатга лаёқатсизликка олиб келадиган аэрозоллар, мейс, қалампир вази ёки қалампир аэрозоли, кўз ёши келтирувчи газ, кислотали аэрозоллар ва ҳайвонларни кўрқитиш учун аэрозоллар;

е) ўювчи ва коррозиялантирувчи моддалар:

кучли ноорганик кислоталар: хлорид, сульфат, азот ва бошқа кислоталар, шунингдек, фторист-водородли (шишани ўйиш кучига эга бўлган) кислота ва бошқа кучли кислоталар ва коррозиялантирувчи моддалар;

ж) барча турдаги ўқотар, газ, пневматик, совуқ ва механик қуроллар:

тўппончалар, револьверлар, милтиқлар, карабинлар ва бошқа ўқ отувчи газли, пневматик қурол, ўқ отувчи қурол эҳтиёт қисмлари, сиқилган ҳавода ёки қарбонат ангидрид газида (CO_2) ишловчи пневматик қурол, шу жумладан, тўппончалар, пулкалар билан отиш учун тўппончалар, шариклар билан отувчи тўппончалар ва милтиқлар, электр шок мосламалари, арбалетлар, сув ости овлари учун милтиқлар, найзалар, найза-пичоқлар;

з) вақтинча ишдан чиқариш ёки иммобилизация қилиш учун махсус мўлжалланган воситалар, шу жумладан:

фалаж ҳолатга олиб келадиган тўппончалар (масалан, тазер) ва зарба берувчи полиция таёқчалари;

и) тан жароҳати етказиш мумкин бўлган асбоб-ускуналар:

тан жароҳати етказиши мумкин бўлган ўткир тигли ёки қиррали буюмлар, болталар, чопқилар ва гўшт кесадиган пичоқлар, муз тешиш учун музўяр болталар ва дасталар, пичоқлар, қайчилар, якка шарқ жанг санъати курашларида ишлатиладиган ўткир тигли ва қиррали қилич ва шамширлар;

жиддий тан жароҳати етказиш учун ишлатиладиган асбоблар, ломлар, дреллер ва бурғулар, қурол сифатида ишлатилиши мумкин бўлган асбоблар, отверка, стамеска, арра ва мих қоқадиган тўппончалар;

к) зарба вақтида жиддий жисмоний шикаст етказиш учун ишлатилиши мумкин бўлган тўмтоқ учли бўлган буюмлар:

бейсбол ва софтбол ўйини биталари, қисқа, узун ва тунги (ёритишли) ҳар хил турдаги полиция таёқчалари, якка шарқ жанг санъатида ишлатиладиган буюмлар.

Юқорида номлари келтирилган моддалар ва нарсалар белгилари остига тушадиган куйдириш, портлатиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган ёки аэровокзал мажмуалари биноси ичидаги шахслар ҳаётига хавф солувчи бошқа барча моддалар ва нарсалар.

Ҳаво кемаси бортида олиб кетиш мумкин бўлган, юқорида номлари келтирилган моддалар ва нарсалар, истисно тариқасида, фақат учиб кетувчи йўловчиларга, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўқотар қуроолларни олиб юриш ва олиб кетишга тегишли рухсати бор шахсларга аэровокзал мажмуалари биносига ушбу модда ва нарсаларни олиб кириш учун рухсат этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 17 апрелдаги 159-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Темир йўл вокзалларида (станцияларида) йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки ва багажини кўздан кечириш, уларнинг темир йўл вокзалларида (станцияларида) бўлиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом темир йўл вокзалларида (станцияларида) йўловчилар ва ташриф буюрувчиларни қўл юки ва багажни кўздан кечириш ҳамда уларнинг темир йўл вокзалларида (станцияларида) бўлиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом билан белгиланган тартиб чегара ва божхона назорати амалга ошириладиган чегара олди темир йўл вокзалларига (станцияларига) нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

багаж — йўловчига шахсан тегишли бўлган, сафар якунлангандан кейин унга зарур бўладиган ва ташиш учун багаж вагониде темир йўл хужжати (чипта) бўйича қабул қилинадиган буюмлар;

йўловчи — темир йўл транспортиде сафар қилиш учун йўл хужжати (чипта)га эга бўлган жисмоний шахс;

йўловчилар платформаси (перрони) — станцияларде ёки тўхташ шохобчалариде йўловчиларнинг вагонларга қулай ва хавфсиз ўтиши, уларнинг вагонларга чиқиши ва тушиши учун қулайлаштирилган майдонча;

йўловчи ташиш поездлариде қўл юки ва багаж шаклиде ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар — ноқонуний аралашитиш ҳаракатини содир этиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган буюмлар ва юклар;

кўздан кечиритиш — махсус техник воситаларни қўллаган ҳолде, ташриф буюрувчилар ҳамде йўловчилар учун йўловчи ташиш поездлариде қўл юки ва багаж шаклиде ташиш тақиқланган, ноқонуний аралашитиш ҳаракатини содир этиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган хавфли моддалар ва буюмларни аниқлашга қаратилган тадбирлар мажмуаси;

кўздан кечиритиш ваколатига эга бўлган ходимлар — Ички ишлар вазириликнинг Транспорт ва туризм объектлариде хавфсизликни таъминлаш департаменти, Миллий гвардия ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг Ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаси ходимлари;

махсус техник воситалар — кўздан кечиритиш ва назоратни амалга оширитиш учун мўлжалланган махсус-техник қурилмалар ва мосламалар (интроскоплар, турғун ва қўл металл детекторлари, портловчи моддаларнинг буғ қолдиқлари зарраларини аниқлаш учун детекторлар, видеокузатув, шу жумладан, қидирувдаги шахсни ва автотранспорт воситасини аниқловчи видеокузатув тизимлари ва бошқалар);

назорат қилинадиган ҳудуд — кўздан кечиритиш амалга оширилгандан кейинги темир йўл вокзали (станцияси) ҳудуди;

ноқонуний аралашитиш ҳаракати — темир йўл транспортининг хавфсиз фаолиятига таҳдид соладиган, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, моддий зарар етказадиган ёхуд бундай оқибатлар юзага келиш хавфини келтириб чиқарадиган ҳуқуққа зид ҳаракат (ҳаракатсизлик);

ташриф буюрувчилар — йўловчиларни кутиб олувчи ва кузатувчи, вокзал маъмурияти қабулига келган шахслар;

темир йўл вокзали — йўловчиларга хизмат кўрсатитиш, поездлар ҳаракатини бошқаритиш ва хизмат ходимларини жойлаштиритиш учун мўлжалланган темир йўл станцияси инфратузилмаси;

шахсни тасдиқлайдиган хужжатлар (фақат ушбу Низом мақсадлари учун) — паспорт ёки шахсни тасдиқлайдиган бошқа хужжат, яъни шахсни идентификацияловчи ID-карта, ҳарбий гувоҳнома, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, фуқаролиги бўлмаган шахс ва чет эл фуқаросининг яшаш гувоҳномаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари ҳамде ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг хизмат гувоҳномалари;

қўл юки — ўз ўлчамлари ва вазнига кўра (учта ўлчам йиғиндиси бўйича 180 см дан, қоидага кўра вазни 36 кг дан, икки ётоқ ўринли вагонлар учун эса — 50 кг дан ошмайдиган бўлиши керак) ўрам тури ва хилидан қатъи назар, енгил кўтариб юриладиган, сафар давомида йўловчига керак бўладиган, йўловчи вагонларида уларни жойлаштириш учун мўлжалланган жойларга қийинчиликсиз жойлаштириладиган юклар ва буюмлар.

**2-боб. Темир йўл вокзалларида (станцияларида) ҳамда
вокзал олдидаги ҳудудларда йўловчилар ва ташриф
буюрувчиларга хизмат кўрсатишга доир асосий
вазифалар**

3. Қуйидагилар темир йўл вокзаллари (станциялари) ҳамда вокзал олдидаги ҳудудларда йўловчилар ва ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатишга доир асосий вазифалар ҳисобланади:

- а) ахборот хизматларини кўрсатиш;
- б) йўловчилар ва расмий делегациялар учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- в) узоқ муддат дам олиш хоналарига ҳамда оналар ва болалар хоналарига жойлаштиришни ташкил этиш, шу жумладан темир йўлнинг айби билан ва бошқа фавқулодда вазиятда йўловчилар ташиш поездлари ҳаракатида узилишлар юз берган ҳолларда йўловчиларни кутиш залларига жойлаштириш, уларнинг овқатланишини ва уларга ахборот берилишини ташкил этиш;
- г) юк ташувчилар томонидан аравачаларда пулли ва бепул арава хизматлари кўрсатилишини ташкил этиш;
- д) юк сақлаш хоналари мавжуд вокзалларда юк сақлаш хизматларини кўрсатиш;
- е) багаж ва қўл юкини ташишнинг белгиланган қоидаларига риоя этишни назорат қилиш;
- ж) йўловчилар учун поездларга ўтишнинг хавфсиз йўналишларини таъминлаш;
- з) йўловчиларнинг йўловчи ташиш поездларига хавфсиз чиқиб-тушишини таъминлаш;
- и) темир йўл вокзали (станцияси)да сервис хизматларини яхшилаш ва кенгайтириш;
- к) имконияти чекланган йўловчилар, уюшган гуруҳлар, шу жумладан, болалар гуруҳлари, спорт, ҳарбий командаларнинг вагонларга чиқиши-тушиши ва темир йўл вокзалида бўлиши учун хавфсиз ва қулай шарт-шароитларни таъминлаш;
- л) транспорт ҳодисалари, ёнғинлар ва ҳалокатлар, атроф-муҳитга зарарли биологик таъсирнинг оқибатларини бартараф этиш чоғида темир йўл вокзали (станцияси) ҳудудида бўлиш даврида экологик хавфсизлик талабларига риоя қилиш ҳамда фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш ишларини ташкил этиш;
- м) вокзал мажмуаси объектларини, темир йўл вокзали (станцияси) ходимларини, йўловчилар, ташриф буюрувчилар ва бошқа шахсларни ноқо-

нуний аралашиш ҳаракатларидан ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлардан муҳофаза қилишни таъминлаш.

3-боб. Кўздан кечиришнинг умумий қоидалари

4. Кўздан кечиришнинг умумий қоидалари қуйидагиларни назарда тутати:

а) йўловчилар ва ташриф буюрувчиларни кўздан кечиришнинг мақсад ва қоидалари, уларнинг ҳуқуқ ва вазифалари, йўловчиларга мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ рўйхат бўйича йўловчи ташиш поездларида қўл юки ва багаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар ҳамда улар ноқонуний ташилганлиги учун жавобгарлик тўғрисида хабардор қилиш. Қўл юки ва багажни ташишда йўловчиларга қўйиладиган талаблар баланд овозли алоқа воситалари орқали, шунингдек, темир йўл кассаларида йўл ҳужжатларини (чипталарни) сотишда эълон қилинади. Кўзга кўринарли жойларда йўловчиларга темир йўл поездларида қўл юки ва багаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар ҳамда улар ноқонуний ташилганлиги учун жавобгарлик тўғрисидаги ахборот осиб қўйилади;

б) йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки, багажини кўздан кечириш жараёнида махсус техник воситаларни самарали қўллаш, зарурат бўлганда хизмат итларидан фойдаланиш ҳамда йўловчилар ва ташриф буюрувчиларни шахсий кўздан кечириш;

в) йўловчиларга йўловчи ташиш поездларида қўл юки ва багаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар ноқонуний ташилишини ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш;

г) кўздан кечирилган ва назорат ҳудудига қўйилган йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг кўздан кечиришдан ўтмаган учинчи шахслар билан муомала қилишини чеклаш;

д) темир йўл вокзалларига (станцияларига) ташриф буюрувчиларнинг содалаштирилган ҳолда (шахсни тасдиқловчи ҳужжатсиз) фақат вокзал биносига кириб-чиқишини таъминлаш. Йўловчилар платформасига (перронга) фақат йўл ҳужжатларига (чипталарига) эга бўлган йўловчилар ҳамда ҳаракатланиши чекланган бемор ёки кекса ёшдаги йўловчиларни кузатувчи ва кутиб олувчи шахсларнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан ўтишларини таъминлаш, йўл ҳужжатларига (чипталарига) эга бўлмаган шахсларнинг, шунингдек, йўл ҳужжатида (чиптада) кўрсатилган маълумотлар йўловчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлардаги маълумотларга мос бўлмаган шахсларнинг йўловчилар платформасига (перронга) ва йўловчи ташиш вагонларига киришига йўл қўймаслик.

Бунда ҳаракатланиши чекланган, бемор ёки кекса ёшдаги йўловчиларни бевосита кузатувчи шахслар йўловчилар платформасига (перронга) ўтишлари учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этишлари лозим.

Ҳаракатланиши чекланган, бемор ёки кекса ёшдаги йўловчиларни кутиб олувчи шахслар йўловчилар платформасига (перронга) ўтишлари учун вокзалга (станцияга) кириб келаётган йўловчи ташиш поездининг поезд бошлиғи томонидан берилган, поездда ҳаракатланиши чекланган, бемор ёки кекса ёшдаги йўловчи борлиги ва унинг тўлиқ маълумотлари (фамилияси,

исми, отасининг исмини, вагон тартиб рақами ва вагондаги жойлашган жойи рақами) кутиб олувчи берган маълумотлар билан тўғри келган тақдирда, киришлари мумкин бўлади.

Поезд бошлиғи йўловчи ташиш поездининг ҳаракати давомида, йўловчилар орасидан ҳар бир ҳаракатланиши чекланган, бемор ёки кекса ёшдаги йўловчилар тўғрисидаги маълумотларни йиғиб, йўловчиларнинг бориш манзилларига қараб энг қулай алоқа воситалари ёрдамида олдиндан жойига бериб бориши лозим бўлади;

е) фавқулодда вазиятни бартараф этиш (тугатиш) бўйича хизмат бурчларини бажариши билан боғлиқ вазифаларни ҳал этаётганда уларга қўмаклашиш.

5. Йўловчилар ва ташриф буюрувчилар томонидан кўздан кечиришдан ўтиш ёки қўл юки ва бағажни кўздан кечиришга тақдим этиш рад этилган тақдирда, ушбу шахслар назорат ҳудудига қўйилмайди.

4-боб. Кўздан кечириш ваколатига эга бўлган ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Кўздан кечириш ваколатига эга бўлган ходимлар:

а) назорат қилинадиган ҳудудга кирган йўловчилар ва ташриф буюрувчилардан ушбу Низом талабларини сўзсиз бажаришни талаб қилиш;

б) йўловчилар ва ташриф буюрувчиларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида улар тўғрисидаги маълумотларни верификация қилиш имконини берадиган ускуналардан фойдаланиш;

в) назорат ҳудудига кирган йўловчилар ва ташриф буюрувчиларни кўздан кечириш жараёнида аниқланган, йўловчиларнинг йўловчи ташиш поездларида ташиш тақиқланган қўл юки ва бағаж шаклидаги хавфли моддалар ва буюмларни Ички ишлар вазирлигининг Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти ходимлари томонидан олиб қўйиш баённомасини тузиб, нусхасини йўловчининг қўлига берган ҳолда белгиланган тартибда олиб қўйиш;

г) ноқонуний аралаштириш ҳаракатини ёки бошқа жиноий ҳаракатларни содир этиш ниятидаги шахсларга хос бўлган бир қанча ўзини тутиш белгилари бўйича потенциал хавфли шахсларни аниқлаш мақсадида кўздан кечириляётган йўловчилар ва ташриф буюрувчилар билан психологик сўров шаклида (қисқа саволлар ёрдамида) суҳбат ўтказиш;

д) Ички ишлар вазирлигининг ахборот-излаш маълумотлар базалари ҳамда вокзаллардаги (станциялардаги) мавжуд интеллектуал видеокузатув тизимлари ёрдамида шубҳали шахсларни қидириш;

е) фуқаровий ва хизмат қуролини ташувчи шахслар томонидан қурол-яроғ, ўқ-дориларни ташишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш;

ж) зарурат бўлганда, назорат қилинадиган ҳудуднинг ҳамма жойида Ички ишлар вазирлигининг Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти ходимлари, йўловчилар ва ташриф буюрувчиларни шахсий кўздан кечириш ҳуқуқига эга.

7. Кўздан кечириш ваколатига эга бўлган ходимлар:

а) ушбу Низом, темир йўлда йўловчилар ва ташриф буюрувчилар хавфсизлигини таъминлашга, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларининг бошқа норматив талабларига риоя қилишга;

б) кўздан кечириладиган шахсларга нисбатан ҳушёр, эътиборли ва илтифотли муносабатда бўлишга ҳамда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳаракатларга йўл қўймасликка;

в) кўздан кечириладиган шахсларга ўзларида бўлиши мумкин бўлган йўловчилар ташиш поездларида қўл юки ва багаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмларни ихтиёрий равишда кўрсатишни таклиф этишга;

г) кўздан кечириш сабабли йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг асоссиз равишда ушланиб қолинишига йўл қўймасликка;

д) қоида бузилишига барҳам бериш чораларини кўришга;

е) кўздан кечиришдан бош тортган йўловчилар ва ташриф буюрувчиларни назорат қилинадиган ҳудудга қўймасликка;

ж) йўловчилар ва ташриф буюрувчилар томонидан йўловчи ташиш поездларида қўл юки ва багаж шаклида ташилиши тақиқланган хавфли моддалар ва буюмларни аниқлашнинг зарур кўникмаларига эга бўлишга;

з) табиий ва техноген тусдаги авариялар, ҳалокатлар, ёнғин ёки табиий офатлар юз берган тақдирда, жабрланганларни қутқариш ва уларга биринчи ёрдам кўрсатиш, махсус қутқарувчи хизматларни чақириш чораларини кўришга;

и) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар тузишга мажбурдирлар.

8. Кўздан кечириш жараёнида назорат қилинадиган ҳудудга йўловчилар ва ташриф буюрувчилар томонидан йўловчи ташиш поездларида қўл юки ва багаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли модда ва буюмларни олиб ўтиш эҳтимоли бўлган ёки олиб ўтилишига йўл қўйган, хизмат мажбуриятларини етарли даражада бажармаган, шунингдек, кўздан кечириладиган шахсларнинг хизмат ваколатлари оширилганлиги учун шаъни ва кадр-қимматини камситишга олиб келган айбдор, кўздан кечириш бўйича ваколатли ходимлар, йўл қўйилган қоида бузилишининг оғирлигига қараб қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

5-боб. Кўздан кечириш тартиби

9. Назорат қилинадиган ҳудудга киришдан олдин ҳар бир йўловчилар ва ташриф буюрувчилар ҳамда уларнинг қўл юки, багажларини кўздан кечириш (зарурат бўлганда шахсий кўздан кечирилиши) вокзал олдидаги майдонда махсус жиҳозланган назорат ўтказиш пунктларида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси ва Ички ишлар вазирлигининг Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти ходимлари томонидан амалга оширилади.

10. Назорат ўтказиш пункти:

йўловчилар ва ташриф буюрувчиларни ҳамда уларнинг қўл юкини, багажларни кўздан кечириш учун махсус техник воситалар, хусусан:

қўл юки ва багажни кўздан кечириш учун рентген-телевизион ускуналар (интроскоплар);

турғун металл детекторлар;

қўл металл детекторлари;

портловчи моддаларнинг буғ қолдиқлари зарраларини аниқлаш учун детекторлар;

тезкор алоқа воситалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

11. Йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки ва багажи эгасининг иштирокида кўздан кечирилади.

12. Кўздан кечириш ваколатига эга бўлган ходимлар назорат ўтказиш пунктида махсус техник воситаларни қўллаган ҳолда, зарурат бўлганда хизмат итларидан фойдаланилади.

Шахсларни ва уларнинг қўл юки, багажини кўздан кечириш қўйидаги кетма-кетликда ўтказилади:

а) темир йўл вокзали (станцияси) назорат ҳудудига кирувчи йўловчилар ва ташриф буюрувчилар вокзал олдидаги ҳудудларда ташкил этилган, махсус техник воситалар билан жиҳозланган умумлаштирилган назорат ўтказиш пунктлари орқали ўтадилар, бу ерда уларга мавжуд металл буюмлар, йўловчи ташиш поездларида қўл юки ва багаж шаклида йўловчилар томонидан ташилиши тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар, шунингдек, ўзга шахсларнинг ташиш учун берилган ашёлари (жўнатмалар, бандероллар, тугунлар, пакетлар ва шу кабилар) тўғрисида маълумот бериш таклиф этилади;

б) кўздан кечирилаётган йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг кийимидаги мавжуд металл буюмларни (портсигар, калитлар, фольгали пачкалардаги сигаретлар, тангалар ва шу кабиларни) белгиланган идишга қўйиш ва йўловчиларнинг тўпланиб қолишига йўл қўймай, уларга навбати билан турғун металл детектор орқали ўтиш таклиф этилади, металл буюмлар мавжудлиги тўғрисида сигнал тушган тақдирда, қўлда ишлатиладиган металл детектор қўлланилади, у бўлмаганда эса — белгиланган тартибда шахсий кўрикдан ўтказилади. Сиртга туртиб чиққан, бироқ кўз билан йўловчининг кийимида кўринмайдиган ва металл детекторнинг ишлаб кетишига олиб келадиган буюмлар кўздан кечириш ваколати берилган ходимнинг талаби бўйича кўрикдан ўтказиш учун чиқарилиши талаб этилади. Багаж ва қўл юки интроскопдан фойдаланган ҳолда кўрикдан ўтказилади. Зарур ҳолларда, қўл юки ва багаж махсус қўшимча ускунадан фойдаланган ҳолда кўздан кечирилади;

в) кўздан кечириш жараёнида йўловчи ташиш поездларида қўл юки ва багаж шаклида йўловчилар томонидан ташилиши тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар аниқланган тақдирда, интроскоп оператори тегишли чоралар кўриш учун дарҳол Ички ишлар вазирлигининг Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти ходимини хабардор қилади;

г) ногабарит буюмлар, йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўлидаги устки кийимлар ва ичида нималар борлигини интроскоп экрандаги сояли тасвир бўйича аниқлаб бўлмайдиган қўл юки шахсан кўздан кечирилади;

д) қидирувдаги шахсларни излаш ва ушлаш темир йўл вокзалларидаги (станциялардаги) мавжуд интеллектуал видеокузатув тизимлари ҳамда Ички ишлар вазирлигининг қидирувдаги шахсларни ахборот-излаш маълумотлар базалари ёрдамида амалга оширилади.

Қидирувдаги шахслар деб гумон қилинган ёки кўздан кечиришдан ўтказиш жараёнида ўзини шубҳали тутаётган шахсларни аниқлик киритиш мақсадида паспортга оид маълумотлари ҳам текширилади ва шахсий кўздан кечириш кўригидан ўтказилади;

е) техник сабабларга кўра интроскопдан ёки турғун металл детектордан фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолатларда шахсларни, шунингдек, уларнинг қўл юки ва бағажини кўздан кечириш шахсан кўздан кечириб чиқиш йўли билан қўлда ишлатиладиган металл детектор ёрдамида амалга оширилади.

13. Қўл юки сифатида ташиладиган маиший мақсаддаги радиоэлектрон аппаратлар, дурбинлар умумий асосларда кўздан кечирилади.

14. Радио, теле, аудио ва видео-техника, шахсий компьютерлар, планшетлар ва бошқа электрон воситалар рентген-телевизион ускуна (интроскоп) орқали текширилади.

15. Яширин тарзда ташиш учун буюмлардан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида ашёларни кўздан кечиришда:

а) уяли телефонлар ва шу каби электрон асбоб-ускуналарнинг ишлаш қобилияти текширилиши;

б) филофлар, жилдлар кўздан кечирилиши, қувватлантириш блоклари, кассета филофлари, шунингдек, плёнкали камералар очилиши ва текширилиши (аппаратларни ўчириш, қувватлантириш блоки қопқоғини ва кассета филофларини очишни буюмнинг эгаси амалга оширади);

в) суюқликлар солинган идишлар ва термослар кўздан кечирилиши;

г) габаритига кўра махсус техник воситалар ёрдамида текшириб бўлмайдиган мусиқа ва бошқа асбоблар текширилганда, уларнинг филофлари олиб ташланиши, жилдлари очилиши ва улар силкитиб кўрилиши зарур.

16. Юрак фаолиятини таъминловчи имплант аппаратларига эга бўлган шахслар махсус техник воситалар қўлланилмасдан қўлда ёки шахсан кўздан кечирилади.

17. Тиббиёт пунктидаги йўловчилар, уларга ҳамроҳлик қилувчи ҳамда бошқа шахслар кўздан кечириш учун масъул бўлган махсус ажратилган ходимлар томонидан кўздан кечирилади. Бундай шахсларни кўздан кечириш ва уларнинг ўзга шахслар билан алоқасини чеклаш масъулияти тиббиёт пункти ходимларига юкланади ва бу ҳақда улардан тилхат олиб эълон қилинади.

18. VIP-мақомга эга бўлган йўловчилар ва ташриф буюрувчилар ушбу залларнинг назорат ўтказиш пунктларида кўздан кечиришдан ўтади.

19. Йўловчи ташиш вагонларида уй ҳайвонлари, паррандалар ва бошқа ҳайвонларни ташийдиган йўловчилар тегишли ветеринария маълумотномаларига, шунингдек, улар ташиладиган қафаслар ёки бошқа мосламаларга эга бўлиши керак.

20. Кўздан кечириш назоратидан ўтилгандан кейин йўловчилар ва ташриф буюрувчиларга уларнинг қўл юки, бағаж қайтарилади.

Йўловчида қурол билан, уни сақлаш ҳамда олиб юриш учун белгиланган тартибда берилган рухсатномаси (фақат фуқаровий қурол тоифасига кирувчи қурол-аслаҳалар) мавжуд бўлган тақдирда, йўл ҳужжатида (чиптага) «Қурол» деган қўшимча белги (штамп) қўйилади. Мавжуд қурол, унинг ўқ-дорилари ва уларнинг сони ёзма равишда белгининг (штампнинг) ичига ёзиб қўйилади.

Йўл чипталарини электрон шаклда веб-сайт ёки мобил илова орқали харид қилиб олган йўловчиларда қуроли борлиги тўғрисидаги белги (штамп) лента шаклидаги махсус елимлагичга (стикер) қўйилади.

21. Йўловчилар платформасига (перронга) ва йўловчи ташиш поездида йўловчи бўлмаган, йўл ҳужжатида (чиптада) кўрсатилган маълумотлар йўловчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлардаги маълумотларга мос бўлмаган шахсларнинг чиқиши қатъиян тақиқланади (шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этган ҳолда, ҳаракатланиши чекланган бемор ёки кекса ёшдаги йўловчиларни кузатувчи ва кутиб олувчи шахслар бундан мустасно).

22. Кўздан кечиришдан ўтиш вақти йўловчиларнинг йўловчи ташиш поездида чиқишга кечикиши учун шарт-шароитлар яратмаслиги зарур.

Бунда кўздан кечириш вақтини қисқартириш мақсадида кўздан кечириш тартиб-қоидадини соддалаштиришга йўл қўйилмайди.

6-боб. Шахсий кўздан кечириш

23. Қидирувдаги шахслар деб гумон қилинган ёки кўздан кечириш жараёнида ўзини шубҳали тутаётган шахслар махсус жиҳозланган хоналарда иккита холис иштирокида қуйидаги ҳолларда шахсий кўздан кечирилади:

а) тайёрланаётган ноқонуний аралашини ҳаракати тўғрисида хабар келганда;

б) кўздан кечириладиётган йўловчилар ва ташриф буюрувчиларда йўловчи ташиш поездларида йўловчилар қўл юки ва багаж шаклида ташиши тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар мавжудлиги тўғрисида хабар олинганда;

в) кўздан кечириладиётган йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юкида, бағажда йўловчи ташиш поездларида йўловчилар қўл юки ва багаж шаклида ташиши тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар аниқланганда;

г) кўздан кечириш ваколатига эга бўлган ходимлар томонидан шахсан кузатиш йўли билан кўздан кечириладиётган йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг ўзини шубҳали тутиши ва хатти-ҳаракатлари белгилари, унинг фарзли ниятларидан далолат берувчи ёки йўловчи ташиш поездларида йўловчилар томонидан қўл юки ва багаж шаклида ташиши тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар бўлиши мумкинлиги тўғрисида шубҳа туғдирувчи белгилар аниқланганда;

д) интеллектуал видеокузатув тизимлари орқали Ички ишлар вазирлигининг қидирувдаги шахсларни ахборот-излаш маълумотлар базалари ёрдамида қидирувдаги шахс аниқланганда.

24. Йўловчилар ва ташриф буюрувчилар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 289-моддасига мувофиқ ва йўловчи ташиш поездларида йўловчилар қўл юки ва багаж шаклида ташиши тақиқланган хавфли мод-

далар ва буюмларни аниқлаш учун зарур бўлган доирада шахсий кўздан кечирилади.

7-боб. Махсус юкларга, махсус почтага ва соқчилар назорати остидаги шахсларга ҳамроҳлик қилувчи шахсларни, ҳарбий хизматчилар, мерган спортчилар, овчилар, геологлар ва қурол сақлаш ва ташиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа йўловчиларни кўздан кечириш тартиби

25. Темир йўл транспортида ташиладиган махсус юклар, махсус почта ва расмий хат-хабарлар ҳамда уларни кузатиб борувчи вазирлик ва идораларининг қуролланган ходимлари, шунингдек, ички ишлар органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларнинг уларни кузатиб борувчи ходимлари, фельдъегерлик ва махсус алоқа ходимлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида уларга тенглаштирилган, дипломатик мақомга эга бўлган йўловчилар томонидан кузатиб бориладиган хорижий ва халқаро ташкилотларнинг бошқа расмий хат-хабарлари тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин кўздан кечирилмайди ва ушлаб турилмайди.

26. Қуролланган ходимлар томонидан кузатиб бориладиган махсус юклар ва почтани ортиш, шунингдек, қуролланган ходимларни ва соқчилар назорати остидаги шахслар поездга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чиқарилади.

27. Махсус юклар ва махсус почтада йўловчи ташиш поездларида йўловчилар қўл юки ва багаж шаклида ташиши тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар бўлмаслиги керак. Ушбу қоидалар бузилганлиги учун белгиланган тартибда жўнатувчи жавобгар бўлади.

28. Тегишли рухсат берувчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, қурол сақлаш ва ташиш ҳуқуқига эга бўлган мерган спортчилар, овчилар, геологлар ва бошқа йўловчиларга тегишли бўлган фуқаро қуроли ва аслаҳалари сафар даврида йўловчининг ёнида, бегона шахсларнинг кўриши ва уларни эркин олиши имкониятини истисно этиш мақсадида қурол ташиш жилдларида, қинларда ёки махсус филофларда ўқсизлантирилган ҳолатда ўқ-дориларидан алоҳида ташиш талаб этилади.

29. Темир йўл вокзалларида (станцияларида) йўловчиларга хизмат кўрсатишга жалб этилган ходимлар, прокуратура, ички ишлар органлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва назорат органлари ходимлари ушбу Низомга мувофиқ умумий асосларда кўздан кечирилади.

8-боб. Йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг темир йўл вокзалларида (станцияларида) бўлиш тартиби

30. Йўловчилар ва ташриф буюрувчилар фақат белгиланган тартибда амалга оширилган кўздан кечиришдан ўтганларидан кейин темир йўл вокзалининг (станциясининг) назорат қилинадиган ҳудудига ўтадилар.

VIP тоифали вагонларга йўл ҳужжатларига (чипталарига) эга бўлган йўловчилар ҳам белгиланган тартибда кўздан кечирилади.

Йўловчилар платформасига (перронига) ва йўловчи ташиш поездига йўл хужжатларига (чипталарига) эга бўлган йўловчилар ҳамда ҳаракати чекланган бемор ёки кекса ёшдаги йўловчиларни кузатувчи ва кутиб олувчи шахслар шахсни тасдиқловчи хужжат тақдим этган ҳолда ўтадилар.

31. Кўздан кечириш тартиботларидан ўтгандан кейин йўловчилар ва ташриф буюрувчилар темир йўл вокзали (станцияси) ҳудудида кўрсатиладиган барча хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Назорат қилинадиган ҳудудга кириш жойида ва ҳар бир қабул қилиш-жўнатиш йўллари платформаларида йўловчиларга қулай бўлиши учун темир йўл вокзали (станцияси) маъмурияти томонидан темир йўл вокзали ва вокзал олдидаги ҳудудда (шу жумладан, автотураргоҳи ҳудудида) бепул асосда фойдаланишга аравачалар билан таъминланади ёки юк ташувчи ёрдамида пулли хизмат кўрсатиш ташкил этилади.

32. Йўловчи бўлмаган ташриф буюрувчилар кўздан кечиришдан ўтгандан кейин темир йўл вокзалининг (станциясининг) назорат қилинадиган ҳудудида (йўловчилар платформаси/перрондан ташқари) ўтадилар.

33. Хизмат зарурати бўйича келган тегишли ташкилот ходимлари кўздан кечиришдан ўтгандан кейин назорат қилинадиган ҳудудга ўтиш ҳуқуқига эга.

9-боб. Йўловчилар ва бошқа шахсларнинг темир йўлдан ўтишда, вагонга чиқиш ва ундан тушишдаги ҳаракати тартиби

34. Темир йўл вокзалида (станциясида) бўлган йўловчи, ташриф буюрувчи ва бошқа шахслар темир йўлдан фақат бунинг учун белгиланган ва жиҳозланган жойларда ўтишади.

35. Ногиронлик аравачасидаги йўловчилар ва бошқа шахсларнинг темир йўлдан ўтиши учун фақат пиёдалар ўтиш йўллари орқали ва кузатувчи билан йўл қўйилади.

36. Темир йўлда ва йўловчилар платформаларида бўлиш вақтида хавфсизлик чораларига риоя қилиш ва саломатликни сақлаш мақсадида қўйиладигилар тақиқланади:

а) йўловчилар платформаси ва темир йўлнинг ҳаракатланувчи таркиби тагига кириш, вагонлар ўртасидаги автоматик улагичлардан ошиб ўтиш;

б) темир йўлнинг белгиланмаган жойларидан ўтиш, поездлар ҳаракатини бузишга олиб келиши мумкин бўлган буюмларни темир йўлга қўйиш;

в) йўловчилар платформаси четидаги чегараловчи линияларга ўтиш, келаётган ёки жўнаётган поездларнинг ёнида йўловчилар платформасида югуриш;

г) турли ҳаракатли ўйинлар ўйнаш, болаларни қаровсиз қолдириш (болали шахслар учун);

д) темир йўл транспорти тўлиқ тўхтагунга қадар вагонларга яқинлашиш, поезд юриб бораётганда вагонга чиқиш ва (ёки) тушиш, вагонлар деразалари ва тамбурлар эшикларидан бош чиқариш, йўловчилар платформасидан темир йўлга сакраш;

е) белгилар, кўрсаткичлар ёки бошқа ахборот манбалари бор бўлган жисмларга шикаст етказиш, ифлос қилиш, тўсиб қўйиш, уларни олиб ташлаш, мустақил равишда ўрнатиш, темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларига, шу жумладан, темир йўлнинг ҳаракатланувчи таркибига зиён етказиш;

ж) турган вагонга суяниш, темир йўлнинг ҳаракатланувчи таркиби томига чиқиш, вагонлар эшикларининг автоматик очилиши ва ёпилишини тўхтатиб туриш, темир йўлнинг ҳаракатланувчи таркиби ҳаракатига ҳалақит бериш;

з) зинапояларда ва ўтиш майдончаларида туриш, тиргакларга ҳамда боғловчи тармоқларнинг махсус конструкцияларига, ҳаво линияларига ва сунъий қурилмаларга чиқиш, тиргаклардан ҳамда боғловчи тармоқларнинг махсус конструкцияларидан ва электр узатиш ҳаво линияларидан ўтадиган симларга қўл теккизиш;

и) чекиш учун мўлжалланмаган жойларда чекиш, вокзал ҳудудида ва платформаларда (перрон), йўловчилар ташиш поездларида алкоғолли ичимликлар, токсик ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилиб маст ҳолатда бўлиш;

к) экилган ҳимоя дарахтларига, қордан ҳимоя қилувчи тўсиқларга ва бошқа йўл объектларига, сигнал берувчи қурилмалар ва алоқа иншоотларига шикаст етказиш;

л) санитария нормалари, гигиена қоидалари ва нормативларини бузиш, поездлар вагонларидан ахлатлар ва бошқа буюмларни ташқарига ташлаш;

м) назорат қилинадиган ҳудудда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, жамоат тартиби қоидаларини бузиш;

н) тегишли ўрамаларсиз ёки ғилофларсиз фуқароларни жароҳатлаш мумкин бўлган моддалар ва буюмларни ўзи билан олиб юриш.

37. Йўловчилар ва бошқа шахслар темир йўлда ва йўловчилар платформаларида бўлганда:

а) темир йўл вокзали (станцияси) маъмурияти, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси ҳамда Ички ишлар вазирлигининг Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти ходимларини темир йўлдаги мавжуд ҳалақит берувчи тўсиқлар ва бошқа шубҳали буюмлар, шунингдек, темир йўл вокзали (станцияси) ҳудудидаги бегона ва (ёки) унутиб қолдирилган буюмлар тўғрисида хабар беришлари;

б) темир йўлнинг ҳаракатланувчи таркиби яқинлашаётганда вужудга келадиган ҳаво оқимининг таъсири бўлмайдиган масофага бориб туришлари;

в) темир йўлнинг ҳаракатланувчи таркибини шошилиш тўхтатиш талаб қилинадиган вазиятлар юзага келган ҳолларда, мумкин бўлган усул билан сигнал беришлари;

г) перронга чиқишда, вагонга кириш ва вагондан тушишда (болали шахслар учун) болаларнинг қўлидан ушлаш ёки қўлда кўтариб олишлари;

д) вагонларга фақат поезд тўлиқ тўхтаганда бошқа фуқароларга ҳалақит бермасдан, фақат йўловчилар платформаси томонидан (темир йўл станцияла-

рида махсус ажратилган ва мослаштирилган жойларда) киришлари ва (ёки) тушишлари керак.

10-боб. Якунловчи қоида

38. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Темир йўл вокзалларида (станцияларида)
йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл
юки ва багажини кўздан кечириш, уларнинг
темир йўл вокзалларида (станцияларида)
бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Йўловчилар ташиш поездларида ташиш тақиқланган ва чекланган хавфли моддалар ва буюмлар РЎЙХАТИ

Қуйидагилар йўловчилар ташиш поездларида қўл юки ва багаж сифатида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмларга киради:

а) тегишли рухсат берилган ҳужжат бўлмаган барча турдаги ўқ-отар ва тигли қурооллар:

тўппончалар, револьверлар, сойли милтиқлар, карабинлар, бошқа ўқ-отар қурооллар ва уларнинг ўқ-дорилари;

арбалетлар ва сув ости ови қуроли, қиличлар, ханжарлар, дудама қиличлар, эгри қиличлар, узун ва оғир қиличлар, тиглар, қиличсимон найзалар, найзалар, ханжарлар, кортиклар, ханжарчалар, пичоқлар: ҳарбий, десант, фин пичоқлари, пискалар отилиб чиқадиган, қулфланадиган дудама қиличлар;

б) тегишли рухсат берилган ҳужжат бўлмаган барча турдаги портловчи моддалар ва улар билан тўлдирилган буюмлар, портлатиш воситалари:

ҳар қандай ўрамдаги барча ов порохлари;

ов капсулалари (пистонлари) ва капсула-детонаторлар;

пиротехника воситалари: сигналли ва ёритувчи ракетаалар, посадкали шашкалар, тутун чиқарувчи патронлар;

динамит, тол, аммонал, тротил ва бошқа портловчи моддалар;

в) сиқилган ва суюлтирилган газлар;

г) тез ёнувчан қаттиқ моддалар:

сув таъсирида иссиқлик ва иссиқ газ чиқарадиган, натижада ўзидан ўзи ёнадиган ва ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган моддалар: калий, натрий, металл кальций ва уларнинг қотишмалари, кальций, фосфорит ва бошқалар;

оқ, сариқ ва қизил фосфор ҳамда тез ёнувчан қаттиқ моддалар тоифасига тегишли бўлган бошқа барча моддалар;

органик пероксидлар;

донадор ёки парча-парча, қуруқ ёки нам, таркибида камида 25 фоиз сув ёки эритувчи суюқлик бўлган коллоид нитроцеллюлоза;

қуруқ ва нам, таркибида камида 30 фоиз сув ёки эритувчи суюқлик бўлган нитроцеллюлоза;

д) тегишли рухсатнома берилган ҳужжат бўлмаган барча турдаги заҳарли ва заҳарловчи моддалар:

ҳар қандай идишга жойлаштирилган суюқ ва қаттиқ ҳолатдаги ҳар қандай заҳарли, кучли таъсир қиладиган ва заҳарловчи моддалар;

бруцин;

никотин;

стрихнин;

тетрагидрофурфурил спирти;

этиленгликоль;

симоб;

цианид кислотанинг барча тузлари ва цианид препаратлар;

циклон, цианплав, маргимуш ангидрид ва бошқа кучли таъсир қиладиган, заҳарли, заҳарловчи моддалар;

е) герметик идишларсиз ва ўрамларсиз ташиладиган ўювчи, бадбўй ва емирувчи моддалар:

кучли ва ноорганик кислоталар: хлорид, сульфат, азот кислоталари ва бошқа кислоталар;

фторли-водород (шишани ўйиш қобилиятига эга бўлган) кислотаси ва бошқа кучли кислоталар ва емирувчи моддалар;

ж) божхона қоидаларига ва бошқа қоидаларга кўра ташишга йўл қўйилмайдиган буюмлар.

Қуйидаги чекланган миқдорлардаги маиший мақсадда фойдаланиладиган моддалар ва буюмларни эҳтиёткорлик чораларини кўрган ҳолда, қўл юки ва бажада йўловчи ташиш поездларида ташишга рухсат берилади ва улар кўздан кечиришда олиб қўйилмайди:

сирка (битта йўловчига 0,5 литрдан кўп эмас);

алкоголли ичимликлар;

хизмат мақсадларида ташиладиган спирт тамға рақами кўрсатилган ҳолда, корхона (ташкилот) маълумотномаси билан тасдиқланадиган, герметик ёпилган ва тамғаланган идишларда икки литрдан ортиқ бўлмаган миқдорда ташилади;

герметик идишда ва ўрамда ташиладиган тез алангаланадиган суюқликлар;

ацетон;

нефть маҳсулотлари намуналари;

металацетат (метил эфири);

углерод сульфид;

эфирлар;

пардоз-андоз воситалари, шу жумладан, тирноқ учун лаклар, лакларни кўчириш учун суюқликлар, соч учун суюқликлар, шунингдек, спирт-лак асосидаги ҳавони тозаловчи суюқликлар;

газли заживалкалар ва заживалкалар учун газли баллончалар (битта йўловчига 2 та баллончадан ортиқ эмас);

буклама (фиксаторсиз) йўл пичоқлари ва қайирма пичоқлар;

симобли тиббиёт термометрлари (градусниклар) (битта йўловчига 1 донадан ортиқ эмас);

стандарт филофдаги симобли тонометрлар (битта йўловчига 1 донадан ортиқ эмас);

жўнатувчининг тамғаси билан махсус герметик контейнерларда жойлаштирилган симобли барометрлар ва манометрлар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 17 апрелдаги 159-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Автовокзалларда (автостанцияларда) йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки ва бағажини кўздан кечириш, уларнинг автовокзалларда (автостанцияларда) бўлиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом автовокзалларда (автостанцияларда) йўловчилар ва ташриф буюрувчиларни, қўл юки ва бағажини кўздан кечириш ҳамда уларнинг автовокзалларда (автостанцияларда) бўлиши тартибини белгилайди.

2. Автовокзаллар (автостанциялар) ҳудудига йўловчилар ва бошқа шахслар назоратдан ўтказиш орқали киритилади.

3. Йўловчилар ва ташриф буюрувчилар мазкур Низомга иловада назарда тутилган хавфли моддалар ва буюмларни автовокзаллар (автостанциялар) ҳудудига олиб кириши ва уларни автотранспорт воситаларида ташишлари тақиқланади.

4. Мазкур Низом автовокзалларнинг тоифалари ва автостанцияларнинг классларини аниқлаш мезонларига нисбатан татбиқ этилади.

5. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

автовокзал (автостанция) — транспорт-экспедиция, ташиш фаолиятини амалга оширувчи ва йўловчиларга бошқа хизматлар кўрсатувчи ташкилот;

бағаж — жўнатиш учун идишга жойланган ва йўловчи томонидан автобусда олиб кетиладиган буюмлар;

йўловчи — тузилган ташиш шартномасига мувофиқ ташиш хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахс;

йўловчилар платформаси (перрон) — автовокзал (автостанция)ларда ёки бекатларда йўловчиларнинг автобусларга қулай ва хавфсиз ўтиши, чиқиши ва тушиши учун мўлжалланган майдонча;

автовокзал (автостанция)лар орқали автобусларда ташилиши

тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар — ноқонуний аралашуш ҳаракатини содир этиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган буюмлар ва юклар;

махсус техник воситалар — кўздан кечириш ва назоратни амалга ошириш учун мўлжалланган махсус техник қурилмалар ва мосламалар (турғун ва қўл металл детекторлари, видеокузатув, шу жумладан, қидирувдаги шахсни ва автотранспорт воситасини аниқловчи видеокузатув тизимлари ва шу кабилар);

назоратдан ўтказиш — махсус техник воситаларни қўллаган ҳолда, йўловчилар йўловчи ташиш транспорт воситаларида қўл юки ва багаж шаклида ташиши тақиқланган, ноқонуний аралашуш ҳаракатини содир этиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган хавфли моддалар ва буюмларни аниқлашга мўлжалланган тадбирлар мажмуаси;

назоратдан ўтказиш ваколатига эга бўлган ходимлар — автовокзал (автостанциялар) раҳбарияти томонидан назоратдан ўтказиш ваколати берилган назоратчилар ёки ички ишлар ҳамда Миллий гвардия ходимлари;

назорат қилинадиган ҳудуд — назорат амалга оширилгандан кейинги автовокзал (автостанция) ҳудуди;

ноқонуний аралашуш ҳаракати — автомобиль транспортининг хавфсиз фаолиятига таҳдид соладиган, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, моддий зарар етказадиган ёхуд бундай оқибатлар келиб чиқиши хавфини яратган ҳуқуққа зид ҳаракат (ҳаракатсизлик), шу жумладан, террорчилик ҳаракати;

ташриф буюрувчилар — йўловчиларни кутиб олувчи ва кузатувчи, автовокзал (автостанция) маъмурияти қабулига келган шахслар;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат — паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд шахсни тасдиқлайдиган бошқа «QR» кодли ҳужжат;

қўл юки — йўловчи томонидан бепул ташиладиган ва ташиш учун идишга жойланган буюмлар.

2-боб. Автовокзаллар (автостанциялар) ҳудудида йўловчилар ва ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатишга доир асосий вазифалари

6. Қуйидагилар автовокзал (автостанция) ҳудудидаги йўловчилар ва ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатишга доир асосий вазифалар ҳисобланади:

ахборот хизматлари кўрсатиш;

йўловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

узоқ муддат дам олиш хоналарига ҳамда оналар ва болалар хоналарига жойлаштиришни ташкил этиш, шу жумладан, автовокзал (автостанция)нинг айби билан ва бошқа фавқулодда ҳолатларда йўловчи ташиш автобуслари ҳаракатида узилишлар юз берган ҳолларда йўловчиларни кутиш залларига жойлаштириш ва уларга ахборот берилишини ташкил этиш;

багаж ва қўл юкини ташишнинг белгиланган меъёрларига риоя этилишини назорат қилиш;

йўловчилар томонидан автобусларга ўтишнинг хавфсиз йўналишларини таъминлаш;

йўловчиларни узоқ манзилга ва шаҳар атрофига қатнайдиغان автобуска чиқишини (ундан тушишини) таъминлаш;

автовокзал (автостанция)да сервис хизматларини яхшилаш ва кенгайтириш;

ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, болалар гуруҳлари, ҳарбий командаларнинг автобусларга чиқиши-тушиши, автовокзал (автостанция)да бўлиши учун хавфсиз ҳамда қулай шарт-шароитларни таъминлаш;

транспорт ҳодисалари, ёнғинлар ва ҳалокатлар, атроф-муҳитга зарарли биологик таъсирнинг оқибатларини бартараф этиш чоғида автовокзал (автостанция) ҳудудида бўлиш даврида экологик хавфсизлик талабларига риоя қилиш ҳамда фуқаролар соғлигини муҳофаза қилишни таъминлаш ишларини ташкил этиш.

3-боб. Йўловчилар ва ташриф буюрувчиларни назоратдан ўтказишнинг умумий қоидалари

7. Назоратдан ўтказишнинг умумий қоидалари қуйидагиларни назарда тутди:

автовокзал (автостанция)ларда йўловчилар ва ташриф буюрувчилар назоратдан ўтиш пунктида зарурат бўлганда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, йўловчиларнинг йўл ҳужжатлари, багаж, қўл юки ҳамда улар томонидан олиб ўтиладиغان буюм ва моддаларни кўздан кечириш;

йўловчилар ва ташриф буюрувчиларда мавжуд металл буюмлари, автобусларда қўл юки ва багаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар тўғрисида маълумот бериш;

йўловчилар ва ташриф буюрувчиларга мазкур Низомга иловага мувофиқ рўйхат бўйича йўловчи ташиш автотранспорт воситаларида қўл юки ва багаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар ҳамда улар ноқонуний ташилганлиги учун жавобгарлик тўғрисида тушунтириш бериш;

йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки, бағажини назоратдан ўтказиш, кўздан кечириш жараёнида махсус техник воситаларни самарали қўллаш, зарурат бўлганда хизмат итларидан фойдаланиш ҳамда йўловчилар ва ташриф буюрувчиларни шахсий кўздан кечириш;

назоратдан ўтказилаётган йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг металл буюмлари мавжуд бўлса, уларни махсус идишга солиш ва турғун металл детектор рамкаси орқали ўтишга таклиф этиш, металл буюмлар мавжудлиги тўғрисида сигнал тушган тақдирда, қўлда ишлатиладиغان металл детекторни қўллаш, у бўлмаган тақдирда, белгиланган тартибда шахсий кўздан кечириш;

ногабарит буюмлар, йўловчилар ва ташриф буюрувчиларнинг кийимларида нималар борлигини металл детектор билан аниқлаб бўлмайдиган ҳолатда заруратга кўра шахсий кўздан кечириш;

қидирувдаги шахсларни аниқлаш ва ушлаш мақсадида назоратдан ўтказилаётганларнинг паспортга оид маълумотларини танлаб текшириш, шунингдек, шубҳали шахсларни шахсан назоратдан ўтказиш.

8. Автовокзал (автостанция)ларга йўловчилар ва ташриф буюрувчилар кириб-чиқишлари мумкин. Автобусларга чиптасиз чиқиш тақиқланади.

9. Йўловчилар ва ташриф буюрувчилар томонидан назоратдан ўтиш ёки қўл юки ва бағажни кўздан кечиришга тақдим этиш рад этилган тақдирда, ушбу шахслар назорат ҳудудига қўйилмайди.

10. Йўловчилар автобусга ушбу йўналиш учун чипта бўлган тақдирдагина чиқарилади.

11. Автовокзал (автостанция)лар ҳудудлари, бино ва иншоотлари ҳамда бошқа мақсадли фойдаланиш учун белгилаб берилган хоналарда ташриф буюрувчиларнинг ётиши, тунаб қолиши ҳамда бошқа манфаатларда фойдаланилиши қатъий тақиқланади (меҳмонхона ҳамда ҳайдовчилар дам олиш хоналари бундан мустасно).

4-боб. Назоратдан ўтказиш ваколатига эга бўлган ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. Назоратдан ўтказиш ваколатига эга бўлган ходимлар хизматни ўташ вақтида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

автовокзал (автостанция) ҳудудида жамоат тартибига риоя этилишини талаб қилиш;

автовокзал (автостанция) ҳудудида ҳуқуқбузарлик содир этганларнинг шахсини аниқлаш, хизмат хонасига келтириш ҳамда ушлаб туриш (бундай ваколатлар бўлмаган тақдирда, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларини чақириш ва хавфсизликни таъминлашга жалб қилиш);

мазкур Низомга иловадаги рўйхатга мувофиқ йўловчи ташиш автобусларида қўл юки ва бағаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар бор деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, йўловчилар ва ташриф буюрувчиларни шахсий кўрикдан ўтказиш, уларнинг ашёлари, қўл юки, бағажини кўздан кечириш ҳамда уларни олиб юриш ва сақлаш учун асослар бўлмаган тақдирда, мазкур ашёлар, воситалар ҳамда моддаларни олиб қўйиш, шунингдек, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларини чақириш;

муҳим стратегик аҳамиятга эга халқаро йўналишларда хизмат кўрсатиш мақомидаги «йирик» тоифали автовокзал ҳудудига енгил ва юк автотранспорт воситаларини киритмаслик (ногиронлиги бўлган фуқароларни автобусгача олиб кириш, тез тиббий ёрдам, ёнғин хавфсизлиги, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар ҳамда махсус (кўк ва қизил) маёқчалик ҳамда автовокзал биносидан 50 метр узоқликда жойлаштириш шарти билан автовокзалнинг хизмат ва ишчи ходимларининг автотранспорт воситалари бундан мустасно);

ноқонуний аралашуш ҳаракатини содир этиш ниятидаги шахсларга хос бўлган бир қанча ўзини тутиш белгилари бўйича потенциал хавфли шахсларни аниқлаш мақсадида кўздан кечирилаётган йўловчилар ва ташриф буюрувчилар билан сўров шаклида (қисқа психологик саволлар ёрдамида) суҳбат ўтказиш;

Ички ишлар вазирлигининг ахборот-излаш маълумотлар базалари ҳамда

автовокзал (автостанция)лардаги мавжуд видеокузатув тизимлари бўйича шубҳали шахсларни қидириш;

фуқаровий ва хизмат қуролини ташувчи шахслар томонидан қурол-яроғ, патронлар ва ўқларни ташишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан назорат қилиш;

зарурият бўлганда, автовокзал (автостанция) ҳудудида Ички ишлар вазирлиги ҳамда автовокзал (автостанция) ходимлари, йўловчилар ва ташриф буюрувчиларни шахсий кўздан кечириш.

13. Назоратдан ўтказиш ваколатига эга бўлган ходимлар хизматни ўташ вақтида қўйидагиларга мажбур:

ушбу Низом, автобусларда йўловчи ва ташриф буюрувчилар хавфсизлигини таъминлашга, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларининг бошқа меъёр-талабларига риоя қилишга;

йўловчи ва ташриф буюрувчиларга нисбатан ҳушёр, эътиборли ва илтифотли муносабатда бўлишга ҳамда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларга йўл қўймасликка;

йўловчи ва ташриф буюрувчида бўлиши мумкин бўлган йўловчилар ташиш автобусларида қўл юки ва багаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмларни ихтиёрий равишда кўрсатишни таклиф этилиши;

йўловчи ва ташриф буюрувчиларнинг асоссиз равишда ушланиб қолишига йўл қўймаслик;

заруриятга кўра, назоратдан ўтишни бош тортган йўловчи ва ташриф буюрувчиларни назорат қилинадиган ҳудудига қўймасликка;

йўловчи ва ташриф буюрувчилар томонидан йўловчилар ташиш автобусларида қўл юки ва багаж шаклида ташилиши тақиқланган хавфли моддалар ва буюмларни аниқлашнинг зарур кўникмаларига эга бўлишга;

табиий ва техноген тусдаги авариялар, ҳалокатлар, ёнғин ёки табиий офатлар юз берган тақдирда, жабрланганларни қутқариш ва уларга биринчи ёрдам кўрсатиш, махсус қутқарувчи хизматларни чақириш чораларини кўришга.

5-боб. Назоратдан ўтиш тартиби

14. Назорат қилинадиган ҳудудга киришдан олдин заруриятга кўра йўловчи ва ташриф буюрувчилар ҳамда уларнинг қўл юки, багажларини кўздан кечириш автовокзал (автостанция) олди майдонида махсус жиҳозланган назорат ўтказиш пунктларида назоратни ўтказиш ваколатига эга бўлган ходимлари томонидан амалга оширилади.

15. Назорат ўтказиш пункти:

йўловчилар ва ташриф буюрувчилар қўл юкини, бағажини ҳамда улар ўзи билан олиб ўтадиган нарсалар ва моддаларни кўздан кечиришдан ўтказиш учун махсус техник воситалар;

турғун металл детекторлар;

қўл металл детекторлари;

видеокузатув камералари;

тезкор алоқа воситалари билан жиҳозланади.

16. Йўловчи ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юки ва багажи эгасининг иштирокида кўздан кечирилади.

17. Назоратни ўтказиш ваколатига эга бўлган ходимлар назорат ўтказиш пунктида махсус техник воситаларни қўллаган ҳолда, шахсларни ва уларнинг қўл юки, багажини кўздан кечириш қўйидаги кетма-кетликда ўтказилади:

автовокзал (автостанция) назорат ҳудудига кирувчи йўловчи ва ташриф буюрувчилар автовокзал (автостанция) олди ҳудудларида ташкил этилган, махсус техник воситалар билан жиҳозланган умумлаштирилган назорат ўтказиш пунктлари орқали ўтадилар, бу ерда уларга мавжуд металл буюмлар, йўловчи ташиш автобусларида қўл юки ва багаж шаклида йўловчилар ташиши тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар тўғрисида маълумот берилади;

кўздан кечириладиган йўловчи ва ташриф буюрувчиларнинг кийимидаги мавжуд металл буюмларни (портсигар, калитлар, фолгали пачкалардаги сигаретлар, тангалар ва шу кабилар) белгиланган идишга қўйиш ва йўловчиларнинг тўпланиб қолишига йўл қўймай уларга навбати билан турғун металл детектор орқали ўтиш таклиф этилади, металл буюмлар мавжудлиги тўғрисида сигнал тушган тақдирда, қўлда ишлатиладиган металл детектор қўлланилади, у бўлмаганда эса белгиланган тартибда шахсий кўрикдан ўтказилади;

сиртга туртиб чиққан, бироқ кўз билан йўловчининг кийимида кўринмайдиган ва металл детекторнинг ишлаб кетишига олиб келадиган буюмлар назоратни амалга ошириш ваколати берилган ходимнинг талаби бўйича кўрикдан ўтказиш учун чиқарилиши талаб этилади. Зарур ҳолларда қўл юки ва багаж махсус қўшимча ускунадан фойдаланган ҳолда кўздан кечирилади;

назоратдан ўтиш жараёнида йўловчи ташиш автобусларида қўл юки ва багаж шаклида йўловчилар ташиши тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар аниқланган тақдирда, тегишли чоралар кўриш учун дарҳол Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимларини хабардор қилади;

техник сабабларга кўра турғун металл детектордан фойдаланиш имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда шахсларни, шунингдек уларнинг қўл юки ва багажини кўздан кечириш шахсий кўздан кечириб чиқиш йўли билан қўлда ишлатиладиган металл детектор ёрдамида амалга оширилади.

18. Қўл юки сифатида ташиладиган маиший мақсаддаги радиоэлектрон аппаратлар, бинокллар умумий асосларда кўздан кечирилади.

19. Кинофото аппаратлар махсус техник воситалар қўлланмасдан кўздан кечирилади.

20. Яширин тарзда ташиш учун буюмлардан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида ашёларни кўздан кечиришда:

филофлар, жилдлар кўздан кечирилиши, қувватлантириш блоклари, кассета филофлари, шунингдек плёнкали камералар очилиши ва текширилиши (аппаратларни ўчириш, қувватлантириш блоки қопқоғини ва кассета филофларини очишни буюмнинг эгаси амалга оширади);

габаритига кўра махсус техник воситалар ёрдамида текшириб бўлмайдиган

диган мусиқа ва бошқа асбоблар текширилганда, уларнинг ғилофлари олиб ташланиши, жилдлари очилиши ва улар силкитиб кўрилиши зарур.

21. Йўловчи ташиш автобус салонларида уй ҳайвонлари, паррандалар ва бошқа вакиллари ташийдиган йўловчилар тегишли ветеринария маълумотномаларига, шунингдек улар ташиладиган қафаслар ёки бошқа мосламаларга эга бўлиши керак.

22. Назоратдан ўтилгандан кейин йўловчи ва ташриф буюрувчиларга уларнинг қўл юки, багажи қайтарилади.

Йўл чипталарини электрон тарзда харид қилиб олган йўловчиларнинг ҳамда уларнинг қўл юки, багажи кўриқдан ўтказилганлигини тасдиқлаш учун қўл юки ва багажнинг кўринадиган жойига лента шаклидаги махсус елимлагич (стикер) ёпиштириб қўйилади.

Йўловчида қуроли билан, уни сақлаш, мақсадли фойдаланиш ҳамда олиб юриш учун белгиланган тартибда берилган рухсатномаси (фақатгина фуқаровий қурол тоифасига кирувчи қурол-аслаҳалар) мавжуд бўлган тақдирда, йўл хужжатида (чиптага) «Қурол» деган қўшимча белги (штамп) қўйилади. Мавжуд қурол, унга ўқ-дорилар ва уларнинг сони ёзма равишда белгининг (штампнинг) ичига ёзиб қўйилади.

6-боб. Шахсий кўздан кечириш

23. Қидирувдаги шахсларга гумон қилинган ёки назоратдан ўтиш жараёнида ўзини шубҳали тутатган шахсларни шахсий кўздан кечириш, махсус жиҳозланган хоналарда иккита холис киши иштирокида қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

тайёрланаётган ноқонуний аралашуш ҳаракати тўғрисида хабар келганда; назоратдан ўтказилаётган йўловчи ва ташриф буюрувчиларда йўловчи ташиш автобусларида йўловчилар қўл юки ва багаж шаклида ташиши тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар мавжудлиги тўғрисида хабар олинганда;

назоратдан ўтказилаётган йўловчи ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юкида, багажида йўловчи ташиш автобусларида йўловчилар қўл юки ва багаж шаклида ташиши тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар аниқланганда;

назоратдан ўтказиш ваколатига эга бўлган ходимлар томонидан шахсан кузатиш йўли билан кўздан кечириляётган йўловчи ва ташриф буюрувчиларнинг ўзини шубҳали тутиши ва хатти-ҳаракатлари белгилари, унинг ғаразли ниятларидан далолат берувчи ёки йўловчи ташиш автобусларида йўловчилар қўл юки ва багаж шаклида ташиши тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар бўлиши мумкинлиги тўғрисида шубҳа туғдирувчи белгилар аниқланганда.

24. Йўловчи ва ташриф буюрувчиларни шахсий кўздан кечириш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 289-моддасига мувофиқ ва йўловчи ташиш автобусларида йўловчилар қўл юки ва багаж шаклида ташиши тақиқланган хавфли моддалар ва буюмларни аниқлаш учун зарур бўлган доирада амалга оширилади.

25. Йўловчилар ва ташриф буюрувчилар заруриятга кўра белгиланган

тартибда назоратдан ўтганларидан кейин автовокзал (автостанция)нинг ҳудудига ўтадилар.

26. Хизмат зарурати бўйича келган тегишли ташкилот ходимлари кўздан кечиришдан ўтгандан кейин назорат қилинадиган ҳудудга ўтиш ҳуқуқига эга.

27. Назорат ўтказиш пункти навбатчилигига қўйиладиган ходимлар «видеокузатув» «стационар» ва «қўл металл детектор» аппаратларидан фойдаланишни ва улар билан ишлаш ҳамда ишлатиш юзасидан махсус ўқувга (сертификатга) эга бўлишлари шарт.

Бундан ташқари, йўловчида қуроли билан, уни сақлаш, мақсадли фойдаланиш ҳамда олиб юриш учун белгиланган тартибда берилган рухсатномасининг (фақатгина фуқаровий қурол тоифасига кирувчи қурол-аслаҳалар) кўринишлари ҳамда уларнинг асл нусхаларини танишлари, амал қилиш муддатлари ва шунга ўхшаш бошқа кимёвий, (кукун, суюқлик) гиёҳвандлик моддалар (наркотик) кўринишлари ҳамда ташиш, олиб юриш ва сақлаш рухсат этилмаган буюмлар рўйхати билан доимий равишда танишиб боришлари ва малака оширишлари шарт.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Автовокзалларда (автостанцияларда)
йўловчи ва ташриф буюрувчиларнинг қўл
юки ва багажини кўздан кечириш, уларни
автовокзалларда (автостанцияларда)
бўлиш тартиби тўғрисида низомга
ИЛОВА

Йўловчилар ташиш автобусларида ташиш тақиқланган ва чекланган хавфли моддалар ва буюмлар РЎЙХАТИ

Қуйидагилар йўловчилар ташиш автобусларида қўл юки ва багаж сифатида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмларга кирази:

а) тегишли рухсат берилган ҳужжат бўлмаган барча турдаги ўқ-отар ва тигли қуроллар:

тўппончалар, револьверлар, сойли милтиқлар, карабинлар, бошқа ўқ-отар қуроллар ва уларга ўқ-дорилар;

арбалетлар ва сув ости ови қуроли, қиличлар, ханжарлар, дудама қиличлар, эгри қиличлар, узун ва оғир қиличлар, тиглар, қиличсимон найзалар, найзалар, ханжарлар, кортиклар, ханжарчалар, пичоқлар: ҳарбий, десант, фин пичоқлари, пискалар отилиб чиқадиган, қулфланадиган дудама қиличлар;

б) тегишли рухсат берилган ҳужжат бўлмаган барча турдаги портловчи моддалар ва улар билан тўлдирилган буюмлар, портлатиш воситалари:

ҳар қандай ўрамдаги барча ов порохлари;

ов капсулалари (пистонлари) ва капсула-детонаторлар;

пиротехника воситалари: сигналли ва ёритувчи ракеталар, посадкали шашкалар, тутун чиқарувчи патронлар;

динамит, тол, аммонал, тротил ва бошқа портловчи моддалар;

в) сиқилган ва суюлтирилган газлар;

г) тез ёнувчан қаттиқ моддалар:

сув таъсирида иссиқлик ва иссиқ газ чиқарадиган, натижада ўзидан ўзи ёнадиган ва ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган моддалар: калий, натрий, металл кальций ва уларнинг қотишмалари, кальций, фосфорит ва бошқалар;

оқ, сариқ ва қизил фосфор ҳамда тез ёнувчан қаттиқ моддалар тоифасига тегишли бўлган бошқа барча моддалар;

органик пероксидлар;

донадор ёки парча-парча, қуруқ ёки нам, таркибида камида 25 фоиз сув ёки эритувчи суюқлик бўлган коллоид нитроцеллюлоза;

қуруқ ва нам, таркибида камида 30 фоиз сув ёки эритувчи суюқлик бўлган нитроцеллюлоза;

д) тегишли рухсатнома берилган ҳужжат бўлмаган барча турдаги заҳарли ва заҳарловчи моддалар:

ҳар қандай идишга жойлаштирилган суюқ ва қаттиқ ҳолатдаги ҳар қандай заҳарли, кучли таъсир қиладиган ва заҳарловчи моддалар;

бруцин;

никотин;

стрихнин;

тетрагидрофурфурил спирти;

этиленгликоль;

симоб;

цианид кислотанинг барча тузлари ва цианид препаратлар;

циклон, цианплав, маргимуш ангидрид ва бошқа кучли таъсир қиладиган, заҳарли, заҳарловчи моддалар;

е) герметик идишларсиз ва ўрамларсиз ташиладиган ўювчи, бадбўй ва емирувчи моддалар:

кучли ва ноорганик кислоталар: хлорид, сульфат, азот кислоталар ва бошқа кислоталар;

фторли-водород (шишани ўйиш қобилятига эга бўлган) кислотаси ва бошқа кучли кислоталар ва емирувчи моддалар;

ж) божхона қоидаларига ва бошқа қоидаларга кўра ташишга йўл қўйилмайдиган буюмлар.

Қўйидаги чекланган миқдорлардаги маиший мақсадда фойдаланиладиган моддалар ва буюмларни эҳтиёткорлик чораларини кўрган ҳолда қўл юки ва багада йўловчилар ташиш автобусларида ташишга рухсат берилади ва улар кўздан кечиришда олиб қўйилмайди:

сирка (битта йўловчига 0,5 литрдан кўп эмас);

алкоголли ичимликлар;

хизмат мақсадларида ташиладиган спирт, тамға рақами кўрсатилган ҳолда корхона (ташкилот) маълумотномаси билан тасдиқланадиган, герметик ёпилган ва тамғаланган идишларда икки литрдан ортиқ бўлмаган миқдорда ташилади;

герметик идишда ва ўрамда ташиладиган тез алангаланадиган суюқликлар;

ацетон;

нефть маҳсулотлари намуналари;

металацетат (метил эфири);

углерод сульфид;

эфирлар;

пардоз-андоз воситалари, шу жумладан тирноқ учун лаклар, лакларни кўчириш учун суюқликлар, соч учун суюқликлар, шунингдек спирт-лак асосидаги ҳавони тозаловчи суюқликлар;

газли зажигалкалар ва зажигалкалар учун газли баллончалар (битта йўловчига 2 та баллончадан ортиқ эмас);

буклама (фиксаторсиз) йўл пичоқлари ва қайирма пичоқлар;

симобли тиббиёт термометрлари (градусниклар) (битта йўловчига 1 донадан ортиқ эмас);

стандарт филофдаги симобли тонометрлар (битта йўловчига 1 донадан ортиқ эмас);

жўнатувчининг тамғаси билан махсус герметик контейнерларда жойлаштирилган симобли барометрлар ва манометрлар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 17 апрелдаги 159-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари РЎЙҲАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 30 ноябрдаги 314-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 мартдаги ПФ–5379-сон Фармони)» 2018 йил 29 майдаги 396-сон қарорига илованинг 57-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****129** **Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3427*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ–5992-сон «2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Раис**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 7 март,
4/11-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 18 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил
7 мартдаги 4/11-сон қарорига
1-ИЛОВА

Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талабларни белгилайди.

I бўлим. Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимининг ташкил этилиши

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

кредит таваккалчилиги — қарздорнинг банк олдидаги мажбуриятлари шартнома ёки қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган муддат ва (ёки) шартларда бажарилмаслиги (лозим даражада бажарилмаслиги) оқибатида юзага келиши мумкин бўлган зарар (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

ликвидлилик таваккалчилиги — банк ўз мажбуриятларини белгиланган вақтда бажара олмаслиги оқибатида юзага келиши мумкин бўлган зарар (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

бозор таваккалчилиги — валюта курслари, фоиз ставкалари ва молиявий инструментлар нархларининг ўзгариши натижасида зарар (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

комплаенс таваккалчилиги — қонунчилик ҳужжатлари, халқаро ташкилотлар ҳужжатлари ва (ёки) банкнинг ички ҳужжатларига риоя этилмаслиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

операцион таваккалчилик — банк ички жараёнларининг лозим даражада эмаслиги, ходимлар ёки бошқа шахсларнинг қасдан ёки эҳтиётсиз ҳаракатлари, банкнинг ички тизимларидаги хатоликлар ёки ташқи ҳодисалар таъсири натижасида зарар (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

риск-аппетит — банкнинг стратегик мақсадларига ва бизнес-режа кўрсаткичларига эришишда қабул қилишга тайёр бўлган сезиларли барча таваккалчиликларнинг (жами умумлашган ҳолдаги ҳамда уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида) миқдори;

риск-аппетит баёноти — банкнинг кузатув кенгаши томонидан (бундан буён матнда кузатув кенгаши деб юритилади) тасдиқланадиган ва банкнинг риск-аппетитини белгилайдиган ҳужжат;

таваккалчилик чегаралари — таваккалчиликлар даражасини (миқдорини) чегаралаш мақсадида риск-аппетитнинг банк фаолияти йўналишлари, маҳсулотлари ва бошқа мезонлар кесимида миқдорий тақсимланиши;

риск профили — банкда белгиланган санада мавжуд бўлган сезиларли таваккалчиликлар (барча сезиларли таваккалчиликлар бўйича умумлашган ҳамда уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида) миқдори;

стресс-тест ўтказиш — паст бўлса-да, содир бўлиш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳодисаларнинг (таваккалчиликларнинг) банкнинг молиявий ҳолатига эҳтимолий таъсирини баҳолаш;

сезиларли таваккалчиликлар — банкнинг кредит, ликвидлилик, бозор, операцион ва комплаенс таваккалчиликлари;

таваккалчиликларни бошқариш тизими — банк фаолиятига оид бўлган барча таваккалчиликларни тизимли аниқлаш, ўлчаш, мониторинг ва назорат қилиш, ҳисоботини юритиш ҳамда камайтиришга қаратилган, шунингдек банкнинг бошқарув органлари ва таваккалчиликларни бошқаришга масъул бўлинмаларнинг ўзаро муносабатлари тизими.

2-боб. Таваккалчиликларни бошқариш тизими

2. Банкда таваккалчиликларни бошқариш тизими қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмасини;

таваккалчиликларни бошқариш маданиятини;

таваккалчиликларни бошқариш бўйича банкнинг ички жараёнлари, ҳужжатлари ҳамда воситаларини;

таваккалчиликларни бошқаришга ва ҳисоботларни тайёрлашга мўлжалланган ахборот тизимини.

3. Банкда таваккалчиликларни бошқариш тизими:

манфаатлар тўқнашувини инobatга олган ҳолда банкнинг барча таркибий бўлинмалари ва ходимлари ўртасида таваккалчиликларни бошқариш бўйича вазифалар, мажбуриятлар ва ваколатларнинг аниқ тақсимланишини;

мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ ҳимоянинг уч чизиғи тизими шакллантирилиши орқали таваккалчиликларни бошқаришга масъул таркибий бўлинмалар ва ички назоратга масъул таркибий бўлинманинг банк операцион фаолиятдан ажратилишини;

банк фаолиятининг барча йўналишлари ва ташкилий тузилмасида камида сезиларли таваккалчиликларни бошқаришнинг қамраб олинишини;

сезиларли таваккалчиликлар холисона ва ўз вақтида аниқланиши, баҳоланиши ҳамда мониторинг қилинишини, улар бўйича ҳисобот тайёрланишини, уларнинг назорат қилиниши ва камайтирилишини;

банк хизматлари учун ўрнатилган нарх мазкур хизматлар билан боғлиқ таваккалчиликлар ва харажатларни инobatга олган ҳолда шакллантирилишини;

таваккалчиликларни бошқариш жараёнларининг тўлиқлигини ва ҳужжатлаштирилишини таъминлаши лозим.

4. Таваккалчиликларни бошқариш тизими ҳимоянинг уч чизиғи методига асосланиши ҳамда ушбу методга асосан таваккалчиликларни бошқариш

бўйича мажбуриятлар банкнинг қуйидаги таркибий бўлинмалари ўртасида тақсимланиши лозим:

химоянинг биринчи чизиғи — бевосита банк хизматларини кўрсатишга масъул бўлган таркибий бўлинмалар. Мазкур таркибий бўлинмалар таваккалчиликларни қабул қилиб олади, шунингдек таваккалчиликларнинг жорий бошқарилиши юзасидан ҳисоботлар бериб боради;

химоянинг иккинчи чизиғи — таваккалчиликларни бошқаришга масъул таркибий бўлинмалар ҳамда назорат функциялари мавжуд бўлган бошқа таркибий бўлинмалар. Мазкур таркибий бўлинмалар таваккалчиликларни аниқлайди ва бошқариб боради;

химоянинг учинчи чизиғи — ички аудит хизмати. Мазкур таркибий бўлинма таваккалчиликларни бошқариш тизимини текширади ва баҳолайди.

5. Банк банклар гуруҳининг асосий банки бўлган тақдирда, банклар гуруҳининг консолидациялашган молиявий ва назоратга оид ҳисоботларини тузиши ҳамда ушбу ҳисоботлар асосида банклар гуруҳида юзага келган таваккалчиликларни бошқариб бориши лозим.

6. Асосий банк банклар гуруҳига кирувчи молия институтларининг балансини консолидациялашни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида амалга оширади.

7. Асосий банк даврий равишда (йилда камида бир марта) банклар гуруҳи учун консолидациялашган пруденциал нормативларни, шу жумладан капитал монандлиги коэффицентлари, ликвидлик коэффицентлари, бир қарз олувчига ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг кўп миқдори, банкларнинг алоқадор шахслари учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини ҳисоблаб боради.

3-боб. Таваккалчиликларни бошқаришга оид банкнинг ички ҳужжатлари

1-§. Таваккалчиликларни бошқаришга оид банкнинг ички ҳужжатларининг тайёрланишини ташкил этиш

8. Кузатув кенгаши таваккалчиликларни бошқариш тизимини самарали ташкил этиш учун қуйидаги ички ҳужжатларни тасдиқлаши лозим:

риск-аппетит баёноти;

кредит сиёсати;

сезиларли таваккалчиликларнинг ҳар бирини аниқлаш услубиётини ўз ичига қамраб олувчи таваккалчиликларни бошқариш сиёсати (сиёсатлари);

банкнинг янги маҳсулотларни жорий этиш сиёсати;

стресс-тест ўтказиш тартиби;

банкнинг молиявий аҳволини тиклаш режаси;

таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси;

мазкур Низомга мувофиқ бошқа ҳужжатлар.

9. Мазкур Низомнинг 8-бандида белгиланган ички ҳужжатлар (кредит сиёсатидан ташқари) умумлашган ҳолда ёки алоҳида қабул қилиниши мумкин.

2-§. Банкнинг риск-аппетит баёноти ва таваккалчилик чегаралари

10. Банкнинг риск-аппетит баёноти:

банкнинг стратегияси, бизнес режаси ва бюджетга оид режалаштириши ҳамда мазкур Низомнинг 9-бандида белгиланган банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бўлиши;

риск-аппетитни шакллантириш жараёнида қўлланилувчи асосий фаразларни ўз ичига олиши;

таваккалчилик чегараларини тасдиқлаш, доимий равишда мониторинг қилиш ва улар бўйича ҳисоботларни тайёрлашга оид тартиб-таомилларни ўз ичига олиши;

таваккалчилик чегараларига риоя этилмаган ҳолларда банкнинг бошқарув органлари, тегишли таркибий бўлинмалари ва ходимларини хабардор қилиш шакли ва тартибини белгилаши;

риск-аппетитга киритилган кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиёти ва тартибини, шу жумладан риск-аппетит даражалари ҳисоб-китоб қилинишида иштирок этувчи масъул ходимлар ва (ёки) таркибий бўлинмалар таркибини ўз ичига олиши;

ҳар бир сезиларли таваккалчиликнинг умумлашган миқдорини аниқлашда қўлланиладиган миқдорий кўрсаткичларни ҳамда банк томонидан таваккалчиликларни қабул қилиш ва камайтириш асосларини белгиловчи сифат хусусиятларини ўз ичига олиши;

капитал монандлиги ва ликвидлилик коэффициентлари бўйича ўрнатилган минимал даражадан юқорироқ бўлган мақбул даражаларни белгилаши;

банк кутилмалари ҳамда стресс-тест натижаларини ҳисобга олиши;

банкнинг ташкилий тузилмаси ва ходимларни рағбатлантиришга доир ҳужжатларни инobatга олиши;

риск-аппетитга риоя этилишини мониторинг қилиш имконига эга шаклда ишлаб чиқиши лозим.

11. Банкнинг риск-аппетит баёнотида таваккалчилик даражаларини риск-аппетитга мувофиқлигини баҳолашнинг қуйидаги уч даражаси белгиланиши лозим:

таваккалчилик даражаларини пасайтиришни талаб этмайдиган паст даража;

таваккалчилик даражаларини пасайтиришни талаб этадиган ўрта даража;

таваккалчилик даражаларини пасайтиришни талаб этадиган юқори даража.

12. Банк сезиларли таваккалчиликларга мойиллигини пасайтириш мақсадида сезиларли таваккалчиликлар учун миқдорий чегараларни белгилаши лозим. Мазкур таваккалчилик чегаралари риск-аппетит доирасида бўлиши керак.

13. Таваккалчилик чегаралари банк операциялари ҳажми ва мураккаблигидан келиб чиқиб белгиланиши лозим.

3-§. Банкда стресс-тест ўтказиш тартиби

14. Банкнинг стресс-тестдан ўтказиш тартибида қуйидагилар белгиланиши лозим:

стресс-тестдан ўтказиладиган таваккалчиликлар рўйхати;

кредит, ликвидлилик, бозор ва операцион таваккалчиликларни стресс-тестдан ўтказиш услугиёти ва воситалари;

стресс-тест ўтказишда иштирок этувчи таркибий бўлинмалар, уларнинг мазкур жараёндаги вазифалари, мажбуриятлари, ваколатлари;

стресс-тест натижаларини кўриб чиқиш, уларни кузатув кенгаши, таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси (агар ташкил этилган бўлса) ва банк бошқарувига тақдим этиш тартиби.

15. Банкда стресс-тест ҳар чоракда камида бир мартаба ўтказилиши лозим.

16. Банк кредит таваккалчилигини стресс-тестдан ўтказишда қуйидагиларни инобатга олиши лозим:

мамлакатдаги умумий иқтисодий ҳолат, шу жумладан мамлакат иқтисодий кўрсаткичларининг пасайиши, мамлакат даражасида ва иқтисодиёт соҳалари кесимида иқтисодий ўсишнинг секинлашувини;

банкнинг ўзига хос ички омиллари, шу жумладан банкнинг кредитлаш билан боғлиқ фаолияти хусусиятлари ва кредит портфели таркибини.

17. Банк ликвидлилик таваккалчилигини стресс-тестдан ўтказишда қуйидаги сценарийлардан фойдаланиши лозим:

мамлакат иқтисодиётининг барқарор ҳолатида банкда стресс вазиятнинг юзага келиши билан боғлиқ сценарий, шу жумладан активлар сифатининг ёмонлашуви, мажбуриятларнинг тўпланишининг (концентрацияси) ўсиши, юқори ликвидли активларнинг сезиларли даражада камайиши, банк кредит рейтингининг пасайтирилиши, банкка ахборот хужуми, банкнинг акциядорлари билан боғлиқ муаммолар;

мамлакатнинг банк тизимидаги инқироз натижасида банкда стресс вазиятнинг юзага келиши билан боғлиқ сценарий.

18. Банк ликвидлилик таваккалчилигини стресс-тестдан ўтказишда қуйидаги фаразлардан фойдаланиши мумкин:

банкдаги жисмоний ва юридик шахслар маблағларининг чиқиб кетиши;

банкдаги юқори ликвидли активларнинг кадрсизланиши ва (ёки) улардан фойдаланиш имкониятининг мавжуд эмаслиги;

маблағ жалб қилиш имкониятининг йўқолиши ёки сезиларли даражада камайиши;

банклараро ресурс бозоридан молиявий маблағ жалб қилиш имкониятининг йўқолиши ёки сезиларли даражада камайиши;

бир валютадаги ликвидлиликни бошқа валютага қайта тақсимлаш имкониятининг сезиларли даражада пасайиши.

19. Банк бозор таваккалчилигини стресс-тестдан ўтказишда қуйидаги фаразлардан фойдаланиши мумкин:

очиқ валюта позициясидаги хорижий валюталар курсларининг ўзгариши;

молиявий инструментларнинг бозор нархи ўзгариши;

бозордаги ўзгарувчан фоиз ставкаларининг турли даражаларда ўзгариши;
бозордаги фоиз ставкаларини ўзгариши натижасида фоиз ставкаларига таъсирчан молиявий инструментлар бўйича даромадларнинг ўзгариши;

банкнинг даромадлилик кўрсаткичларининг ўзгариши;

банк томонидан жалб қилинган ва жойлаштирилган маблағлар бўйича фоиз ставкалари ўртасидаги тафовутнинг ўзгариши.

20. Банк стресс-тест натижаларини банкнинг стратегияси ва бюджетини, жумладан капитал ва ликвидлигини режалаштиришда ҳамда банк сиёсатларини ишлаб чиқишда ва таваккалчиликларни бошқариш жараёнида қўллаши лозим.

21. Банк стресс-тест натижалари асосида бир йилда бир мартаба фавқулодда банкни қўшимча молиялаштириш режасини (бундан буён матнда фавқулодда молиялаштириш режаси деб юритилади) ишлаб чиқиши лозим.

Фавқулодда молиялаштириш режаси қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

банкдаги ликвидлилик инқирозини аниқлаш тартиби, шу жумладан ликвидлилик таваккалчилиги ҳақида эрта огоҳлантириш кўрсаткичлари ҳамда ликвидлилик инқирозига қарши чоралар кўриш учун кузатув кенгаши ва банк бошқарувининг хабардор қилинишини;

фавқулодда вазиятларда банкда ликвидлиликни таъминлаш ва пул оқимлари тақчиллигини қоплаш мақсадида ликвидлиликнинг турли манбалари, уларнинг мавжудлиги, ликвидлилик манбаларини жалб қилиш (фойдаланиш) шартлари ҳамда уларнинг барқарорлигини кўзда тутувчи инқирозга қарши чоралар рўйхати ва уларнинг устуворлик даражасини;

фавқулодда вазиятларда фойдаланиш мумкин бўлган манбаларни;

фавқулодда вазиятларда ликвидлилик манбаларидан қўшимча маблағларни жалб қилиш учун талаб этилувчи вақтни;

қарорларни қабул қилиш ва ўзаро ишлаш тартиби, жумладан қарорларни қабул қилиш учун зарур чоралар, қарорларни қабул қилиш учун масъулларни;

банкдаги ликвидлилик инқирози сабаблари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар ҳақида Марказий банкка маълумот тақдим қилиш тартибини;

кузатув кенгаши ва банк бошқарувига ҳисобот тақдим этиш тартибини.

4-§. Банкнинг янги маҳсулотларини жорий этиш

22. Банкда янги маҳсулотларни жорий этиш бўйича тегишли қарор қабул қилиниши, баҳоланиши ва ҳужжатлаштирилиши лозим.

23. Банкнинг янги маҳсулотини жорий этишда қуйидагилар баҳоланиши лозим:

банкнинг янги маҳсулотини жорий этиш лойиҳасининг иқтисодий асосланганлиги;

банкнинг янги маҳсулотини қонунчилик ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги;

банкнинг янги маҳсулоти билан боғлиқ таваккалчиликлар, уларнинг

банкнинг риск профили, риск-аппетити, пруденциал нормативлари, шу жумладан капитал монандлиги ва ликвидлилик кўрсаткичларига, шунингдек даромадлилик даражасига таъсири;

банкнинг янги маҳсулоти билан боғлиқ таваккалчиликларни мониторинг қилиш ва бошқариш учун етарли бўлган ички инструментларнинг мавжудлиги;

банкнинг янги маҳсулотига ўрнатиладиган нарх банкнинг нарх сиёсатига мувофиқлиги;

банкнинг янги маҳсулотини жорий этишга тайёрлиги, шу жумладан банкнинг янги маҳсулотини жорий этиш учун малакали ходимлар мавжудлиги, хизматни узлуксиз таъминлаш ва технологик инфратузилмасига ўзгартиришлар киритилганлиги.

4-боб. Банкларда таваккалчиликларни бошқариш маданияти

24. Кузатув кенгаши банкда таваккалчиликларни бошқариш маданиятининг шаклланишига масъул ҳисобланади.

25. Банкда таваккалчиликларни бошқариш маданиятини таъминлаш мақсадида қуйидаги чоралар қўрилиши лозим:

ходимларга таваккалчиликларни бошқаришда уларнинг ўрни ҳақида маълумот берилиши, бунда уларнинг банк томонидан ўрнатилган риск-аппетит ва таваккалчилик чегараларига риоя этилишига масъул эканликлари тўғрисида хабардор қилиниши;

банкнинг корпоратив кадриятлари, малака стандартлари, одоб-ахлоқ кодекси ва бошқа тегишли ички ҳужжатлари ходимларнинг эътиборига доимий тарзда етказилиши ҳамда бу борадаги назоратнинг ўрнатилганлиги;

номақбул хатти-ҳаракат ва (ёки) қоидабузарликни амалга оширганлик учун интизомий чоралар қўлланилиши ҳақида банкнинг раҳбарияти ва ходимлари хабардор қилиниши ва мазкур масала юзасидан назорат амалга оширилиши;

ходимлар сезиларли таваккалчиликлар ҳақида ҳамда мазкур таваккалчиликларни бошқаришда уларнинг вазифалари тўғрисида билимга эга бўлиши учун семинар ва тренинглар ўтказиб борилиши;

банкда барча учун доимий равишда очиқ бўлган ички ва ташқи мулоқот тизимларининг ташкил этилиши.

5-боб. Таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси

1-§. Таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси фаолиятини ташкил этиш

26. Таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси банкда таваккалчиликларни бошқаришда иштирок этувчиларнинг вазифалари, мажбуриятлари ва ваколатлари аниқ тақсимланишини назарда тутиши лозим.

27. Таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси қуйидагилардан ташкил топиши лозим:

кузатув кенгаши;
кузатув кенгаши ҳузурида ташкил этилган таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси (агар ташкил этилган бўлса) ва аудит қўмитаси;
ички аудит хизмати;
банк бошқаруви;
кредит қўмитаси, банк активлари ва пассивларини бошқаришга масъул бўлган қўмита;
таваккалчиликларни бошқаришга масъул таркибий бўлинма (бундан буён матнда таваккалчилик бўлинмаси деб юритилади);
комплаенс таваккалчилигини бошқаришга масъул таркибий бўлинма;
сезиларли таваккалчиликларни назорат қилишга масъул бўлган бошқа қўмиталар ва таркибий бўлинмалар;
банк хизматларини кўрсатишга масъул бўлган таркибий бўлинмалар.

2-§. Таваккалчиликларни бошқаришда кузатув кенгашининг вазифалари

28. Кузатув кенгаши мазкур Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ таваккалчиликларни бошқариш тизимининг самарали жорий этилишини таъминлашга ҳамда унинг устидан назоратни амалга оширишга масъул ҳисобланади.

29. Таваккалчиликлар бошқарилишини таъминлаш мақсадида кузатув кенгаши қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

мазкур Низомнинг 8-бандида белгиланган ички ҳужжатларни тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалиётга жорий қилиниши, уларга риоя этилиши ва ўз вақтида янгилашиб борилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ҳар бир сезиларли таваккалчилик бўйича таваккалчилик чегараларини ва мазкур чегаралар бузилган тақдирда кўрилиши зарур бўлган чораларни тасдиқлаш;

банкнинг таваккалчиликларни бошқариш ташкилий тузилмасини доимий тарзда баҳолаш ва унинг самарадорлигини таъминлаш;

банк томонидан қўлланилувчи таваккалчиликларни баҳолаш методологиясини йилда камида бир маротаба кўриб чиқиш;

банк маҳсулотлари ва хизматлари бўйича харажат ҳамда таваккалчиликларни инobatга олган ҳолда нарх сиёсатини тасдиқлаш;

таваккалчиликларни бошқаришга оид ҳисоботларнинг шакли, даврийлиги ва ҳажмини белгилаш, мазкур ҳисоботларни кўриб чиқиш, уларнинг аниқлиги ҳамда ҳаққонийлигини назорат қилиб бориш;

таваккалчиликларни бошқаришга ва ҳисоботларни тайёрлашга мўлжалланган ахборот тизимининг жорий этилишини ташкил этиш ҳамда бу борадаги ишларни назорат қилиш;

таваккалчиликларни бошқариш маданиятини шакллантириш ва унинг мақбул даражада бўлишини таъминлаш;

таваккалчиликларни бошқариш тизимида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши, шу жумладан ички аудит хизмати, ташқи аудиторлар, Марказий банк ва бошқа назорат органлари томонидан тақдим этилган

таклиф ҳамда мулоҳазаларнинг инобатга олиниши ва амалга оширилиши устидан назоратни амалга ошириш;

риск-аппетит баёноти, таваккалчиликларни бошқариш сиёсати (сиёсатлари) ва (ёки) таваккалчилик чегаралари бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган операция ёки ҳаракатларни батафсил муҳокама қилиш;

банкнинг риск профили тасдиқланган риск-аппетитга мувофиқ бўлмаса ёки мувофиқ бўлмаслиги кутилаётган бўлса, таваккалчиликларни камайтиришга қаратилган зарурий чораларни кўриш;

капитал монандлигини баҳолаш бўйича ички жараёнлар (ИСААР) (жорий қилинган бўлса), стресс-тестлар ва таваккалчилик хусусиятлари асосида банк капиталига нисбатан табақалаштирилган талабларни белгилаш;

банк банклар гуруҳининг асосий банки бўлган тақдирда, таваккалчилик бўлинмаси томонидан киритилган консолидациялашган пруденциал нормативларга доир ҳисоботларни ўрганиб чиқиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш, уларнинг ижросини назорат қилиш.

30. Кузатув кенгаши таваккалчилик бўлинмаси ва компаенс таваккалчилигини бошқаришга масъул таркибий бўлинмани ташкил этиши ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлаши керак.

Таваккалчилик бўлинмаси ва компаенс таваккалчилигини бошқариш учун масъул таркибий бўлинманинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида ушбу таркибий бўлинмалар:

кузатув кенгашига ва таваккалчиликларни бошқариш қўмитасига (агар ташкил этилган бўлса) бевосита бўйсунуши;

раҳбарлари кузатув кенгаши томонидан тайинланиб, кузатув кенгаши олдида ҳисобдор бўлиши;

раҳбарларини рағбатлантириш миқдори кузатув кенгаши, мукофотлаш қўмитаси (агар ташкил этилган бўлса) ёки таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси (агар ташкил этилган бўлса) томонидан белгиланиши;

раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш миқдори банк хизматларини кўрсатишга масъул бўлган таркибий бўлинмалар фаолияти натижаларига боғлиқ бўлмаслиги. Бунда, рағбатлантириш миқдори банкнинг умумий молиявий ҳолатига боғлиқ бўлиши мумкин;

раҳбарлари ва ходимларига банк бошқаруви ва бошқа раҳбар ходимлари босим ўтказиши мумкин бўлган ҳолатлар келиб чиқишининг олди олинган бўлиши;

раҳбарларида банк бошқарувини хабардор қилмасдан кузатув кенгаши билан банкдаги таваккалчиликлар ҳолати юзасидан тўғридан-тўғри муҳокамаларни олиб бориш имкониятининг мавжуд бўлиши;

раҳбарлари кузатув кенгаши ёки таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси (агар ташкил этилган бўлса) ўртасида доимий тарзда иш олиб борилишининг таъминланиши;

ходимлари сони ва малака даражаси мазкур Низом ҳамда банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган вазифа ва мақсадларга мутаносиблиги таъминланиши;

раҳбарлари ва ходимлари даромад олиш билан боғлиқ банк операцияларини амалга оширишда, шунингдек бўлинма фаолиятига тааллуқли бўлмаган қўмита аъзолари ва турли хил ишчи гуруҳлар таркибида иштирок этмасликлари ҳамда бир вақтнинг ўзида бошқа лавозимни эгаллашларига йўл қўйилмаслиги;

ходимларини ишга қабул қилиш, лавозимидан озод этиш ва улар учун рағбатлантириш миқдорини белгилаш мазкур таркибий бўлинмалар раҳбарлари тавсияси асосида банк бошқаруви раиси томонидан амалга оширилиши;

ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган маълумотлардан тўлиқ фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиши лозим.

3-§. Таваккалчиликларни бошқаришда банк бошқарувининг вазифалари

31. Банк бошқаруви кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган риск-аппетит баёноти, таваккалчиликларни бошқариш сиёсати (сиёсатлари) ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ таваккалчиликларни бошқариш тизимининг самарали фаолият юритишини таъминлаш лозим.

32. Банк бошқаруви таваккалчиликларни бошқаришга доир қўйидаги вазифаларни бажариши лозим:

ўз ваколати доирасида кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган сиёсат ва ҳужжатлар асосида заруратга қараб батафсил тартиб ва чора-тадбирларни тасдиқлаш, уларни жорий шароитларга мувофиқлиги ва долзарблиги юзасидан бир йилда бир маротаба баҳолаб бориш;

таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси жорий этилишига доир зарур чораларни кўриш, банкнинг барча даражадаги ходимлари ўзларининг таваккалчиликларни бошқаришдаги вазифаларидан хабардор бўлишларини таъминлаш;

таваккалчиликларни бошқариш ва комплаенс таваккалчилигини бошқаришга масъул таркибий бўлинмаларга ўз вазифаларини самарали бажаришлари учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш;

банкда юзага келувчи барча сезиларли таваккалчиликларни таҳлил қилиш ва уларнинг банкнинг риск-аппетитига мувофиқлигини таъминлашга қаратилган жараёнларнинг тўлақонли жорий этилишини таъминлаш;

банк хизматлари учун нархларни (тарифларни) мазкур хизматлар билан боғлиқ таваккалчиликлар ва харажатларни инobatга олган ҳолда белгиланишини таъминлаш;

банкдаги таваккалчиликлар ҳолати, риск-аппетитнинг бузилиш ҳолатлари, банк фаолиятидаги сезиларли ўзгаришлар ва банкнинг янги маҳсулотлари ҳақида маълумотларни акс эттирувчи ҳисоботларнинг тайёрланишини ва кузатув кенгашига ҳар чорақда тақдим этилишини таъминлаш;

таваккалчиликларни бошқариш тизимидаги камчиликларни бартараф этиш, ички аудит хизмати, аудиторлик ташкилотлар, Марказий банк ва бошқа назорат органлари томонидан тақдим этилган таклиф ва мулоҳазаларни бажаришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритиш.

4-§. Таваккалчилик бўлинмасининг вазифалари

33. Банкда таваккалчилик бўлинмасининг вазифа, мажбурият ва ваколатларини белгиловчи низом ишлаб чиқилиши ҳамда кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим.

34. Таваккалчилик бўлинмаси қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

турли омилларнинг банк молиявий ҳолати, риск профили, капитали ва ликвидлилигига таъсирини таҳлил қилиш учун қўлланилувчи услубиёт ҳамда воситаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг долзарб ҳолатда бўлишини таъминлаш;

кредит, бозор, операцион ва ликвидлилик таваккалчиликларини баҳолаш методларини ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқишда иштирок этиш;

сезиларли таваккалчиликларнинг ўз вақтида аниқланиши, баҳоланиши, мониторинг қилиниши ва улар бўйича ҳисобот тайёрланиши, назорат қилиниши ҳамда мазкур таваккалчиликларнинг камайтирилишини таъминлаш;

таваккалчиликларни юзага келтирувчи ҳолатлар содир бўлганлиги ёки қисқа муддатларда содир бўлиши ҳақида эрта огоҳлантириш тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилиш. Мазкур тизимлар тасдиқланган риск-аппетит ва таваккалчилик чегаралари бузилишига яқинлашиш ёки бузилиш ҳолатларини аниқлаш, мониторинг қилиш ва зарур тавсияларни ишлаб чиқишда қўлланиши лозим;

мазкур Низом 8-бандида белгиланган ички ҳужжатлар долзарблиги ва самарадорлигини баҳолаб бориш, уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

таваккалчилик бўлинмаси томонидан ишлаб чиқилган таваккалчиликларни баҳолаш методларини, шу жумладан кредит таваккалчилигини баҳолаш учун рейтинг методларини ва (ёки) скоринг тизимларини текшириб бориш;

банк хизматлари учун нарх улар билан боғлиқ таваккалчилик ва харажатларни инобатга олган ҳолда шаклланишини таъминлаш мақсадида нарх сиёсати самарадорлигини баҳолаб бориш;

кредитлар билан боғлиқ таваккалчиликларни баҳолаш (кредит турлари, иқтисодиёт тармоқлари, географик ҳудудлар ва бошқалар), шу жумладан муаммоли кредитларни (активларни) аниқлаш жараёнлари ва активлар сифатини таснифлаш ҳамда улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш амалиётининг мақбуллигини баҳолаш;

банкнинг янги маҳсулотлари жорий қилингунга қадар улар билан боғлиқ таваккалчиликлар юзасидан хулосалар тайёрлаш;

стресс-тестларни ўтказиш;

йилда камида бир маротаба банкнинг риск-профилини ва уни банкнинг риск-аппетити ҳамда таваккалчилик чегараларига мувофиқлигини баҳолаш;

кредит, ликвидлилик, бозор ва операцион таваккалчиликлар бўйича, жумладан банкда мавжуд ёки юзага келиши кутилаётган таваккалчиликлар ҳамда уларни камайтириш юзасидан ҳисоботларни кузатув кенгаши ва таваккалчиликларни бошқариш қўмитасига (агар ташкил этилган бўлса) ҳар чоракда, банк бошқарувига ҳар ойда камида бир маротаба киритиш;

банк ходимларида сезиларли таваккалчиликлар ҳақида тегишли билим-

ларни шакллантириш мақсадида бир йилда камида бир маротаба тренинг ва ўқув семинарларини ташкил этиш;

капитал монандлигини баҳолаш бўйича ички жараёнлар (ИСААР) (жорий қилинган бўлса), стресс-тестлар ва таваккалчилик хусусиятлари асосида банк капиталига нисбатан таваккалштирилган талабларни белгилаш бўйича таклифларни кузатув кенгаши ёки таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси (агар ташкил этилган бўлса) ҳамда банк бошқарувига киритиш;

банк банклар гуруҳининг асосий банки бўлган тақдирда, консолидациялашган пруденциал нормативларни таҳлил қилиб бориш ва кузатув кенгашига консолидациялашган ҳисоботларни, шу жумладан консолидациялашган пруденциал нормативларнинг ҳолати, бу билан боғлиқ таваккалчиликлар ҳамда уларни бартараф этишга доир таклифларни киритиб бориш.

35. Таваккалчилик бўлинмаси раҳбари қўйидаги вазифаларни бажариши лозим:

кузатув кенгаши, таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси (агар ташкил этилган бўлса) ва банк бошқарувига таваккалчилик бўлинмасининг тегишли ҳисоботларини киритиш;

банк бошқаруви ва бош банкда ташкил этилган қўмиталарнинг банкнинг риск-аппетити ёки таваккалчилик чегаралари бузилишига сабаб бўладиган (стратегик режалаштириш, капитал ҳамда ликвидлилик даражаларини режалаштириш, банкнинг янги маҳсулотлари ва хизматларини жорий қилиш, ходимларни рағбатлантириш сиёсатини ишлаб чиқиш, йирик кредитларни тақдим этиш, инвестиция операцияларини амалга ошириш) қарорларига нисбатан тақиқни (вето ҳуқуқи) қўллаш ҳамда зудлик билан кузатув кенгашини бу ҳақда хабардор қилиш;

таваккалчиликлар юзасидан банк бошқарувининг қарорлари таваккалчилик бўлинмаси мулоҳазаларидан сезиларли даражада фарқланса, кузатув кенгаши ёки таваккалчиликларни бошқариш қўмитасини (агар ташкил этилган бўлса) бу ҳақда хабардор этиш;

таваккалчиликларнинг банкнинг молиявий ҳолати, капитали ва ликвидлигига таъсирини камайитириш юзасидан таклифларни кузатув кенгаши, таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси (агар ташкил этилган бўлса) ҳамда банк бошқарувига киритиш;

таваккалчиликлар даражаси сезиларли ўсиб, кечиктириб бўлмас чоралар қўриш зарурати юзага келган тақдирда, кузатув кенгаши ёки таваккалчиликларни бошқариш қўмитасининг (агар ташкил этилган бўлса) зудлик билан навбатдан ташқари мажлисини чақириш юзасидан банк бошқарувига мурожаат қилиш;

таваккалчиликларни бошқаришга доир ишларни мувофиқлаштириш, тегишли бўлинмалардан таваккалчиликларни бошқариш учун зарур бўлган маълумотларни олиш ва уларни жамлаш.

5-§. Комплаенс таваккалчилигини бошқариш учун масъул таркибий бўлинманинг вазифалари

36. Қонунчилик ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатларига риоя

этилишини назорат қилиш мақсадида комплаенс таваккалчилигини бошқариш учун масъул таркибий бўлинма ташкил этилиши ҳамда мазкур таркибий бўлинманинг вазифалари, мажбуриятлари ва ваколатларини белгиловчи низом ишлаб чиқиши ҳамда кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим.

37. Комплаенс таваккалчилигини бошқариш учун масъул таркибий бўлинма қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

комплаенс таваккалчилигини бошқаришга доир сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритиш;

комплаенс таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилишга доир тартиб ва жараёнларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролининг тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш;

банк ташкилий тузилмасининг барча бўғинларида юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш, манфаатлар тўқнашуви мавжудлигидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланганда дарҳол кузатув кенгаши ёки унинг қўмиталарини хабардор қилиш;

банк фаолияти, шу жумладан банкнинг янги маҳсулотларини жорий қилиш билан боғлиқ комплаенс таваккалчиликларини аниқлаш, баҳолаш ва улар устидан мониторинг ўрнатиш;

банк бошқарувига комплаенс таваккалчилигини бошқариш билан боғлиқ тавсиялар бериш, шунингдек банкнинг ходимларига банк фаолиятига доир қонунчилик, қоидалар ва стандартлар юзасидан тушунчалар бериш, улардаги ўзгаришларни мониторинг қилиш, мазкур ўзгаришларнинг банк фаолиятига таъсирини баҳолаб бориш ҳамда банкнинг ички ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминлаш;

банк ходимларини қонунчилик ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатлари талаблари билан таништиришга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш, шунингдек ходимлар учун қонунчилик талабларига риоя этиш бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш;

банкнинг янги маҳсулотларини жорий қилиш ва мавжуд маҳсулотларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда банк фаолиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ комплаенс таваккалчиликлари юзасидан хулосалар тайёрлаш;

кузатув кенгаши ёки таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси (агар ташкил этилган бўлса) ва банк бошқарувига комплаенс таваккалчилигини бошқариш юзасидан ҳисоботларни, шу жумладан аниқланган қоидабузарликлар, камчиликлар ҳамда уларнинг юзага келиш сабаблари ҳақида маълумотларни, комплаенс таваккалчиликларини камайтириш ва бартараф этиш бўйича ҳисоботларни ҳар чоракда тайёрлаш ва тақдим қилиш;

мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган банкнинг ички ҳужжатлари ишлаб чиқишида иштирок этиш.

38. Комплаенс таваккалчилигини бошқариш учун масъул таркибий бўлинма бошқа таркибий бўлинмаларнинг қонунчилик ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатларига риоя этишини текшириш ҳамда комплаенс таваккалчилигини бошқариш масалалари юзасидан ходимларни ўқитишни кўзда тутувчи йиллик режани ишлаб чиқиши ва уни тасдиқлаш учун кузатув кенгаши ёки таваккалчиликларни бошқариш қўмитасига (агар ташкил этилган бўлса) киритиши лозим.

39. Комплаенс таваккалчилигини бошқариш учун масъул таркибий бўлинма раҳбари бажарилган ишлар бўйича ҳисоботни кузатув кенгаши ёки таваккалчиликларни бошқариш қўмитасига (агар ташкил этилган бўлса) йилга камида икки мартаба тақдим этиши керак.

6-боб. Таваккалчиликларни бошқаришга ва ҳисоботларни тайёрлашга мўлжалланган ахборот тизими

40. Банкда банк фаолиятининг барча йўналишлари бўйича маълумотларни йиғиш, жамлаш, банк ва банклар гуруҳи кесимида таваккалчиликларни ишончли тарзда баҳолаш ҳамда таваккалчиликлар бўйича ҳисоботлар тайёрлаш имконини берувчи таваккалчиликларни бошқаришга мўлжалланган ахборот тизими жорий этилиши лозим.

41. Таваккалчиликларни бошқаришга мўлжалланган ахборот тизими банк операцияларининг хусусияти, кўлами ва мураккаблик даражасига мувофиқ бўлиши ва қуйидагиларни таъминлаши лозим:

таваккалчиликлар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини;
ахборотларнинг тўлиқлиги ва мослашувчанлигини;
ҳисоботларнинг шакллантирилиши ва ўз вақтида тақдим этилишини.

II бўлим. Таваккалчиликларни бошқаришга қўйиладиган талаблар

7-боб. Кредит таваккалчилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар

1-§. Кредит таваккалчилигини бошқариш тизими

42. Банкда кредит таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш ва камайитиришга хизмат қилувчи кредит таваккалчилигини бошқариш тизими жорий этилиши лозим.

43. Кредит таваккалчилигини бошқариш тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

кредит таваккалчилиги бўйича ўрнатилган риск-аппетитни;
кредит сиёсати ҳамда кредит таваккалчилигини бошқариш жараёнларини;
кредит ажратишга доир қарорлар қабул қилиш жараёнини;
активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш жараёнини;

муаммоли активларни аниқлаш ва улар билан ишлаш тартибини;
кредит таваккалчилигини стресс-тестдан ўтказиш тартибини;
капитал монандлигини баҳолаш бўйича ички жараёнларни (ИСААР) (жорий қилинган бўлса);

кредит таваккалчилиги бўйича ҳисобот бериш жараёнини.

44. Кредит таваккалчилигини бошқаришда банк баланси ва баланسدан ташқари моддаларидан қўйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

банкнинг кредит бўйича талаблари, шу жумладан қарз, кредит, микро-қарз, микрокредит, лизинг, овердрафт (мижозларнинг депозит ҳисобварақларидаги дебет қолдиғи), факторинг;

банклар ва бошқа молиявий ташкилотлардан олиниши лозим бўлган маблағлар;

кредит таваккалчилиги мавжуд бўлган баланسدан ташқари мажбуриятлар, шу жумладан фойдаланилмаган кредит линиялари, чақириб олинмайдиган мажбуриятлар, кредитлаш бўйича бошқа мажбуриятлар, савдога оид молиялаштиришлар (аккредитив, кафолат ва кафилликлар);

ҳосилавий инструментлар бўйича банк балансидаги талаблар ва бошқа кредит таваккалчилиги мавжуд бўлган активлар.

2-§. Кредит таваккалчилиги бўйича риск-аппетитга қўйилган талаблар

45. Банкнинг риск-аппетит баёнотида банкнинг стратегик мақсадларига ва бизнес-режа кўрсаткичларига эришишда қабул қилишга тайёр бўлган жами кредит таваккалчиликларини назарда тутувчи банкнинг кредит таваккалчилиги бўйича риск-аппетити белгиланиши керак.

46. Кредит таваккалчилиги бўйича риск-аппетит қўйидаги миқдорий кўрсаткичларни ўз ичига олиши лозим:

банкнинг жами активларида кредитлар улушининг энг юқори миқдори;

кредит портфели йиллик ўсишининг энг юқори даражаси (барча валюталар ва ҳар бир валюта кесимида);

бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликнинг банк биринчи даражали капиталига нисбатининг энг кўп миқдори;

кредит маҳсулоти турларининг банк жами кредит портфелидаги улушининг энг юқори миқдори;

муаммоли активларнинг (кредитларнинг) банк жами кредит портфели ва кредит маҳсулоти турлари кесимидаги улушининг энг юқори миқдори.

47. Кредит таваккалчилиги тасдиқланган риск-аппетит чегараларига яқинлашганда ёки мазкур чегаралар бузилганда, таваккалчилик бўлинмаси бир иш кунидан кечиктирмай кузатув кенгаши, банк бошқаруви ва таваккалчиликларни бошқариш қўмитасини (агар ташкил этилган бўлса) хабардор қилиши ҳамда беш иш кунини ичида кузатув кенгашига тегишли тузатувчи чораларни таклиф қилиши лозим.

3-§. Кредит сиёсати ва кредит таваккалчилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар

48. Банкда кредитлаш жараёнини ташкил этиш ва кредит таваккалчилигини бошқариш кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кредит сиёсати доирасида амалга оширилиши лозим.

49. Банкда кредитлаш жараёнини ташкил этиш мақсадида кредит сиёсати қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

кредит таваккалчилиги мавжуд бўлган активлар ажратилишининг асосий йўналишлари, шу жумладан иқтисодиёт тармоғи, валюта тури, муддати, таъминот тури ва (ёки) кредит маҳсулотлари кесимида кредитлашнинг мақсадли йўналишлари тавсифини;

қарз олувчиларнинг тўловга лаёқатлилигини баҳолаш, уларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг умумий тамойилларини;

таъминотнинг турлари ва уларни баҳосини келишишга қўйилган талабларни, кредитнинг (қарзнинг) таъминланганлик даражасини;

таъминотсиз кредитлар (ишончга асосланган кредитлар) беришга қўйилган талабларни;

кредит маҳсулотлари учун нархларни (тарифларни) белгилашнинг умумий тамойилларини;

кредит ажратиш бўйича филиаллар томонидан мустақил қарорлар қабул қилишда кредитлашнинг лимитларини белгилаш мезонларини кўрсатган ҳолда бош банк ва унинг филиаллари ўртасида жавобгарликнинг аниқ чегараларини;

кредитлаш учун масъул бўлган барча шахсларнинг ваколатларини;

кредит қўмитаси мажлислари ва унинг банк бошқаруви органлари олдидан ҳисобот бериш даврийлигини.

50. Банкда кредит таваккалчилигини бошқариш мақсадида кредит сиёсати қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

кредит таваккалчилигини бошқариш тизими иштирокчиларининг вазифалари, ваколатлари, мажбуриятлари тақсимооти ҳамда ўзаро ишлаш тартибини инобатга олган ҳолда таваккалчиликларни бошқариш тизимининг ташкилий тузилмасини;

кредит таваккалчилигининг чегараларини белгилаш тартибини;

кредит таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш, камайтириш ва кредит таваккалчилиги ҳақида ҳисобот бериш тартибини;

кредит таваккалчилигини бошқариш ва мониторингини амалга оширишга қўйилган талабларни;

муаммоли кредитларни аввалдан (дастлабки босқичда) аниқлашга қўйилган талабларни;

кредитларнинг тўпланишига (концентрацияси), шу жумладан кредит маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари, худудлар, гаров таъминоти тури, валютаси ва қарз олувчилар гуруҳи кесимида тўпланишига (концентрацияси) нисбатан қўйилган талабларни;

кредит таваккалчилигини стресс-тестдан ўтказишга қўйилган талабларни;

кредит таваккалчилиги назорати бўйича тайёрланадиган ҳисобот шакллари, уларни тақдим этиш тартиби ва даврийлигини.

51. Кредит таваккалчилигини бошқариш мақсадида банк бошқаруви томонидан банкнинг ички тартиблари ишлаб чиқилиши ҳамда ушбу тартибларнинг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлиши кўриб борилиши керак. Мазкур тартиблар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

кредит таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш ва камайтиришни;

қарз олувчи томонидан банкка тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатини;

кредит аризаларини шаффоф тарзда рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқиш, қарз олувчиларнинг тўловга лаёқатлилигини баҳолашни;

қарз олувчилар хорижий валютада кредит оладиган бўлса, уларнинг мазкур кредитни сўндириб бориш имконияти ва молиявий ҳолатини таҳлил қилишни;

кредитлашга доир қарорларни қабул қилиш, шу жумладан кредитларни тақдим этиш ёки кредитлашга оид аризани рад этишни;

кредит қўмитаси (қўмиталари) мажлисларининг даврийлигини;

гаров нарсасининг баҳосини келишишни;

кредит шартларини қайта кўриб чиқишни;

кредит таваккалчилигини бошқариш жараёнининг иштирокчилари ўрта-сида ахборот алмашишни;

кредит таваккалчилигини стресс-тестдан ўтказишни;

кредит таваккалчилиги бўйича Марказий банкка тақдим этилувчи ҳисоботларни тайёрлаш ва уларнинг ишончилигини текширишни.

4-§. Кредитни мониторинг қилишга қўйиладиган талаблар

52. Банк кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш ҳамда муаммоларни дастлабки босқичда аниқлаш мақсадида кредитларни яқка тартибда ва портфел кесимида мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқиши ҳамда амалиётга жорий этиши керак.

53. Кредитни мониторинг қилиш тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

қарз олувчининг кредит ҳужжатларини (электрон ёки қоғоз шаклида) шакллантириш ва юритиш;

қарз олувчининг кредит ҳужжатларини текшириш;

кредитнинг мақсадли ишлатилишини (агар кредит шартномасида мақсадлилиги белгиланган бўлса) мониторинг қилиш;

қарз олувчининг молиявий ҳолатини, кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни тўлаш бўйича кредит шартномаси шартларининг бажарилишини мониторинг қилиш;

қарз олувчининг кредит шартномасининг бошқа шартларига риоя этилишини мониторинг қилиш;

таъминотнинг мавжудлиги, етарлилиги ва бутлигини ҳамда унинг бозор қиймати қайта баҳоланишини мониторинг қилиш;

кредит таваккалчилигининг ҳажми ва у бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларнинг етарлилигини мониторинг қилиш.

54. Кредитларни мониторинг қилиш турлари, уларни ўтказиш тартиби, даврийлиги банкнинг кредит портфели кўлами, кредит тури, унинг миқдори, таваккалчилик даражаси ва бошқа омилларга асосан белгиланиши лозим.

55. Кредитларни мониторинг қилишга масъул таркибий бўлинма кредит қайтарилиши билан боғлиқ муаммолар ҳақида банк бошқарувини хабардор қилиш тизимини йўлга қўйиши лозим.

15-§. Муаммоли активларни аниқлаш ва улар билан ишлашга қўйиладиган талаблар

56. Банкда муаммоли активларни бошқариш жараёни ташкил этилиши лозим. Муаммоли активларни бошқариш жараёни қўйидаги босқичлардан ташкил топади:

биринчи босқич — молиявий қийинчиликлар юзага келиши эҳтимоли мавжуд қарз олувчиларни эрта аниқлаш;

иккинчи босқич — қарз олувчи билан тузилган шартнома шартларини қайта қўриб чиқиш;

учинчи босқич — суддан ташқари ва (ёки) суд орқали қарзни ундириш воситаларидан фойдаланган ҳолда қарз олувчи билан муносабатларни тугатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

тўртинчи босқич — ундириб олинган мол-мулкни бошқариш.

57. Муаммоли активларни бошқаришда кузатув кенгашининг вазифалари қўйидагилардан иборат бўлади:

муаммоли активлар билан ишлаш сиёсатини тасдиқлаш;

банкдаги муаммоли активлар ҳолатини ҳар чоракда ўрганиб бориш, муаммоли активларнинг юзага келиш сабабларини таҳлил қилиш ва муаммоли активларни камайтиришга доир чора-тадбирларни белгилаш;

муаммоли активлар билан ишлаш ва гаров ҳисобига ундирилган мол-мулкни бошқаришда банк бошқарувининг вазифаларини белгилаб бериш;

мазкур Низом ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар.

58. Муаммоли активларни бошқаришда банк бошқаруви қўйидаги вазифаларни бажаради:

муаммоли активлар билан ишлаш сиёсати лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритиш;

зарур ҳолларда муаммоли активлар билан ишлаш бўйича стратегик режани (бундан буён матнда стратегик режа деб юритилади) ишлаб чиқиш ёки кузатув кенгаши томонидан ваколат берилган бўлса тасдиқлаш;

кузатув кенгашига ҳар чоракда банкдаги муаммоли активларнинг ҳолати, муаммоли активлар билан ишлаш сиёсати ва зарур ҳолларда стратегик режа амалга оширилиши юзасидан ҳисоботларни киритиб бориш;

кузатув кенгаши томонидан берилган ваколат доирасида муаммоли активларни бошқаришга доир қарорларни қабул қилиш;

кузатув кенгаши томонидан берилган ваколат доирасида ундирилган мол-мулкни бошқариш бўйича қарорларни қабул қилиш;

муаммоли активлар билан ишлашга масъул ходимларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилаб бериш ва ушбу жараёни баҳолаб бориш;

муаммоли активларни бошқариш учун зарур ахборот тизимлари жорий қилинишини таъминлаш.

59. Банк муаммоли активлар билан ишлашга ихтисослашган алоҳида таркибий бўлинмани (бундан буён матнда муаммоли активлар билан ишлаш бўлинмаси деб юритилади) ташкил этиши ҳамда унинг холислиги ва мустақиллигини таъминлаши лозим.

60. Муаммоли активлар билан ишлаш бўлинмасининг холислиги ва мустақиллигини таъминлаш мақсадида мазкур таркибий бўлинма:

кредит ажратиш ва кредит таваккалчилигини бошқаришга масъул таркибий бўлинмалардан алоҳида бўлиши;

банк бошқарувининг банк актив операцияларини амалга оширишга масъул таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи аъзосидан бошқа аъзосига ҳисобдор бўлиши;

ходимлари сони ва уларнинг малакаси банк муаммоли активларини самарали бошқариш учун етарли даражада бўлиши;

зарур дастурий-техник таъминот билан таъминланиши;

ходимларини рағбатлантириш миқдори банк кредитларининг даромадлилик кўрсаткичларига боғлиқ бўлмаслиги, шунингдек келгусида манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармаслиги ҳамда уларнинг мустақиллик ва холислигига таъсир кўрсатмаслиги. Бунда, рағбатлантириш миқдори банкнинг умумий молиявий ҳолатига боғлиқ бўлиши мумкин;

фаолияти учун зарур маълумотлар, шу жумладан баённомалар, ёзувлар ва бошқа ҳужжатларни (электрон ва ёки) қоғоз кўринишида) тегишли таркибий бўлинмалардан талаб қилиш ваколати бўлиши;

штат бирлигига киритилишидан аввал бошқа таркибий бўлинма таркибида активни ажратиш бўйича қарор қабул қилишда иштирок этган ходим мазкур актив муаммога айланган тақдирда, уни бошқаришда иштирок этмаслиги лозим.

61. Муаммоли активлар билан ишлаш бўлинмаси қўйидагиларни бажаради:

муаммоли активларнинг қарз олувчиларини баҳолаш;

муаммоли актив шартларини қайта кўриб чиқишга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни банк бошқарувига тасдиқлаш учун киритиш;

муаммоли активни бошқаришга доир стандартлашган қарорларни ишлаб чиқиш ва уларни банк бошқарувига тасдиқлаш учун киритиш;

шартлари қайта кўриб чиқиладиган муаммоли актив шартномасига ўзгартиришлар киритиш ёки мазкур актив бўйича янги шартнома тузишда иштирок этиш;

актив шартлари қайта кўриб чиқилганидан сўнг қарз олувчининг янгиланган шартларга риоя қилиши устидан назорат қилиш;

муаммоли активни бошқаришда банкнинг таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

муаммоли активларни бошқаришга доир банкнинг ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқишда иштирок этиш;

муаммоли активларни бошқаришга доир ҳисоботларни тайёрлаш ва уларни банк раҳбариятига киритиш;

муаммоли активларни бошқариш учун зарур бўлган ахборот тизимларига нисбатан талабларни белгилаш;

активлар шартларини қайта қўриб чиқиш жараёни билан боғлиқ банкнинг ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқишда иштирок этиш.

62. Муаммоли активлар билан ишлаш сиёсати қуйидагиларни инобатга олиши керак:

муаммоли активлар тавсифини;

муаммоли активларни эрта аниқлаш тартибини;

муаммоли активлар аниқлангандан кейинги чоралар, шу жумладан қарздорлар билан ишлаш тартиби, кредитни муаммоли активлар билан ишлаш бўлинмасига ўтказиш мезонларини;

муаммоли активлар билан ишлаш бўйича банк томонидан қўлланилувчи услублар ва воситалар, шу жумладан муаммоли актив шартларини қайта қўриб чиқиш, уни сотиш, ҳисобдан чиқариш, ундирувни гаров таъминотига қаратиш ҳамда қарз олувчининг тўловга лаёқатсиз деб топилиши тартибини;

муаммоли активлар билан ишлашда банк таркибий бўлинмаларининг ўзаро ишлаш тартибини;

муаммоли активлар бўйича ҳисоботлар рўйхати ва шаклларини;

муаммоли активларни бошқариш бўйича банк томонидан кўрилган чоралар самарадорлигини баҳолаш тартибини.

63. Банк муаммоли активларининг жами активлардаги улуши сўнги 3 ой ичида кетма-кет беш фоиздан юқори бўлса, банк стратегик режани ишлаб чиқиши ҳамда унда муаммоли активлар улушини камайтириш бўйича аниқ мақсадлар ва муддатлар белгилаши лозим.

64. Стратегик режа:

кузатув кенгаши ёки ваколат берилган бўлса банк бошқаруви томонидан бир йилдан кам бўлмаган муддатга тасдиқланиши;

банкнинг тегишли таркибий бўлинмаларига етказилиши;

тасдиқланган ёки ўзгартирилган кундан бошлаб 15 кун ичида Марказий банкка тақдим этилиши лозим.

65. Стратегик режани тасдиқлаш ваколоти банк бошқарувига берилган бўлса, стратегик режа банк бошқаруви тасдиқлаган кундан бошлаб беш иш кун ичида кузатув кенгашига тақдим этилиши керак. Стратегик режа қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

муаммоли активлар миқдори ва уларнинг ҳажмини камайтиришни;

муаммоли активлар ҳисобидан ундирилган мол-мулк ҳажмини камайтиришни;

муаммоли активлар билан ишлаш, шу жумладан белгиланган муддат ичи-

да муаммоли активларни камайтириш учун банкнинг ички имкониятларини баҳолашни;

ташки омилларни, шу жумладан макроиктисодий, ҳуқуқий, суд ва тартибга солиш тизимидаги ҳолатларни баҳолашни;

кредит портфели кесимида (шу жумладан ипотека, истеъмол кредитлари, давлат дастурлари доирасида ажратилган кредитлар, кичик бизнес ва бошқа тадбиркорлик субъектларига кредитлар) муаммоли активларни камайтиришнинг мақсадли миқдорий кўрсаткичлари ва услубларини (шу жумладан муаммоли актив шартларини қайта кўриб чиқиш, уни сотиш, ҳисобдан чиқариш, ундирувни гаров таъминотига қаратиш ва қарз олувчининг тўловга лаёқатсизлиги);

гуруҳларга ажратилган (сегментлашган) кредит портфели кесимида қилиниши лозим бўлган чора-тадбирларни.

66. Қуйидагилар активнинг сифати пасайишидан дарак бериши мумкин: қарз олувчининг банк билан алоқага чиқишдан бўйин товлаши;

қарз олувчи ўзининг молиявий ҳолати бўйича маълумотларни кеч ва (ёки) тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этиши ҳамда банк томонидан мазкур маълумотларнинг ишончилигига шубҳа бўлиши;

асосий қарз ва фоизлар бўйича тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги;

кредит бўйича мониторингни амалга ошириш учун зарурий молиявий ҳисоботлар ёки ҳужжатларнинг тақдим этилмаслиги;

қарз олувчининг тижорий, операцион ва (ёки) молиявий қийинчиликлари; кредит шартномаси шартларининг бузилиши;

қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашганлиги сабабли кредит шартларини қайта кўриб чиқиш бўйича қилган мурожаати;

қарз олувчи ҳақида маълум бўлган салбий маълумотлар;

қарз олувчининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ташқи омиллар.

6-§. Капитал монандлигини баҳолаш бўйича ички жараёнларга (ИСААР) қўйиладиган талаблар

67. Кузатув кенгаши банкда бошқарув жараёнининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида капитал монандлигини баҳолаш бўйича ички жараёнларни жорий қилиши мумкин.

68. Капитал монандлигини баҳолаш бўйича ички жараёнлар банк риск-профилини ва унга нисбатан банк капитал монандлиги даражасининг мувофиқлигини доимий тарзда баҳолаб бориш имкониятини таъминлаши керак.

69. Капитал монандлигини баҳолаш бўйича ички жараёнлар банкнинг ички ҳужжатлари, шу жумладан банк стратегияси асосида ишлаб чиқилади ҳамда кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган алоҳида ҳужжатда белгиланади. Капитал монандлигини баҳолаш бўйича ички жараёнлар доирасида банк:

капитал монандлигини ички ҳисоблаш учун зарур бўлган таваккалчиликларни белгилаши, баҳолаши, ўлчаши ва улар бўйича ҳисоботлар тайёрлаши;

капитал монандлиги даражасининг риск-профилга мувофиқлигини таъминлаб бориш мақсадида капитал манбаларини режалаштириши ва уларни зарур даражада сақлаши керак.

70. Капитал монандлигини баҳолаш бўйича ички жараёнларда банкнинг стратегик мақсадлари ва уларнинг макроиктисодий омиллар билан алоқадорлиги инобатга олинади.

71. Капитал монандлигини баҳолаш бўйича ички жараёнлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида кузатув кенгаши қуйидагиларни ўз ичига олувчи капитал бўйича режани тасдиқлайди:

капитални режалаштириш жараёнининг тавсифи ва бунда тегишли таркибий бўлинмаларнинг вазифаларини;

капитал бўйича талаблар бажарилиши учун банк томонидан қўлланилувчи услубларни;

капитал монандлиги даражасига доир чегараларни;

кўзда тутилмаган ҳодисалар, шу жумладан капиталнинг ошиши, камайиши каби ҳолатларда кўрилиши лозим бўлган чора-тадбирларни.

72. Банк капитал бўйича режага мувофиқ капитал монандлиги даражасига доир чегараларни банкнинг риск-профили, риск-аппетити, таваккалчиликларни бошқариш тизимининг сифати, стратегик мақсадлари ва мамлакатдаги иқтисодий ҳолатни инобатга олган ҳолда белгилаши лозим.

7-§. Кредит таваккалчилигига оид ҳисоботларга қўйиладиган талаблар

73. Кредит таваккалчиликларини бошқаришга оид ҳисоботларнинг шакли, даврийлиги ва ҳажми кузатув кенгаши ёки банк бошқаруви томонидан белгиланади.

74. Кредит таваккалчилигига оид ҳисоботлар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

кредит портфели тўпланишининг даражасини (концентрациясини);

кредит портфелининг ҳажми ва динамикаси, шу жумладан шартлари қайта кўриб чиқилган, муаммоли ва ҳисобдан чиқарилган активлар ҳажми динамикасини;

кредит таваккалчилиги даражаси, шу жумладан кредит таваккалчилиги бўйича ўрнатилган чегараларга яқинлашиш ёки мазкур чегараларнинг бузилиши ҳолатларини;

ўзаро алоқадор қарз олувчилар учун таваккалчилик даражаси ва динамикасини;

эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун шакллантирилган захиралар даражаси ва динамикасини;

муаммоли активлар бўйича қилинаётган ишлар ҳолатини;

кредит сиёсатидан четлашган ҳолда ажратилган кредитларнинг улуши ва динамикасини;

таваккалчиликларни инобатга олган ҳолда кредит портфели даражаси ва динамикасини;

кредит таваккалчилиги бўйича стресс-тест ўтказиш натижаларини.

8-боб. Ликвидлилик таваккалчилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар

1-§. Ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш тизими

75. Банкда ликвидлилик таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш ва камайтиришга хизмат қилувчи ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш тизими жорий этилиши лозим.

76. Ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш тизими қўйидагиларни ўз ичига олади:

ликвидлилик таваккалчилиги бўйича риск-аппетитни;

ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш сиёсати ва жараёнларини;

ликвидлилик таваккалчилигини баҳолаш ва мониторинг қилиш воситаларини;

банк иш куни давомида ликвидлиликни бошқариш тартибини;

ликвидлилик таваккалчилиги бўйича стресс-тест ўтказишни;

ликвидлилик таваккалчилиги бўйича ҳисоботни.

2-§. Ликвидлилик таваккалчилиги бўйича риск-аппетитга қўйиладиган талаблар

77. Банкнинг ликвидлилик таваккалчилиги бўйича риск-аппетит баёноти стресс даврида банкнинг тўловга (ҳисоб-китобга) доир мажбуриятларини Марказий банкнинг тезкор ёрдамсиз тўлиқ ва ўз вақтида бажаришини таъминлаш мақсадида ликвидлилик таваккалчилиги бўйича риск-аппетитни ўз ичига олиши лозим.

78. Ликвидлилик таваккалчилиги бўйича риск-аппетит қўйидаги миқдор кўрсаткичларини ўз ичига олиши лозим:

юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги энг кам улушини;

ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти ва соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффицентининг чегара кўрсаткичларини;

мажбуриятлар ва активларнинг муддатлари ўртасидаги номутаносибликлар таҳлили асосида аниқланган 30 кун ва бир йилгача бўлган вақт оралиғида пул маблағлари тушуми ва чиқими ўртасидаги салбий умумлашган тафовутнинг энг юқори қийматини;

банкнинг энг йирик битта омонатчиси ва (ёки) кредитори ҳамда йигирмта энг йирик омонатчилари ва (ёки) кредиторлари, шунингдек уларга алоқадор шахслар билан боғлиқ маблағлар тўпланишининг (концентрациясининг) энг юқори қийматини.

3-§. Ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш сиёсати ва тартибларига қўйиладиган талаблар

79. Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган банкнинг ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш сиёсати қўйидагиларни ўз ичига олиши керак: таваккалчиликларни бошқариш тизими иштирокчиларининг вазифала-

ри, ваколатлари, мажбуриятлари тақсимоти ҳамда ўзаро ишлаш тартибини инобатга олган ҳолда ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш тизимининг ташкилий тузилмасини;

ликвидлилик таваккалчилиги чегараларини белгилаш тартибини;

ликвидлилик таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш, юмшатиш ва ликвидлилик таваккалчилиги ҳақида ҳисобот беришга қўйилган талабларни;

банк иш куни давомида ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш тартибини;

активлар ва молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш та-
мойилларини;

бозор ва контрагентлардан ресурс жалб қилиш имконияти бўлмаган тақ-
дирда, муқобил манбалар рўйхати ва таркибини;

ликвидлилик таваккалчилигини стресс-тестдан ўтказишга қўйилган та-
лабларни;

ликвидлилик таваккалчилиги бўйича тайёрланадиган ҳисобот шакллари,
уларни тақдим этиш тартиби ва даврийлигини.

80. Банк бошқаруви ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш сиёсати асосида банк фаолиятининг хусусиятлари ҳамда операциялари мураккабли-
гига мутаносиб бўлган ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш жараёнла-
рини ишлаб чиқиши мумкин.

Ушбу жараёнлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

ликвидлилик таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш,
назорат қилиш ва камайтириш тартибини;

эҳтимолий ликвидлилик тақчиллигини қоплаш мақсадида банк ўзида
сақлашни режалаштирган юқори ликвидли активлар ҳажмига ва таркибига
(тузилишига) қўйилган талабларни;

барқарор молиялаштириш манбалари рўйхатини;

ликвидлилик тақчиллиги юзага келганлиги ёки юзага келиши ҳақида
эрта хабар қилувчи кўрсаткичлар рўйхатини;

ликвидлилик таваккалчилигини баҳолаш учун ишлатиладиган фаразлар-
ни аниқлаш, тасдиқлаш ва қайта кўриб чиқиш тартибини;

ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш жараёнининг иштирокчила-
ри ўртасида ахборот алмашиш тартиби, шу жумладан ахборот тақдим этиш
шакллари ва муддатларини;

ликвидлилик таваккалчилигини стресс-тестдан ўтказиш тартибини;

ликвидлилик таваккалчилиги бўйича Марказий банкка тақдим этилувчи
ҳисоботларни тайёрлаш ва уларнинг ишончилигини текшириш тартибини.

4-§. Ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш ва мониторинг қилишга қўйиладиган талаблар

81. Ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш ва мониторинг қилишда
қуйидаги талаблар ҳисобга олиниши лозим:

Марказий банк томонидан белгиланган ликвидлилик коэффициентлари
ва мажбурий захиралаш талаблари;

йирик контрагентлар (кредиторлар ва омонатчилар) олдида мажбуриятларнинг тўпланиши (концентрацияси);

банк томонидан мустақил белгиланган вақт оралиқлари ва асосий валюталар кесимида актив ва мажбуриятларнинг (пул оқимларининг) қутилаётган ва (ёки) шартномавий сўндирилиш муддатларидаги номутаносибликлар (номутаносибликлар таҳлили);

юқори ликвидли активлар тоифасига киритилмаган, аммо стресс-тест сценарийларида иккиламчи бозордан қўшимча молиялаштиришни жалб қилиш учун гаров тариқасида тақдим этиш мумкин бўлган банк тасарруфидаги активларнинг ҳажми, валютаси ва асосий хусусиятлари;

банкнинг мавжуд ликвидлилик таваккалчилиги ва бошқа турдаги таваккалчиликлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.

82. Банк ликвидлилик таваккалчилиги ҳақида эрта хабар қилувчи ҳолатлар сифатида фойдаланадиган сифат ва миқдорий кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

банк томонидан белгиланган ички чегараларнинг Марказий банкнинг пруденциал нормативларига яқинлашиш ҳолатлари;

ўттиз кун, тўқсон кун ва бир йил муддат ичида актив ва мажбуриятларни сўндириш муддатларида номутаносибликлар вужудга келиши ёки ёмонлашиши;

банкнинг юқори ликвидли активлари ва мажбуриятлари валюталари ўртасидаги тафовутнинг ошиши;

ички ва ташқи омиллар, жумладан макроиқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳолат сабабли депозитларни қайтариб олиш ҳолатларининг кучайиши;

балансдан ташқари моддалар ва банкнинг шартли мажбуриятлари бўйича таваккалчиликларнинг ошиши;

контрагентлар томонидан мажбуриятлар муддатидан аввал қопланишига олиб келиши мумкин бўлган шартномавий шартларнинг амалда ёки эҳтимолий бузилиши;

банклардан олиниши мумкин бўлган кредит линияларининг қисқариши;

активларнинг турли хил омиллар, шу жумладан барқарор бўлмаган манбалар туфайли тезкорлик билан ошиши;

оммавий ахборот воситаларида банк ҳақида салбий маълумотларнинг тарқалиши;

банкнинг кредит рейтинги пасайиши (агар мавжуд бўлса);

активларни молиялаштириш билан боғлиқ харажатларнинг ошиши;

мажбуриятларни ўртача қайтариш муддатларининг қисқариши;

ликвидлилик таваккалчилиги профилига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар, шу жумладан банкнинг муаммоли активлари ҳажмининг ошиши ёки зарарда фаолият юритиши;

узоқ муддатли молиялаштириш манбаларини жалб қилишдаги қийинчиликлар.

83. Банкда ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш сиёсатидан четлашиш ва ликвидлилик таваккалчилиги чегараларининг бузилиши ҳолатлари кузатилганда, бир иш кунидан кечиктирмай кузатув кенгаши ва банк бошқаруви хабардор қилиниши лозим.

Банкда қўйидаги ҳолатларни аниқлаштирувчи тизим йўлга қўйилиши лозим:

йирик миқдордаги мажбуриятларнинг тўпланиши (концентрацияси);
ликвидлилик тақчиллиги юзага келиши ва (ёки) ликвидлиликни таъминлаш имкониятининг камайиши;

юқори ликвидли активлар ҳажмининг сезиларли камайиши;

ликвидлилик билан боғлиқ муаммоларга олиб келиши мумкин бўлган бозордаги ўзгаришларнинг содир бўлиши.

5-§. Банк иш куни давомида ликвидлиликни бошқаришга қўйиладиган талаблар

84. Банк мажбуриятларининг одатий ва стрессли вазиятларда ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида банк иш куни давомида ликвидлиликни бошқариш тартибини ишлаб чиқиши лозим. Мазкур тартиб қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

банк иш куни давомида ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш жараёни иштирокчилари, уларнинг вазифалари, ваколатлари, мажбуриятлари ва ўзаро ишлаш тартибининг тавсифини;

кунлик кутилаётган кирим ва чиқимни инobatга олган ҳолда ликвидлилик ҳолати кузатиб борилишини;

банк иш куни давомида юзага келиш эҳтимоли мавжуд бўлган ликвидлилик тақчиллигининг ҳажми аниқланишини;

пул маблағлари кирими ёки чиқими ҳажмининг асосий қисмини шакллантирувчи йирик мижозлар аниқланиши ва улар бўйича кирим ёки чиқим прогнозлаштирилишини;

банк иш куни давомида ликвидлилик таваккалчилиги билан ишлашнинг алоҳида тартибини талаб этувчи вазиятларни;

қўшимча молиялаштиришни жалб қилиш учун гаров сифатида ишлатилиши мумкин бўлган банк тасарруфидаги активларнинг ликвидлиги баҳоланишини;

банк иш кун давомида стресс вазиятларда ликвидлиликни бошқариш тартибини.

6-§. Ликвидлилик таваккалчилигига оид ҳисоботларга қўйиладиган талаблар

85. Ликвидлилик таваккалчилигига оид ҳисоботларнинг шакли, даврийлиги ва ҳажми кузатув кенгаши ёки банк бошқаруви томонидан белгиланади.

86. Ликвидлилик таваккалчилигига оид ҳисоботлар қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

Марказий банк томонидан белгиланган ликвидлилик коэффициентлари ва мажбурий захиралаш талаблари бўйича банк кўрсаткичлари ва уларнинг динамикасини;

юқори ликвидли активларнинг ҳажми, таркиби ва динамикасини;

ликвидлиликнинг бошқа кўрсаткичлари даражаси ва динамикаси, мазкур кўрсаткичларнинг белгиланган чегараларга мувофиқлиги, улар бўйича ному-таносибликлар тахлили натижасини;

ликвидлилик чегараларининг бузилиши, чегара қийматлари, чегараларнинг бузилиш сабаблари ва ҳолатни бартараф этиш бўйича таклифларни;

йирик контрагентлар (шу жумладан ўзаро алоқадор контрагентлар, ман-балар) бўйича активлар ва мажбуриятларнинг тўпланиши (концентрацияси) даражаси ва динамикаси;

банк иш куни ичида ликвидлилик таваккалчилигини баҳолаш натижалари-рини;

ликвидлилик таваккалчилиги бўйича эрта хабар қилувчи кўрсаткичлар-ни (зарур бўлса);

ликвидлилик таваккалчилигини стресс-тестдан ўтказиш натижаларини.

9-боб. Бозор таваккалчилигини бошқаришга қўйилган талаблар

1-§. Банкнинг бозор таваккалчилигини бошқариш тизими

87. Банкда бозор таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қи-лиш, назорат қилиш ва камайтиришга хизмат қилувчи бозор таваккалчили-гини бошқариш тизими жорий қилиниши лозим.

88. Бозор таваккалчилигини бошқаришнинг самарали тизими қуйидаги-ларни ўз ичига олиши лозим:

бозор таваккалчилиги бўйича риск-аппетитни;

бозор таваккалчилигини бошқариш сиёсати ва тартибларини;

бозор таваккалчилигини баҳолаш ва мониторинг қилиш воситаларини;

бозор таваккалчилиги бўйича стресс-тест ўтказиш тартибини;

бозор таваккалчилиги бўйича ҳисоботларни.

89. Банкда юзага келадиган бозор таваккалчилиги қуйидаги таваккалчи-ликларни ўз ичига олади:

қимматли қоғозлар ёки қатъий белгиланган даромад келтирувчи бошқа молиявий инструментлар қиймати, бозор фоиз ставкаларидаги кутилмаган ўзгаришлар туфайли банкнинг инвестиция портфелида юзага келувчи фоиз таваккалчилигини;

банкнинг активлари, мажбуриятлари ва балансдан ташқари моддалари қийматига таъсир ўтказувчи хорижий валюта курслари тебраниши оқибати-да юзага келувчи валюта таваккалчилигини;

қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангаларнинг бозор қиймати ўзгариши туфайли юзага келувчи товар таваккалчилигини;

қимматли қоғозларнинг жорий (ҳаққоний) баҳоси эмитентнинг фаолия-ти ёки қимматли қоғозлар бозоридаги тебранишлар натижасида ўзгариши туфайли юзага келувчи фонд бозори таваккалчилигини.

90. Банкнинг инвестиция портфели молиявий инструментларни ўз ичига олиб, улар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

олди-сотдига ёки хеджирланишига ҳеч қандай юридик тўсиқларнинг мавжуд эмаслиги;

нархларидаги қисқа муддатли тебранишлардан фойда олиш мақсадида кейинчалик сотиш мақсадида олиниши;

ҳаққоний қиймати мунтазам равишда қайта баҳолаб борилиши.

91. Бозор таваккалчилиги сезиларли даражада ўсганда, шу жумладан тасдиқланган риск-аппетит чегараларига яқинлашганда ёки мазкур чегаралар бузилганда, таваккалчилик бўлинмаси бир иш кунидан кечиктирмай кузатув кенгаши ва банк бошқарувини хабардор қилиши ва беш иш куни ичида тегишли тузатувчи чораларни таклиф қилиши лозим.

Бозор таваккалчилигининг сезиларли даражада ўсиши банкнинг ички ҳужжатларида белгиланиши лозим.

2-§. Бозор таваккалчилигини бошқариш сиёсати ва тартибларига қўйилган талаблар

92. Банкда бозор таваккалчилигини бошқариш сиёсати ва бошқа ички ҳужжатларга мувофиқ бозор таваккалчилиги бошқариб борилади.

93. Бозор таваккалчилигини бошқариш сиёсати қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

бозор таваккалчилигини бошқариш тизимининг ташкилий тузилмаси, жумладан таваккалчиликларни бошқариш тизими иштирокчиларининг вазифалари, ваколатлари, мажбуриятлари тақсимооти ва ўзаро ишлаш тартибини;

бозор таваккалчилиги чегараларини белгилаш тартибини;

бозор таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш, камайтириш ва бу ҳақида ҳисобот беришни;

бозор таваккалчилигини стресс-тестдан ўтказиш тартибини;

кузатув кенгаши ва банк бошқаруви учун бозор таваккалчилиги бўйича тайёрланадиган ҳисобот шакллари, уларни тақдим этиш тартиби ва даврийлигини.

94. Бозор таваккалчилигини бошқариш сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида банк бошқаруви томонидан банкнинг ички тартиби ишлаб чиқиши мумкин. Ушбу тартибда банк фаолиятининг хусусияти ва мураккаблиги ҳисобга олиниши лозим.

Ушбу тартиб қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

бозор таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш, хеджирлаш ва у бўйича ҳисобот тайёрлаш тартибини;

бозор таваккалчилигини аниқлаш учун зарур воситалар, кўрсаткичлар, услублар ва методларни;

операция амалга ошириш мумкин бўлган хорижий валюталар ва молиявий инструментлар рўйхатини;

бозор таваккалчилигини бошқариш жараёнининг иштирокчилари ўртасида ахборот алмашинуви тартибини;

бозор таваккалчилиги бўйича Марказий банкка тақдим этилувчи ҳисоботни тайёрлаш ва унинг ишончилигини текшириш тартибини.

3-§. Бозор таваккалчилигига оид ҳисоботларга қўйиладиган талаблар

95. Бозор таваккалчилигига оид ҳисоботларнинг шакли, даврийлиги ва ҳажми кузатув кенгаши ёки банк бошқаруви томонидан белгиланади.

96. Бозор таваккалчилигига оид ҳисоботлар қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

бозор таваккалчилиги мавжуд бўлган активлар, мажбуриятлар, балансдан ташқари моддалар, пул оқимлари ва маҳсулотлар билан боғлиқ бозор таваккалчиликлари ҳар бир турининг ҳажми ва тавсифини ўз ичига олувчи маълумотни;

бозор таваккалчиликлари учун ўрнатилган чегараларнинг бузилганлиги ҳақида маълумотни;

бозор таваккалчилиги бўйича ўтказилган стресс-тест натижаларини.

10-боб. Банкларда операцион таваккалчиликларни бошқаришга қўйилган талаблар

1-§. Банкларда операцион таваккалчиликларни бошқариш тизими

97. Банкда операцион таваккалчиликни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш ва камайтиришга хизмат қилувчи операцион таваккалчиликларни бошқариш тизими жорий қилиниши лозим.

98. Операцион таваккалчилик қўйидагилар билан боғлиқ ҳолатларда юзага келади:

ички фирибгарлик;

ташқи фирибгарлик;

ходимларни бошқариш ва меҳнат муҳофазаси;

банкнинг мижозлари, маҳсулотлари ва ишбилармонлик нормалари;

банк фаолиятидаги нобарқарорлик ва ички тизимларидаги муаммолар;

тўловларни амалга ошириш ва тўлов топшириқларини тақдим этишдаги муаммолар.

99. Ички фирибгарлик ҳолати банк ходими томонидан қўйидаги ҳолатларда содир этилиши мумкин:

ўғрилиқ ёки фирибгарлик қилиш;

пора олиш ёки мансабини суиистеъмол қилиш;

нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни тақдим этиш;

банкнинг лицензиясида ёки ички ҳужжатларида кўрсатилмаган фаолиятни амалга ошириш;

активларни қасддан йўқ қилиш, шикаст етказиш ёки ўзлаштириш;

ўзга шахсларнинг банкда сақланаётган пул маблағларини ўзлаштириш;

банк сири ёки тижорат сирига оид маълумотлардан шахсий манфаатларда фойдаланиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш амалиётларида иштирок этиш;

банкдаги ҳужжатларни ўғирлаш ёки йўқ қилиш;
тегишли ҳужжатларсиз (тўлов ҳужжатлари, кредит ҳужжатлари ва ҳ.к.) ёки сохта ҳужжатлар билан банк операцияларини амалга ошириш;
гаров шартномаларини тузмаслик ёки гаров мулкларининг қонунчиликка зид равишда чиқариб юбориш.

100. Ташқи фирибгарлик ҳолати учинчи шахс томонидан қўйидаги ҳолатларда содир этилиши мумкин:

банкка нисбатан ўғрилик, фирибгарлик ёки талончиликларнинг содир этилиши;

банк ахборот тизимлари хавфсизлигининг бузилиши, киберҳужумлар, ахборотларнинг ўғирланиши;

сохта ҳужжатлар ёрдамида маблағларнинг ўзлаштирилиши.

101. Ходимларни бошқариш ва меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ таваккалчиликлар қўйидаги ҳолатларда юзага келиши мумкин:

ходимларнинг меҳнат тўлови (компенсацияси) бўйича даъволар кириштиши;

банк ходими ва учинчи шахсларга жисмоний шикаст етказилиши;

меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси ва гигиена қоидаларининг бузилиши;

меҳнатга оид муносабатларда ходимларнинг камситилиши;

ходимларнинг шахсий маълумотлари ва махфий маълумотларнинг ошкор қилиниши.

102. Банкнинг мижозлари, маҳсулотлари ва ишбилармонлик нормалари билан боғлиқ таваккалчиликлар қўйидаги ҳолатларда юзага келиши мумкин:

банк хизмат ва маҳсулотларидаги камчиликлар ёки уларни мижозларга мажбурлаб ўтказилиши, мижозларга нотўғри тавсиялар тақдим этилиши, тўловларни ортиқча миқдорда ечиб олинishi;

ахборотларни ошкор этиш бўйича талабларнинг бузилиши;

махфий маълумотлардан нотўғри фойдаланиши;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштирилиши;

бозорда манипуляция қилиниши;

лицензияда кўрсатилмаган молиявий операциялар амалга оширилиши;

мижозларни идентификациялаш ва текширишга доир талабларнинг бажарилмаслиги.

103. Банк фаолиятидаги нобарқарорлик ва ички тизимларидаги муаммолар билан боғлиқ таваккалчиликлар банк фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган тизимларнинг ишлашидаги узилишлар натижасида юзага келиши мумкин.

104. Тўловларни амалга ошириш ва тўлов топшириқларини тақдим этиш билан боғлиқ таваккалчиликлар қўйидаги ҳолатларда юзага келиши мумкин:

тўлов операциялари мониторингини амалга ошириш ва улар бўйича ҳисоботлар тайёрлашдаги камчиликлар;

мижозларни жалб қилиш ва ҳужжатлар юритишдаги хатоликлар;

мижозлар ҳисобварақларини номақбул тарзда бошқариш, савдога оид шериклар ва етказиб берувчилар билан боғлиқ муаммолар;

маълумотларни киритиш ва сақлашдаги, бухгалтерия ҳисобини юри-тишдаги хатоликлар;

қарз олувчини ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига мансублигини аниқлаш билан боғлиқ камчиликлар;

тўлов ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ муаммолар;

мижозларга оид ҳужжатларнинг тўлиқ эмаслиги, Марказий банк ва қонунчиликка мувофиқ бошқа органларга ҳисоботларнинг тақдим этилмаслиги; мижозларнинг ҳисобварақларидан рухсатсиз фойдаланилиши.

105. Операцион таваккалчиликни бошқаришнинг самарали тизими қўйи-дагиларни ўз ичига олиши лозим:

операцион таваккалчилик бўйича банкнинг риск-аппетитини;

операцион таваккалчиликларни бошқариш сиёсати ва ички тартибларини;

операцион таваккалчиликни баҳолаш ва мониторинг қилиш воситаларини;

операцион таваккалчиликлар бўйича стресс-тест ўтказиш тартибини;

операцион таваккалчиликлар бўйича ҳисоботни.

2-§. Операцион таваккалчиликни бошқариш сиёсати ва тартибларига қўйиладиган талаблар

106. Банк операцион таваккалчиликларни бошқариш сиёсати ва тегишли ички тартиблар доирасида операцион таваккалчиликларни бошқариши лозим.

107. Операцион таваккалчиликларни бошқариш сиёсати қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

операцион таваккалчиликларни бошқариш тизимининг ташкилий тузил-маси, жумладан тегишли таркибий бўлинмаларнинг вазифалари, ваколатла-ри, мажбуриятлари тақсимоти ҳамда ўзаро ишлаш тартибини;

операцион таваккалчилик чегараларини белгилаш тартибини;

операцион таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш, камайтириш ва операцион таваккалчилик ҳақида ҳисобот беришга қўйиладиган талабларни;

операцион таваккалчилик ҳолатларини аниқлаш мезонларини;

операцион таваккалчиликни стресс-тестдан ўтказиш тартибини;

операцион таваккалчилик бўйича тайёрланадиган ҳисобот шакллари, уларни тақдим этиш тартиби ва даврийлигини.

108. Операцион таваккалчиликларни бошқариш сиёсатини амалга оши-риш мақсадида банк бошқаруви ички тартибларни ишлаб чиқиши мумкин.

Ушбу тартиблар банк фаолиятининг хусусияти ва мураккаблигини ҳи-собга олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим.

109. Операцион таваккалчиликларни бошқариш бўйича ички тартиблар қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

операцион таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш ва камайтириш тартибини;

операцион таваккалчилик ҳолатларини аниқлашнинг мезонлари, уларни баҳолаш ва бундай ҳолатлар бўйича маълумотларни банк раҳбариятига ет-казиш тартибини;

операцион таваккалчилик ҳолатларининг турлари бўйича таснифлаш тартиби ва мезонларини;

операцион таваккалчиликларни бошқаришда қўлланиладиган асосий воситаларнинг тавсифи ва улардан фойдаланиш тартиби, шу жумладан ички операцион таваккалчилик ҳолатлари базасининг юритиш тартибини;

ўзаро такрорланишнинг олдини олиш мақсадида операцион таваккалчилик ва комплаенс таваккалчилигини бошқаришга оид вазифаларни аниқ тарзда ажратишни;

операцион таваккалчиликларни бошқариш жараёни иштирокчилари ўртасида маълумот алмашиш тартиби, шу жумладан ахборотни тақдим этишнинг турлари, шакллари ва муддатларини;

операцион таваккалчиликни стресс-тестдан ўтказиш тартибини;

операцион таваккалчиликлар бўйича Марказий банкка тақдим этилувчи ҳисоботларни тайёрлаш ва унинг ишончилигини текшириш тартибини.

3-§. Операцион таваккалчиликни баҳолаш ва мониторинг қилишга қўйилган талаблар

110. Операцион таваккалчиликни аниқлаш ва баҳолаш учун банк қуйидаги воситалардан фойдаланиши лозим:

ички операцион таваккалчилик ҳолатлари базасини яратиш, юритиш ва ундаги мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш;

ички аудит хизмати ва ташқи аудитор томонидан ўтказилган текширувлар натижаларини таҳлил қилиш;

таваккалчиликнинг асосий кўрсаткичлари (Key Risk Indicators).

111. Операцион таваккалчиликнинг асосий кўрсаткичлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

ходимлар қўнимсизлиги;

банк томонидан тўланган жарималар миқдорининг банкнинг ялпи даромадларига нисбати;

ажратилишида фирибгарлик аломатлари мавжуд бўлган кредитларнинг барча ажратилган кредитлардаги улуши;

техник, технологик носозликлар ёки электр узилиши натижасида чекланган тартибда ишловчи банк тизимининг фаолияти давомийлиги;

қонунчилик ҳужжатларига зид равишда тузилганлиги аниқланган битимларнинг барча битимлардаги улушини.

112. Ички операцион таваккалчилик ҳолатлари бўйича банкнинг маълумотлар базасига қуйидагилар киритилиши лозим:

ҳолат содир бўлган, аниқланган ва рўйхатга олинган сана;

ҳолатни юзага келтирган ходим;

ҳолатни аниқлаган ва ўрганиш учун масъул бўлган таркибий бўлинма;

ҳолатнинг тавсифи ва содир бўлиш сабаблари;

ҳолат иқтисодий таъсирининг миллий валютадаги миқдори, тури, жумладан зарарлар, компенсация тўлови, эҳтимолий зарарлар;

ҳолат билан боғлиқ бўлган таваккалчилик тури, жумладан кредит таваккалчилиги, бозор таваккалчилиги;

ҳолатнинг очиқлиги ёки ёпиқлиги.

113. Банк операциян таваккалчилик ҳолатларини ўрганиш тартибини тасдиқлаши ва мазкур тартиб қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

операциян таваккалчилик ҳолатларини сезиларли деб таснифлаш мезонларини;

сезиларли бўлган операциян таваккалчилик ҳолатларини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳни тузиш тартиб-таомили ва ўрганишни ўтказиш тартибини;

ўрганиш натижалари юзасидан банк раҳбарияти ва тегишли таркибий бўлинмаларга хабар қилиш, ҳолатнинг оқибатларини камайтириш ва келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни тасдиқлашнинг тартиб-таомилини.

114. Операциян таваккалчилик сезиларли даражада ўсганда, шу жумладан тасдиқланган риск-аппетит чегараларига яқинлашганда ёки мазкур чегаралар бузилганда, таваккалчилик бўлинмаси бир иш кунидан кечиктирмай кузатув кенгаши ва банк бошқарувини хабардор қилиши ва беш иш куни ичида тегишли тузатувчи чораларни таклиф қилиши лозим.

Операциян таваккалчиликнинг сезиларли даражада ўсиши банкнинг ички ҳужжатларида белгиланиши лозим.

4-§. Операциян таваккалчиликка оид ҳисоботларга қўйилган талаблар

115. Операциян таваккалчиликка оид ҳисоботларнинг шакли, даврийлиги ва ҳажми кузатув кенгаши ёки банк бошқаруви томонидан белгиланади.

116. Операциян таваккалчиликка оид ҳисоботлар қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

ички операциян таваккалчилик ҳолатлари базасида жамланган умумлаштирилган маълумотлар, уларнинг ўтган даврларга нисбатан динамикаси таҳлили;

сезиларли бўлган операциян таваккалчилик ҳолатлари, уларнинг юзага келиш сабаблари ва келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чоралар;

банк томонидан операциян таваккалчиликнинг белгиланган чегаралари бузилганлиги ҳақида маълумот;

операциян таваккалчилик бўйича ўтказилган стресс-тест натижалари.

11-боб. Комплаенс таваккалчилигини бошқаришга қўйилган талаблар

1-§. Комплаенс таваккалчилигини бошқариш тизими

117. Банк комплаенс таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш ва камайтиришга хизмат қилувчи комплаенс таваккалчилигини бошқариш тизимини жорий қилиши лозим.

118. Комплаенс таваккалчилигини бошқариш тизими қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

комплаенс таваккалчилигини бошқариш сиёсати ва тартибларини;
комплаенс таваккалчилиги бўйича ҳисоботни.

119. Комплаенс таваккалчилигини бошқариш сиёсати қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

комплаенс таваккалчилигини бошқариш тизимининг ташкилий тузилмаси, жумладан тегишли таркибий бўлинмаларнинг вазифалари, ваколатлари, мажбуриятлари тақсимоти ҳамда уларнинг ўзаро ишлаш тартибини;

комплаенс таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш, камайтириш ва бу ҳақида ҳисобот берилишини;

ҳисоботлар шакллари, уларни тақдим этиш тартиби ва даврийлигини.

120. Комплаенс таваккалчилигини бошқариш сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида банк бошқаруви ички тартибларни ишлаб чиқиши мумкин.

Ушбу тартиблар банк фаолиятининг хусусияти ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиши ҳамда Марказий банк томонидан белгиланган талаблар ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлиши мумкин.

Ушбу тартиблар қўйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

комплаенс таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш ва камайтириш тартибини;

банк фаолиятини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш тартибини;

комплаенс таваккалчилигини бошқариш жараёни иштирокчилари ўртасида маълумот алмашиш тартибини;

банк ходимларига қонунчилик ҳужжатлари ҳамда банкнинг ички ҳужжатлари ҳақида хабардор бўлишларини таъминлаш мақсадида уларни ўқитиш тартибини.

121. Комплаенс таваккалчилигини аниқлаш ва баҳолаш учун қўйидаги маълумотлардан фойдаланиш лозим:

банкдаги номақбул хатти-ҳаракатлар тўғрисида ходимлардан олинган маълумот;

ички операцион таваккалчилик ҳолатлари базаси;

мижозларнинг шикоятлари;

ички аудит хизмати ва ташқи аудиторлар ҳисоботлари;

Марказий банк ва бошқа тегишли органлардан олинган маълумотлар;

комплаенс таваккалчилигини бошқариш учун масъул таркибий бўлинма ходимлари томонидан бошқа манбалардан олинган, жумладан ўтказилган текширувлар натижалари бўйича аниқланган маълумотлар.

122. Комплаенс таваккалчилиги юзага келганда, шу жумладан қонунчилик талаблари бузилганда, комплаенс таваккалчилигини бошқаришга масъул таркибий бўлинма кузатув кенгаши ва банк бошқарувини ўз вақтида хабардор қилиши ва тегишли тузатувчи чораларни тақлиф қилиши лозим.

2-§. Комплаенс таваккалчилигига оид ҳисоботларга қўйилган талаблар

123. Комплаенс таваккалчилигини бошқаришга масъул таркибий бўлин-

ма комплаенс таваккалчилигига оид ҳисоботларни кузатув кенгаши ва таваккалчиликларни бошқариш қўмитасига (агар ташкил этилган бўлса) ҳар чоракда, банк бошқарувига ҳар ойда камида бир маротаба киритиши лозим.

124. Комплаенс таваккалчилигига оид ҳисоботлар қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

банклар фаолиятига нисбатан қўлланилувчи қонунчилик ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатлари талаблари бузилганлигини;

банк ходимлари томонидан банкнинг одоб-ахлоқ кодекси талаблари бузилишини;

Марказий банк ва бошқа тегишли органларга ишончли бўлмаган ҳисоботлар берилишини;

қонунчилик ҳужжатларидаги ўзгаришларнинг банк фаолияти учун келтириб чиқарувчи оқибатларини;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини;

комплаенс таваккалчилигини бошқариш учун масъул таркибий бўлинма томонидан банк ходимлари учун ўтказилган ўқув машғулотларини.

12-боб. Яқуний қоида

125. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил
7 мартдаги 4/11-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 7 майдаги 14/2-сон «Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2229, 2011 йил 25 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 20-21-сон, 216-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 26 мартдаги 8/7-сон «Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2229-1, 2016 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 16-сон, 161-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

130 Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобва-
рақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3336-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 18 ноябрдаги 20/4-сонли қарори (рўйхат рақами 3336, 2021 йил 26 ноябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.11.2021й.,10/21/3336/1101-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобва-рақлар режасига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 7 март,
4/6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил
7 мартдаги 4/6-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар
режасига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур ҳужжат тижорат банкларида (бундан буён матнда банк деб юритилади) бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг ягона методологик асосларини белгилайди.»

2. 2-бобда:

1) 10795 баланс ҳисобварағи номидаги «ҳаққоний қийматининг ўзгариши» деган сўзлардан кейин «(актив-пассив)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) 10895 баланс ҳисобварағи номидаги «ҳақиқий қийматининг ўзгари-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 25 апрелда эълон қилинган.

ши» деган сўзлардан кейин «(актив-пассив)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) 11813, 12900, 12901, 12905, 12909, 12999, 15300, 15301, 15305, 15399, 15609, 20214, 20414, 20614, 22312, 42400, 42401, 42405, 42409, 44500, 44501, 44505, 45013, 45109, 50114, 50614, 51114, 54312 баланс ҳисобварақлари номидаги «капитали» деган сўз «инвестициялари» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 12921 баланс ҳисобварағининг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12921 Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга давлат дастурлари бўйича берилган қисқа муддатли кредитлар»;

5) «15305 Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағидан кейин қўйидаги мазмундаги 15321 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«15321 Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга давлат дастурлари бўйича берилган узоқ муддатли кредитлар»;

6) 16325 баланс ҳисобварағи номидаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» деган сўзлар «Давлат мақсадли жамғармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) «17409 Қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар бўйича банк карталаридан ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари» баланс ҳисобварағидан кейин 17500 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«17500 Ҳукумат ҳисобварақлари»;

8) «17515 Республика бюджети — Махсус харажатлар» баланс ҳисобварағидан кейин қўйидаги мазмундаги 17700, 17701, 17703 ва 17705 баланс ҳисобварақлари билан тўлдирилсин:

«17700 Стандарт деб таснифланган активлар бўйича захира (контр-актив)

17701 Стандарт деб таснифланган кредитлар, лизинг ва факторинг бўйича захира (контр-актив)

17703 Стандарт деб таснифланган активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақларига яратилган захира (контр-актив)

17705 Стандарт деб таснифланган бошқа активлар бўйича яратилган захира (контр-актив)»;

9) «19949 Музлатилган активлар» баланс ҳисобварағидан кейин қўйидаги мазмундаги 19951 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«19951 Олиниши лозим бўлган маблағлар — Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси билан ҳисоб-китоблар»;

10) «20405 Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг жамғарма депозитлари» баланс ҳисобварағи чиқариб ташлансин;

11) «20806 Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағига тўланиши лозим бўлган маблағлар — Ностро, овердрафт» баланс ҳисобварағидан кейин қўйидаги мазмундаги 20814 ва 20816 баланс ҳисобварақлари билан тўлдирилсин:

«20814 Марказий банкка тўланиши лозим бўлган маблағлар — Тезкор тўловлар тизими

20816 Марказий банкка тўланиши лозим бўлган маблағлар — Марказий банк клиринг тизими»;

12) 21604, 22004, 23208, 23210, 23222 баланс ҳисобварақлари номидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) «22612 «Ўзбекистон почтаси» АЖ таркибий бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган пул ўтказмалари ва даврий нашрларга обуна» баланс ҳисобварағидан кейин 22613 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«22613 Валюта бозорида конвертация қилиш учун мижозларнинг захира-ланган маблағлари»;

14) «22644 Мижозларнинг металл ҳисобварақлари бўйича мажбуриятлар» баланс ҳисобварағидан кейин 22646, 22648 баланс ҳисобварақлари билан тўлдирилсин:

«22646 Мижозларнинг инвестиция маблағлари бўйича мажбуриятлар 22648 Мижозларнинг «яшил энергия» лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маблағлари»;

15) 23110 баланс ҳисобварағи номидаги «Давлат божхона қўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 23112 баланс ҳисобварағи номидаги «Ишламайдиган пенсионерларнинг» деган сўзлар «Пенсионерларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

17) 23212 баланс ҳисобварағи номидаги «Молия вазирлиги Ҳазначилиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 23214 баланс ҳисобварағи номидаги «Ҳазначиликнинг» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) «29806 Тўлаш учун ҳисобланган бошқа фоизсиз харажатлар» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 29807 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«29807 Стандарт балансдан ташқари ҳисобварақлардаги моддалар бўйича захира»;

20) 29840 баланс ҳисобварағи номидаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) «30911 Стандарт активлар бўйича захира» баланс ҳисобварағи чиқариб ташлансин;

22) «44905 Бош банк/филиалга тақдим этилган ресурслар бўйича фоизли даромадлар» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 44907 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«44907 Ҳосилавий инструментлар бўйича фоизли даромадлар»;

23) «45921 Ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 45924 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«45924 Ҳисобдан чиқарилган активларнинг қайтарилиши»;

24) «54904 Бош банк/филиалдан олинган ресурслар бўйича фоизли харажатлар» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 54908 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«54908 Ҳосилавий инструментлар бўйича фоизли харажатлар»;

25) «56838 Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш — Лизинг (молиявий ижара)» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 56839 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«56839 Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш — олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар»;

26) «56902 Фойда солиғини баҳолаш» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 57700, 57701, 57703, 57705 ва 57707 баланс ҳисобварақлари билан тўлдирилсин:

«57700 Стандарт деб таснифланган активлар ва баланسدан ташқари ҳисобварақлардаги моддалар бўйича захира харажатлари

57701 Стандарт деб таснифланган кредитлар, лизинг ва факторинг бўйича захира харажатлари

57703 Стандарт деб таснифланган активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақларига захира харажатлари

57705 Стандарт деб таснифланган бошқа активлар бўйича захира харажатлари

57707 Стандарт деб таснифланган баланسدан ташқари ҳисобварақлардаги моддалар бўйича захира харажатлари»;

27) «92709 Форвард битими бўйича сотиш» баланسدан ташқари ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 92710 баланسدан ташқари ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«92710 Ҳисоб-китобли форвард битими бўйича сотиш»;

28) «92716 Форвард битими бўйича сотиб олиш» баланسدан ташқари ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 92717 баланسدан ташқари ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«92717 Ҳисоб-китобли форвард битими бўйича сотиб олиш»;

29) «94504 Олинган кредитлар ва лизинглар бўйича гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар» баланسدан ташқари ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 94505 баланسدан ташқари ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«94505 Олинган кредитлар бўйича банкнинг гаровга қўйилган активлари»;

30) 95413 баланسدан ташқари ҳисобварағининг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«95413 Ҳисобдан чиқарилган кредитлар, лизинглар ва факторинглар»;

31) «96365 Форвард битими бўйича сотиш контр-ҳисобварағи» баланسدан ташқари ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 96366 баланسدан ташқари ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«96366 Ҳисоб-китобли форвард битими бўйича сотиш контр-ҳисобварағи»;

32) «96367 Форвард битими бўйича сотиб олиш контр-ҳисобварағи» баланسدан ташқари ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 96368 баланسدан ташқари ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«96368 Ҳисоб-китобли форвард битими бўйича сотиб олиш контр-ҳисобварағи».

3. 3-бобда:

1) 10795 баланс ҳисобварағи номидаги «ҳаққоний қийматининг ўзгариши» деган сўзлардан кейин «(актив-пассив)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) 10895 баланс ҳисобварағи номидаги «ҳақиқий қийматининг ўзгариши» деган сўзлардан кейин «(актив-пассив)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) 11813, 12900, 12901, 12905, 12909, 12999, 15300, 15301, 15305, 15399, 15609, 20214, 20414, 20614, 22312, 42400, 42401, 42405, 42409, 44500, 44501, 44505, 45013, 45109, 50114, 50614, 51114, 54312 баланс ҳисобварақлари номи ва таърифидаги «капитали» деган сўз «инвестициялари» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 12921 баланс ҳисобварағининг номи ва таърифи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12921 Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга давлат дастурлари бўйича берилган қисқа муддатли кредитлар

Ҳисобварақнинг таърифи: 1 йил муддатгача чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга давлат дастурлари бўйича берилган кредитларнинг (шу жумладан, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операцияларнинг) ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида берилган кредитлар суммаси акс этирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қопланган ва/ёки бошқа мақоми бўйича қайта таснифланган кредитлар суммаси акс этирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

5) 13301, 13305, 13399, 14301, 14399, 20202, 21604, 22004, 23208, 23210, 23222 баланс ҳисобварақлари номи ва таърифидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) «15305 Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 15321 баланс ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«15321 Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга давлат дастурлари бўйича берилган узоқ муддатли кредитлар

Ҳисобварақнинг таърифи: 1 йилдан ортиқ муддатга чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга давлат дастурлари бўйича берилган кредитларнинг (шу жумладан, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операцияларнинг) ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида берилган кредитлар суммаси акс этирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қопланган ва/ёки бошқа мақоми бўйича қайта таснифланган кредитлар суммаси акс этирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

7) 16325 баланс ҳисобварағининг номи ва таърифидаги «Тадбиркорлик

фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» деган сўзлар «Давлат мақсадли жамғармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) «17409 Қонунчилик хужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар бўйича банк карталаридан ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 17500 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«17500 Ҳукумат ҳисобварақлари»;

9) «17515 Республика бюджети — Махсус харажатлар» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 17700, 17701, 17703 ва 17705 баланс ҳисобварақлари номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«17700 Стандарт деб таснифланган активлар бўйича захира (контр-актив)

17701 Стандарт деб таснифланган кредитлар, лизинг ва факторинг бўйича захира (контр-актив)

17703 Стандарт деб таснифланган активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақларига яратилган захира (контр-актив)

17705 Стандарт деб таснифланган бошқа активлар бўйича яратилган захира (контр-актив)

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштириб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: Стандарт деб таснифланган кредитлар, лизинг ва факторинг, активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари, бошқа активлар бўйича яратилган захира (контр-актив) ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ташкил этилган захира суммаси ва/ёки захиранинг ўсиш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида захиранинг камайиш ва/ёки бекор қилинган суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

10) «19949 Музлатилган активлар» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 19951 баланс ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«19951 Олиниши лозим бўлган маблағлар — Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси билан ҳисоб-китоблар

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасидан олиниши лозим бўлган маблағлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида банкнинг Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасидан олиниши лозим бўлган маблағлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банкнинг Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасидан келиб тушган маблағлари суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

11) «20405 Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг жамғарма депозитлари» баланс ҳисобварағи чиқариб ташлансин;

12) «20806 Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағига тўланиши лозим бўлган маблағлар — Ностро, овердрафт» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 20814 ва 20816 баланс ҳисобварақлари номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«20814 Марказий банкка тўланиши лозим бўлган маблағлар — Тезкор тўловлар тизими

Ҳисобварақнинг таърифи: Тезкор тўловлар тизими бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк ва унинг мижозлари номига келиб тушган маблағлар ҳисоби акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида банк мажбуриятлари ва мижозларнинг топшириқлари бўйича ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

20816 Марказий банкка тўланиши лозим бўлган маблағлар — Марказий банк клиринг тизими

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банк клиринг тизими бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк ва унинг мижозлари номига келиб тушган маблағлар ҳисоби акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида банк мажбуриятлари ва мижозларнинг топшириқлари бўйича ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.»;

13) «22612 «Ўзбекистон почтаси» АЖ таркибий бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган пул ўтказмалари ва даврий нашрларга обуна» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 22613 баланс ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«22613 Валюта бозорида конвертация қилиш учун мижозларнинг захираланган маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: валюта бозорида конвертация қилиш учун мижозларнинг сўмдаги захираланган мақсадли маблағлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида конвертация учун захираланган, шунингдек, илгари мазкур ҳисобварақдан ҳисобдан чиқарилган ва белгиланган муддатда мақсади бўйича конвертация қилинмай қолган сўмдаги маблағларнинг келиб тушган суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида конвертация учун йўналтирилган, шунингдек, мақсади бўйича фойдаланилмай қолган сўмдаги маблағларнинг белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир мижоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

14) «22644 Мижозларнинг металл ҳисобварақлари бўйича мажбуриятлар» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 22646, 22648 баланс ҳисобварақлари номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«22646 Мижозларнинг инвестиция маблағлари бўйича мажбуриятлар

Ҳисобварақнинг таърифи: мижозларнинг инвестиция маблағлари ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида мижозларга тегишли бўлган инвестиция маблағларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳисобдан чиқарилган/қайтарилган инвестиция маблағларининг суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар миждоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22648 Миждозларнинг «яшил энергия» лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: миждозларнинг «яшил энергия» лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маблағлари ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида миждозларнинг ҳисобварағига келиб тушган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида ҳисобдан чиқарилган/қайтарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар миждоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

15) 23110 баланс ҳисобварағи номи ва таърифидаги «Давлат божхона қўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 23112 баланс ҳисобварағи номи ва таърифидаги «Ишламайдиган пенсионерларнинг» деган сўзлар «Пенсионерларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

17) 23212 баланс ҳисобварағи номи ва таърифидаги «Молия вазирлиги Фазначилиги» ва «Молия вазирлиги Фазначилигидан» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитаси» ва «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 23214 баланс ҳисобварағи номи ва таърифидаги «Фазначиликнинг» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) 23224, 23226 баланс ҳисобварақлари дебитидаги «Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) «29806 Тўлаш учун ҳисобланган бошқа фоизсиз харажатлар» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 29807 баланс ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«29807 Стандарт балансдан ташқари ҳисобварақлардаги моддалар бўйича захира

Ҳисобварақнинг таърифи: стандарт балансдан ташқари ҳисобварақлардаги моддалар бўйича яратилган захира ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида стандарт балансдан ташқари ҳисобварақлардаги моддалар бўйича яратилган захира суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида ҳисобдан чиқарилган, қайтарилган стандарт балансдан ташқари ҳисобварақлардаги моддалар бўйича яратилган захира суммалари акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб стандарт балансдан ташқари ҳисобварақлардаги моддалар бўйича яратилган захира тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

21) 29840 баланс ҳисобварағи номидаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) «30911 Стандарт активлар бўйича захира» баланс ҳисобварағининг номи ва таърифи чиқариб ташлансин;

23) «44905 Бош банк/филиалга тақдим этилган ресурслар бўйича фоизли даромадлар» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 44907 баланс ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«44907 Ҳосилавий инструментлар бўйича фоизли даромадлар

Ҳисобварақнинг таърифи: ҳосилавий инструментлар бўйича фоизли даромадлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳосилавий инструментлар бўйича олиниши лозим бўлган ишлаб топилган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида нотўғри ҳисобланган ёки тўланган фоизларнинг қайтарилган суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида молиявий натижа сифатида 31206 ҳисобварағига ёпиладиган даромад суммаси акс эттирилади.»;

24) «45265 Банк карталари бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар» баланс ҳисобварағининг кредитидан «хорижий» деган сўз чиқариб ташлансин;

25) «45921 Ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 45924 баланс ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«45924 Ҳисобдан чиқарилган активларнинг қайтарилиши

Ҳисобварақнинг таърифи: 2022 йил 1 январдан сўнг ташкил қилинган захира ҳисобидан ҳисобдан чиқарилган активларнинг, шунингдек қайта таснифлаш натижасида ўтган йилларда яратилган захираларнинг қайтарилиш суммаси ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида 2022 йил 1 январдан сўнг ташкил қилинган захира ҳисобидан ҳисобдан чиқарилган активларнинг, шунингдек қайта таснифлаш натижасида ўтган йилларда яратилган захираларнинг қайтарилиши бўйича келиб тушган даромадлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида нотўғри олинган даромадларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банкнинг молиявий натижаси сифатида 31206 ҳисобвараққа ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.»;

26) «54904 Бош банк/филиалдан олинган ресурслар бўйича фоизли харажатлар» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 54908 баланс ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«54908 Ҳосилавий инструментлар бўйича фоизли харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: ҳосилавий инструментлар бўйича фоизли харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳосилавий инструментлар бўйича тўлаш учун ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган ва/ёки тўланган фоиз-

ларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида молиявий натижа сифатида 31206 ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.»;

27) «56838 Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш — Лизинг (молиявий ижара)» баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 56839 баланс ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«56839 Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш — олиниси лозим бўлган ҳисобланган фоизлар»;

28) «56902 Фойда солиғини баҳолаш» баланс ҳисобварағи таърифидан кейин қуйидаги мазмундаги 57700, 57701, 57703, 57705 ва 57707 баланс ҳисобварақлари номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«57700 Стандарт деб таснифланган активлар ва балансдан ташқари ҳисобварақлардаги моддалар бўйича захира харажатлари

57701 Стандарт деб таснифланган кредитлар, лизинг ва факторинг бўйича захира харажатлари

57703 Стандарт деб таснифланган активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақларига захира харажатлари

57705 Стандарт деб таснифланган бошқа активлар бўйича захира харажатлари

57707 Стандарт деб таснифланган балансдан ташқари ҳисобварақлардаги моддалар бўйича захира харажатлари

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштириб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан стандарт деб таснифланган кредитлар, лизинг ва факторинг, активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари, бошқа активлар, балансдан ташқари ҳисобварақлардаги моддалар бўйича захира харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида банк томонидан стандарт деб таснифланган кредитлар, лизинг ва факторинг, активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари, бошқа активлар, балансдан ташқари ҳисобварақлардаги моддалар бўйича захира харажатлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган банк томонидан стандарт деб таснифланган кредитлар, лизинг ва факторинг, активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари, бошқа активлар, балансдан ташқари ҳисобварақлардаги моддалар бўйича захира харажатларининг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206 ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.»;

29) 91501 балансдан ташқари ҳисобварағининг таърифи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳисобварақнинг таърифи: муддати ўтган ва ўрнатилган қоидаларга мувофиқ балансдан ҳисобдан чиқарилган, берилган муддатли ва шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар ва лизинглар бўйича ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади. Шу билан бирга, ушбу ҳисобварақда муддати ўтган ҳамда суд ёки ижро иши юритиш жараёнидаги кредитлар ва лизинглар бўйича ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар ҳисобга олинади.

Ушбу ҳисобварақ учун 96335 балансдан ташқари ҳисобварақ контр-ҳисобварақ ҳисобланади»;

30) «92709 Форвард битими бўйича сотиш» балансдан ташқари ҳисобварағи таърифидан кейин қўйидаги мазмундаги 92710 балансдан ташқари ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«92710 Ҳисоб-китобли форвард битими бўйича сотиш

Ҳисобварақнинг таърифи: келишилган курс ва санада молиявий инструментни ҳисоб-китобли сотишга асосланган форвард шартномаларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96366 балансдан ташқари ҳисобварағи контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебетида молиявий инструментни ҳисоб-китобли сотишга асосланган форвард шартномаларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисоб-китобли форвард шартномаси бўйича сотилган молиявий инструментнинг суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир ҳисоб-китобли форвард шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

31) «92716 Форвард битими бўйича сотиб олиш» балансдан ташқари ҳисобварағи таърифидан кейин қўйидаги мазмундаги 92717 балансдан ташқари ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«92717 Ҳисоб-китобли форвард битими бўйича сотиб олиш

Ҳисобварақнинг таърифи: келишилган курс ва санада молиявий инструментни ҳисоб-китобли сотиб олишга асосланган форвард шартномаларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96368 балансдан ташқари ҳисобварағи контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебетида молиявий инструментни ҳисоб-китобли сотиб олиш бўйича форвард шартномасининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисоб-китобли форвард шартномаси бўйича сотиб олинган молиявий инструментнинг суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир ҳисоб-китобли форвард шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

32) «94504 Олинган кредитлар ва лизинглар бўйича гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар» балансдан ташқари ҳисобварағи таърифидан кейин қўйидаги мазмундаги 94505 балансдан ташқари ҳисобварағи номи ва таърифи билан тўлдирилсин:

«94505 Олинган кредитлар бўйича банкнинг гаровга қўйилган активлари

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан олинган кредитлар бўйича банкнинг гаровга қўйилган депозитлари, асосий воситалари, кредитлари ва бошқа активлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида банк томонидан гаровга қўйилган депозитлари, асосий воситалари, кредитлари ва бошқа активлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида гаровдан чиқарилган банкнинг депозитлари, асосий воситалари, кредитлари ва бошқа активлари суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир кредит шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

33) 95413 баланسدан ташқари ҳисобварағининг номи ва таърифи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«95413 Ҳисобдан чиқарилган кредитлар, лизинглар ва факторинглар

Ҳисобварақнинг таърифи: банк балансидан ҳисобдан чиқарилган кредитлар, лизинглар ва/ёки факторинглар (тўланмаган қисми)нинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96397 баланسدан ташқари ҳисобварақ контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳисобдан чиқарилган кредит, лизинглар ва факторинглар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қайта тикланган ёки тўланган кредитлар, лизинглар ва/ёки факторингларнинг, шунингдек ўрнатилган муддати ўтиши билан бекор қилинган кредитлар, лизинглар ва/ёки факторингларнинг суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит, лизинг ва факторинг шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

34) «96365 Форвард битими бўйича сотиш контр-ҳисобварағи» баланسدан ташқари ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 96366 баланسدан ташқари ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«96366 Ҳисоб-китобли форвард битими бўйича сотиш контр-ҳисобварағи»;

35) «96367 Форвард битими бўйича сотиб олиш контр-ҳисобварағи» баланسدан ташқари ҳисобварағидан кейин қуйидаги мазмундаги 96368 баланسدан ташқари ҳисобварағи билан тўлдирилсин:

«96368 Ҳисоб-китобли форвард битими бўйича сотиб олиш контр-ҳисобварағи».

4. Иловада:

1) 29-бандда «Кт 45994 «Бошқа фоизсиз даромадлар» деган сўзлар «Кт 45921 «Ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши» ёки Кт 45924 «Ҳисобдан чиқарилган активларнинг қайтарилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 31-банднинг биринчи ҳатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Кредитлар бўйича фоизлар тушуми қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади:»;

3) қуйидаги мазмундаги 4 — 7-боблар билан тўлдирилсин:

«4-боб. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича бухгалтерия ёзувлари

35. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг (бундан буён матнда КБТЭБ деб юритилади) қийматини олдиндан тўлаб бериш билан сотиб олиш:

1) КБТЭБни олдиндан тўлиқ ёки қисман тўланиши қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

Дт 19909 «Олиниши лозим бўлган маблағлар — Товар-моддий қимматликлар учун»

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг талаб қилиб олингун-

ча депозит ҳисобварағи (агар мол етказиб берувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига шу банкда хизмат кўрсатилса);

2) КБТЭБ омборхонага сотиб олинганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида кирим қилиниб, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Дт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»

Кт 19909 «Олиниши лозим бўлган маблағлар — Товар-моддий қимматликлар учун».

36. Агар тўлов КБТЭБ келиб тушгандан кейин амалга оширилса, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

1) КБТЭБ келиб тушганда:

Дт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»

Кт 29802 «Тўланиши лозим бўлган маблағлар — Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар учун»;

2) КБТЭБ қиймати тўланганда:

Дт 29802 «Тўланиши лозим бўлган маблағлар — Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар учун»

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи (агар мол етказиб берувчининг талаб қилиб олингунча бўлган депозит ҳисобварағига шу банкда хизмат кўрсатилса).

37. КБТЭБ Бош банк/филиалдан филиаллар/бош банкка берилганда, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 16104 «Бош офис/филиаллардан олинган маблағлар — Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар»;

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар».

38. КБТЭБ Бош банкдан филиалга қабул қилинганда бошланғич ҳужжатлар (юк хатлари) асосида қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»;

Кт 22205 «Бош офис/филиалларга тўланадиган маблағлар — Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар».

39. Омборга қабул қилинган КБТЭБда бирор-бир номувофиқлик ёки нуқсон топилганда, қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

1) Банкнинг даъвоси мол етказиб берувчи томонидан қабул қилинганда ёки суд томонидан тегишли қарор чиқарилганда, омборга кирим қилинган КБТЭБни мол етказиб берувчига қайтариш қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширилади:

Дт 19909 «Олиниши лозим бўлган маблағлар — Товар-моддий қимматликлар учун»;

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»;

2) Қайтарилган маблағларни қайта ёзув билан вакиллик ҳисобварағига ўтказишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи;

Кт 19909 «Олиниши лозим бўлган маблағлар — Товар-моддий қимматликлар учун».

40. Банклар КБТЭБни соф сотиш қийматиғача ҳисобдан чиқаришни қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширадидлар:

Дт 56895 «Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш — Бошқа активлар»;

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар».

41. КБТЭБни фойдаланишга бериш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Дт 56406 «Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари»;

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар».

42. Банк ортиқча КБТЭБни сотганда (КБТЭБ шартномада келишилган нархларда сотилади) қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) КБТЭБни сотиш суммасига:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки сотиб олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи, агар сотиб олувчига шу банкда хизмат кўрсатилса;

Кт 29802 «Тўланиши лозим бўлган маблағлар — Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар учун»;

2) КБТЭБ банк учун фойда ёки зарарсиз сотилганда:

Дт 29802 «Тўланиши лозим бўлган маблағлар — Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар учун» — соф тушум суммасига (Соф тушум деганда шартнома баҳосидан қўшилган қиймат солиғи ва акцизларни айириб ташлагандан кейинги сумма назарда тутилади);

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»;

3) КБТЭБ фойда билан сотилганда:

Дт 29802 «Тўланиши лозим бўлган маблағлар — Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар учун» — соф тушум суммасига;

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»;

Кт 45913 «Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда» — соф тушум ва баланс қиймати ўртасидаги фарқ суммасига;

4) КБТЭБ зарар билан сотилганда:

Дт 29802 «Тўланиши лозим бўлган маблағлар — Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар учун» — соф тушум суммасига;

Дт 55906 «Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар» — соф тушум ва баланс қиймати ўртасидаги фарқ суммасига;

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар».

43. Камомад чиққан, яроқсиз ҳолга келган (айбдор шахслар аниқланмаган ҳолда), текинга берилган, шунингдек форс-мажор ҳолатларда КБТЭБнинг қиймати, банк томонидан белгиланган тартибда зарарга чиқарилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дт 56795 «Бошқа операцион харажатлар»;

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар».

44. КБТЭБнинг камомади, шунингдек айбдор шахснинг айби билан яроқсиз ҳолга келган (айбдор шахс аниқланганда) КБТЭБнинг қиймати қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали расмийлаштирилади:

Дт 19908 «Олиниши лозим бўлган маблағлар — Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблар»;

Кт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар».

Айбдор ходимларнинг иш ҳақидан ундириб олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 29803 «Тўланиши лозим бўлган маблағлар — Ходимлар билан ҳисоб-китоблар»;

Кт 19908 «Олиниши лозим бўлган маблағлар — Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблар».

Белгиланган тартибда банк ходимидан касса орқали ундириб олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10101 «Айланма кассадаги нақд пуллар»;

Кт 19908 «Олиниши лозим бўлган маблағлар — Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблар».

45. Омборда ҳисобда бўлмаган буюмлар омборга кирим қилинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 19921 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»;

Кт 45994 «Бошқа фоизсиз даромадлар».

5-боб. Молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича бухгалтерия ёзувлари

46. Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қимматли қоғозларнинг ҳаққоний қиймат ўсишини акс эттириш учун қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10795 «Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши (актив-пассив)»;

Кт 45609 «Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қимматли қоғозларининг ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда» ёки

Кт 45611 «Бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳо-

ланадиган қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда».

47. Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қимматли қоғозларнинг ҳаққоний қиймати пасайишини акс эттириш учун қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 55610 «Бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар» ёки

Дт 55614 «Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қимматли қоғозлари ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар»;

Кт 10795 «Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши (актив-пассив)».

48. Бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг ҳаққоний қиймати ўсишини акс эттириш учун қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Кт 96314 «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ».

101. Банкнинг сотиб олинган ўз акциялари кейинчалик иккиламчи бозорда қайта сотилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) сотиб олиш баҳосига нисбатан қиммат баҳода сотилганда:

Дт Касса ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд миждознинг ҳисобварағи — акцияни сотиш қийматиغا;

Кт 30321 «Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари — Имтиёзли (контр-пассив)» ёки

Кт 30324 «Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари — Оддий (контр-пассив)» — акцияни сотиб олиш қийматиغا ёхуд

Кт 30603 «Қўшилган капитал — Имтиёзли» баланс ҳисобварағининг «Қайта сотиб олинган ўз акциялари бўйича қўшилган капитал» шахсий ҳисобварағи — қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги ижобий фарқ суммасига;

2) сотиб олиш баҳосига нисбатан арзон баҳода сотилганда:

Дт Касса ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд миждознинг ҳисобварағи — акцияни сотиш қийматиغا;

Дт 30603 «Қўшилган капитал — Имтиёзли» — акцияни қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги салбий фарқ суммасига, кредит қолдиғи доирасида;

Кт 30321 «Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари — Имтиёзли (контр-пассив)» ёки

Кт 30324 «Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари — Оддий (контр-пассив)» — акцияни сотиб олиш қийматиغا.

30603 «Қўшилган капитал — Имтиёзли» ҳисобварағининг «Ўз акцияларини сотиб олишдан олинган қўшилган капитал» алоҳида шахсий ҳисобварағининг қолдиғи нолга тенг бўлса, акцияни қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги салбий фарқ 31206 «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» баланс ҳисобварағига ўтказилади;

3) бир вақтнинг ўзида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96314 «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90337 «Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари».

102. Акциялар бекор қилинганда ёки банкнинг акциядорлик капитали камайтирилганда (устав ҳужжатларига киритиладиган тегишли ўзгартиришлар Марказий банкда рўйхатга олингандан сўнг), қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30315 «Чиқарилган устав капитали — Имтиёзли» ёки

Дт 30318 «Чиқарилган устав капитали — Оддий» — акциянинг номинал қийматиغا;

Кт 30321 «Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари — Имтиёзли (контр-пассив)» ёки

Кт 30324 «Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари — Оддий (контр-пассив)» — акцияни сотиб олиш қийматиغا.

103. Банкнинг ўз акцияларини сотиб олиш билан уларнинг номинал қиймати ўртасидаги ижобий ёки салбий фарқ 30603 «Қўшилган капитал — Имтиёзли» баланс ҳисобварағининг мос равишда дебети ёки кредитида ҳисобга олинади. Ҳисобварақнинг кредит қолдиғи етарли бўлмаганда, етмаган салбий фарқ 31206 «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» баланс ҳисобварағига олинади.

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96314 «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90329 «Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари».

104. Ҳужжатсиз ёки ҳужжатли қимматли қоғозларнинг бланкалари Марказий депозитарийда ҳисобга олинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 90327 «Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари»;

Кт 96314 «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Дт 90329 «Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари»;

Кт 96314 «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»

105. Қимматли қоғозлар номинал қиймати бўйича жойлаштирилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дт Касса ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд миждознинг ҳисобварағи;

Кт 23600 «Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар»;

Дт 96314 «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90327 «Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари»;

Дт 96314 «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90329 «Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари».

106. Қимматли қоғоз номинал қийматидан юқори баҳода сотилганда сотиш баҳоси ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ (мукофот) 23696 «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот» ҳисобварағининг кредитига сотиш кунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ўтказилади:

Дт Касса ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд миждознинг ҳисобварағи — қимматли қоғозни сотиш қийматига;

Кт 23600 «Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар» — қимматли қоғознинг номинал қийматига;

Кт 23696 «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот» — қимматли қоғозни сотиш қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ суммасига.

Бир вақтнинг ўзида қимматли қоғоз бланкасига қимматли қоғозни олувчи ҳақидаги тегишли ёзувлар киритилганда ёки қимматли қоғозлар инвесторнинг депо ҳисобварағига ўтказилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96314 «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90327 «Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари»;

Дт 96314 «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90329 «Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари».

107. Қимматли қоғоз номинал қийматидан паст баҳода сотилса, номинал қиймати ва сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ (дисконт) 23698 «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)» баланс ҳисобварағининг дебетига сотиш санасида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ўтказилади:

Дт Касса ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд миждознинг ҳисобварағи — қимматли қоғозни сотиш қийматига;

Дт 23698 «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пас-

сив)» — қимматли қоғознинг номинал қиймати ва сотиш қиймати ўртасидаги фарқ суммасига;

Кт 23600 «Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар» — қимматли қоғознинг номинал қийматига.

Дисконтлар баланс ҳисоботида чиқарилган қимматли қоғозларнинг умумий суммасидан чегирма кўринишида акс эттирилади.

108. Агар қимматли қоғозлар фоизларни тўлаш даврлари орасида сотилган бўлса, сотилган ва тўланиши лозим бўлган фоизли мажбуриятлар қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали сотиш санасида ҳисобга олинади:

Дт Касса ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд миждознинг ҳисобварағи;

Кт 22414 «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар».

109. Қимматли қоғозлар сўндириш ёки қайта сотиш шартлари билан сотиб олинганда, балансдан ҳисобдан чиқарилади. Агар сотиб олиш баланс қийматида бўлса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) илгари номинал қийматда сотилган қимматли қоғозлар сотиб олинганда:

Дт 23600 «Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар» — номинал қийматга;

Кт Касса ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд миждознинг ҳисобварағи — номинал қийматга;

2) илгари дисконт билан сотилган қимматли қоғозлар сотиб олинганда:

Дт 23600 «Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар» — номинал қийматга;

Кт 23698 «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)» — дисконтнинг қолдиқ қиймати доирасида;

Кт Касса ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд миждознинг ҳисобварағи — қимматли қоғозни сотиб олиш қийматига;

3) илгари мукофот билан сотилган қимматли қоғозлар сотиб олинганда:

Дт 23600 «Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар» — номинал қийматга;

Дт 23696 «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот» — мукофотнинг қолдиқ қиймати доирасида;

Кт Касса ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд миждознинг ҳисобварағи — қимматли қоғозни сотиб олиш қийматига;

4) ҳисобланган фоизларни тўлашда:

Дт 22414 «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар»;

Кт Касса ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд миждознинг ҳисобварағи.

110. Агар банк қимматли қоғозни номинал қийматидан паст баҳода сотиб олса, номинал қиймат ва сотиб олиш баҳоси ўртасида ижобий фарқ 45994 «Бошқа фоизсиз даромадлар» баланс ҳисобварағининг «Чиқарилган қарз мажбуриятлари билан боғлиқ операциялардан олинган даромадлар»

алоҳида шахсий ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади. Агар банк томонидан қимматли қоғоз баланс қийматидан юқори баҳода сотиб олинса, баланс қиймати ва сотиб олиш баҳоси ўртасидаги салбий фарқ 55995 «Бошқа фоизсиз харажатлар» баланс ҳисобварағининг «Чиқарилган қарз мажбуриятлари билан боғлиқ операциялар бўйича қилинган харажатлар» алоҳида шахсий ҳисобварағининг дебетида акс эттирилади.

111. Агар банк қимматли қоғозни бекор қилиш мақсадида сотиб олган бўлса, у ҳолда қимматли қоғозлар 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳисобга олинади:

Дт 90327 «Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари»;

Кт 96314 «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Дт 90329 «Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари»;

Кт 96314 «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ».

112. Агар банк қимматли қоғозларни қайта сотиш мақсадида сотиб олган бўлса, у ҳолда қимматли қоғозлар номинал қиймат бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дт 90337 «Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари»;

Кт 96314 «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ».

113. Мижоздан ёки банк-корреспондентдан маҳаллий (ички) ёки хорижий (ички) векселлар инкассога қабул қилинганда, банк томонидан векселнинг номинал қийматига балансдан ташқари ҳисобварақларида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 90965 «Инкассога қабул қилинган (ички) векселлар — Маҳаллий» ёки

Дт 90972 «Инкассога қабул қилинган (ички) векселлар — Хорижий»;

Кт 96323 «Инкассога қабул қилинган (ички) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ».

114. Вексель бўйича тўлов тўлиқ ёки қисман амалга оширилганда ёки тўловсиз қайтарилганда (тўлашдан бош тортиш ёки ҳисобварағида маблағ етишмаслик ҳолларида) қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96323 «Инкассога қабул қилинган (ички) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90965 «Инкассога қабул қилинган (ички) векселлар — Маҳаллий» ёки

90972 «Инкассога қабул қилинган (ички) векселлар — Хорижий».

Вексель бўйича қисман тўлов амалга оширилганда векселнинг тўланмаган суммаси 90963 «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» ҳисобварағига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ўтказилади:

Дт 90963 «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»;

Кт 96321 «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр-ҳисобварақ».

115. Вексель бўйича банкда ўз ҳисобварағига эга бўлмаган тўловчилар ёки вакил-банклардан тўловни олиш учун векселлар инкассога жўнатилганда, уларнинг номинал қийматига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 90979 «Инкассога жўнатилган (ташқи) векселлар — Маҳаллий» ёки 90986 «Инкассога жўнатилган векселлар — хорижий»;

Кт 96330 «Инкассога жўнатилган (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ».

116. Вексель тўловчиси томонидан вексель бўйича тўлов амалга оширилгандан сўнг қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96330 «Инкассога жўнатилган (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90979 «Инкассога жўнатилган (ташқи) векселлар — Маҳаллий» ёки

Кт 90986 — «Инкассога жўнатилган векселлар — хорижий».

117. Банклар қимматли қоғозлар билан боғлиқ инкассо операцияларидан даромадлар ва харажатлар кўриши мумкин. Бу ҳолда, даромадлар 45257 «Мижозларга инкассо операциялари бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар» ҳисобварағида ва харажатлар 55158 «Инкассо операцияларини амалга ошириш бўйича ва воситачилик харажатлари» ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

118. Қимматли қоғозларни сотиб олиш учун мижозлар томонидан ўтказилган пул маблағлари ҳамда воситачилик ва топшириқ шартномалари бўйича мижозларнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган пул маблағларининг ҳисоби 22608 «Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари» баланс ҳисобварағининг «Қимматли қоғозлар билан брокерлик операциялари бўйича мижозлар маблағлари» алоҳида ҳисобварағида юритилади.

119. Сотиш учун ёки мижознинг топшириғига асосан сотиб олинган қимматли қоғозлар 93616 «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ва 93623 «Шартли тарзда сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари» балансдан ташқари ҳисобварақларида номинал қиймат бўйича ҳисобга олинади:

Дт 93616 «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ёки

Дт 93623 «Шартли тарзда сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари»;

Кт 96379 «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ».

120. Мижозларнинг топшириғига кўра сотиш учун олинган қимматли қоғозлар сотилмаганда, улар мижозларга қайтарилганда, шунингдек мижозларга уларнинг топшириғи бўйича сотиб олинган қимматли қоғозларни топширишда қимматли қоғозларнинг номинал қийматига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96379 «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 93616 «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ёки

Кт 93623 «Шартли тарзда сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари».

121. Банклар томонидан воситачилик операцияларини бажаришдан олинган даромадлар 45209 «Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган инвестициявий воситачилик операциялари бўйича даромадлар» баланс ҳисобварағининг кредитида ҳисобга олинади.

122. Қимматли қоғозлар эмитентдан жойлаштириш учун олинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 93616 «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ёки

Дт 93623 «Шартли тарзда сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари»;

Кт 96379 «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ».

123. Эмитентнинг қимматли қоғозларини жойлаштиришдан олинган пул маблағларининг ҳисоби 22608 «Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари» баланс ҳисобварағининг «Қимматли қоғозларнинг чиқарилишига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ эмитентлар маблағлари» алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади.

124. Қимматли қоғозларни уларнинг биринчи эгаларига жойлаштиришда, шунингдек жойлаштирилмаган қимматли қоғозларни эмитентга қайтаришда қимматли қоғозларнинг номинал қиймати бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96379 «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 93616 «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ёки

Кт 93623 «Шартли тарзда сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари».

125. Банк қимматли қоғозларни эмитентнинг топшириғига асосан эмитентнинг маблағлари ҳисобига сўндиради. Эмитентдан олинган маблағлар 22608 «Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари» баланс ҳисобварағининг «Қимматли қоғозларни чиқариш бўйича эмитентларнинг маблағлари» алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади. Эмитентнинг қимматли қоғозлари сўндирилганда, сўндириш суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Дт 22608 «Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари»;

Кт Касса ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд мижознинг ҳисобварағи.

Бир вақтнинг ўзида сўндирилган қимматли қоғозларнинг бланкалари баланسدан ташқари ҳисобварақларига 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали кирим қилинади:

Дт 90303 «Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари»;

Кт 96305 «Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ» ёки

Дт 90317 «Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари»;

Кт 96315 «Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ».

126. Эмитентнинг топшириғига кўра сўндирилган қимматли қоғозларнинг бланкаларини эмитентга ўтказишда ёки бекор қилишда 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96305 «Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90303 «Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари» ёки

Дт 96315 «Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90317 «Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари».

127. Андеррайтинг хизматларини амалга оширишдан олинган даромадлар 45294 «Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар» ҳисобварағининг «Қимматли қоғозларнинг чиқарилишига хизмат кўрсатиш бўйича банк операцияларидан олинган даромадлар» алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади.

128. Мижозлардан қимматли қоғозлар сақлаш учун қабул қилинганда номинал қиймати бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 93616 «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ёки

Дт 93623 «Шартли тарзда сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари»;

Кт 96379 «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ».

129. Қимматли қоғозлар сақлашдан чиқарилиб мижозга қайтарилганда, номинал қиймат бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96379 «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 93616 «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ёки

Кт 93623 «Шартли тарзда сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари».

130. Сақлаш операцияларини амалга оширишдан олинган даромадлар 45294 «Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар» баланс ҳисобварағининг «Банкнинг қимматли қоғозларни сақлаш бўйича бажарган операцияларидан олинган даромадлар» алоҳида шахсий ҳисобварағининг кредитида ҳисобга олинади.

131. РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар 22300 «РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар» баланс ҳисобварағининг тегишли ҳисобварағида ҳисобга олинади. Қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозларни сотувчи банк томонидан

битимнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиш суммасида қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг ҳисобварағи;

Кт 22300 «РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар».

Бир вақтнинг ўзида балансдан ташқари ҳисобварақлар бўйича:

Дт 92802 «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар»;

Кт 96374 «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи».

92802 «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар» ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларнинг сотилиш санасидан бошлаб, банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиб олиш муддатигача ҳисобга олинади.

132. РЕПО операциясининг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш баҳоси ҳамда РЕПО операциясининг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ ўз моҳиятига кўра олинган пул маблағлари учун тўлов ҳисобланади. Кўрсатилган фарқ амортизация қилинади ва сотувчи банк томонидан ҳар ойда қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг амал қилиш муддати давомида фоизли харажатлар ҳисобварағига олиб борилади:

Дт 54300 «Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли харажатлар»;

Кт 22300 «РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар».

133. Агар РЕПО келишувнинг биринчи қисми бўйича РЕПО суммаси фоиз (купон) даромадлари миқдорида камайиши кўзда тутилган бўлса, у ҳолда РЕПО суммаси дастлабки сотиб олувчи томонидан олинган фоиз (купон) даромадлари миқдорида камайди ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 22300 «РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар»;

Кт РЕПО битимининг объекти бўлган қимматли қоғозлар бўйича олиниши лозим бўлган фоизларнинг тегишли ҳисобварағи.

134. Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк томонидан келишувнинг иккинчи қисми бўйича қайта сотиб олинган қимматли қоғозлар суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 22300 «РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар»;

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг ҳисобварағи.

Бир вақтнинг ўзида балансдан ташқари ҳисобварақларда келишувнинг иккинчи қисми бўйича қайта сотиб олинган қимматли қоғозлар қийматида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96374 «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи»,

Кт 92802 «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар».

135. Қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисми бажарилмаган ҳамда қимматли қоғозлар сотиб олувчи портфелига ўтказилган тақдирда, сотувчи банк қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дт 22300 «РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар» — битимнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозни қайта сотиб олиш суммасига;

Кт 10700 «Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қимматли қоғозлар», 10800 «Бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар», 15900 «Амортизацияланган қиймати бўйича баҳоланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар».

Келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш баҳоси ва унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ тегишли фойда ёки зарар ҳисобварағида акс эттирилади.

Бир вақтнинг ўзида балансдан ташқари ҳисобварақларда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96374 «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи»;

Кт 92802 «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар».

136. Қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда, қимматли қоғозларни сотиб олувчи банк келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларнинг сотиб олиш суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини бажаради:

Дт 11800 «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар»;

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миջознинг ҳисобварағи.

Бир вақтнинг ўзида банк томонидан сотиб олинган ва қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк сотиши лозим бўлган қимматли қоғозлар қийматига балансдан ташқари ҳисобварақларида қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дт 92806 «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар»;

Кт 96376 «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи».

92806 «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар» ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига мувофиқ қимматли қоғозларни сотиб олиш санасидан бошлаб банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ қимматли қоғозларни сотиш муддатигача ҳисобга олинади.

137. Қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғоз-

ларни қайта сотиш баҳоси ва келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозлар сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ ўз моҳиятига кўра берилган пул маблағлари учун тўлов ҳисобланади. Кўрсатилган фарқ амортизация қилинади ва олувчи банк томонидан ҳар ойда қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг амал қилиш муддати давомида фоизли даромадлар ҳисобварағида ҳисобга олинади:

Дт 11800 «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар»;

Кт 45000 «Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар».

Банклар РЕПО битими бўйича контрагентнинг молиявий аҳволи ёмонлашган ҳолда қимматли қоғозларни қайта сотиб олиши банкда шубҳа уйғотса, фоизли даромад банк балансидан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан ҳисобдан чиқарилиши керак:

Дт 45000 «Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар»;

Кт 11800 «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар».

Ҳисобдан чиқарилгандан сўнг келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни қайта сотиш баҳоси ва келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ амортизацияси балансдан ташқари ҳисобварақларда ҳисобга олинади:

Дт 95411 «Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар»;

Кт 96333 «Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи».

Балансдан ташқари ҳисобварақда юритиладиган ҳисоб РЕПО келишувининг иккинчи қисми бажарилганидан сўнг тўхтатилади:

Дт 96333 «Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи»;

Кт 95411 «Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар».

138. Баланс ҳисоботи санасида келишувнинг биринчи қисми бўйича сотиб олинган қимматли қоғозларнинг бозор қиймати баланс қиймати (11800 «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган сумма) билан тенглаштирилади. Бозор қиймати баланс қийматидан тушиб кетса, банк харажатлари ҳисобидан эҳтимолий йўқотишлар захираси ташкил этилади. Бунда, баланс қиймати ва бозор қиймати ўртасидаги фарқ 56824 «Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш — РЕПО битимлари» ҳисобварағининг дебетида ҳисобга олинади:

Дт 56824 «Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш — РЕПО битимлари»;

Кт 11899 «Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси — РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар (контр-актив)».

Бозор қиймати баланс қийматидан ошиб кетса, захира нолга тенглаштирилади:

Дт 11899 «Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси — РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар (контр-актив)»;

Кт 56824 «Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш — РЕПО битимлари».

139. Қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг ҳисобварағи;

Кт 11800 «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар» — битимнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозни қайта сотиб олиш суммасига.

Бир вақтнинг ўзида қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк томонидан сотилган қимматли қоғозлар қийматига балансдан ташқари ҳисобварағи бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96376 «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи»;

Кт 92806 «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар».

140. Банк қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажариш санасида 11800 «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг баланс қиймати келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш суммасига тенг бўлиши лозим.

Бу ҳолатда келишувнинг иккинчи қисми бажарилмаган ва қимматли қоғозлар сотиб олувчи банк портфелига ўтказилган тақдирда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

1) қимматли қоғозларнинг бозор қиймати келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш суммасидан ошиб кетса:

а) эҳтимолий йўқотишлар захираси миқдорини тўғрилашга доир бухгалтерия ўтказмаси (зарур бўлса) амалга оширилади;

б) қимматли қоғозларни банк портфелига ўтказиш бўйича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10700 «Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қимматли қоғозлар» ёки

Дт 10800 «Бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар» ёхуд

Дт 15900 «Амортизацияланган қиймати бўйича баҳоланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар»;

Кт 11800 «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар» — битимнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозни сотиб олиш суммасига.

2) қимматли қоғознинг бозор қиймати келишувнинг биринчи қисми бўйича сотиб олинган қийматидан кам бўлганда:

а) захира миқдорини ўзгартириш бўйича бухгалтерия ўтказмаси (лозим бўлганда) амалга оширилади;

б) қимматли қоғозларни банк портфелига ўтказиш бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10700 «Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қимматли қоғозлар» ёки

Дт 10800 «Бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар» ёхуд

Дт 15900 «Амортизацияланган қиймати бўйича баҳоланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар» — қимматли қоғозни бозор қийматиغا;

Дт 11899 «Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси — РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар (контр-актив)» — шакллантирилган захира суммасига;

Кт 11800 «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар» — битимнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозни сотиб олиш суммасига.

Бир вақтнинг ўзида балансдан ташқари ҳисобварақда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96376 «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи»;

Кт 92806 «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар».

141. Банк қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажариш санасида 11800 «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг баланс қиймати келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозлар қайта сотуви суммасига тенг бўлиши лозим.

Келишувнинг иккинчи қисми бажарилмаган ҳолда банк фоизли даромадларни қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали балансдан чиқариши шарт:

Дт 45000 «Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар»;

Кт 11800 «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар».

142. Банк РЕПО битимларини қимматли қоғозлар олди-сотди операциялари сифатида ҳисобга олиши мумкин:

1) қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозлар сотувчиси бўлган банк қимматли қоғозларни сотиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади. Бунда сотилган қимматли қоғозлар банк балансидан чиқарилади.

Бир вақтнинг ўзида банк томонидан сотилган ва қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк сотиб олиши лозим бўлган қимматли қоғозлар қийматиға балансдан ташқари ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 92802 «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар»;

Кт 96374 «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи».

92802 «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар» ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиб олиш санасидан бошлаб, банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиш муддатигача ҳисобга олинади.

2) Қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади.

Бир вақтнинг ўзида қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар қийматига балансдан ташқари ҳисобварақ бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96374 «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи»;

Кт 92802 «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар».

143. Қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозлар сотиб олувчиси бўлган банк қимматли қоғозларни сотиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади.

Бир вақтнинг ўзида банк томонидан сотиб олинган ва қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда, банк сотиши лозим бўлган қимматли қоғозлар қийматига балансдан ташқари ҳисобварақда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 92806 «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар»;

Кт 96376 «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи».

92806 «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар» ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиб олиш санасидан бошлаб, банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиш муддатигача ҳисобга олинади.

144. Қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда, банк қимматли қоғозларни сотиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади. Бунда, сотилган қимматли қоғозлар банк балансидан чиқарилади.

Бир вақтнинг ўзида қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда, банк томонидан сотилган қимматли қоғозлар қийматига балансдан ташқари ҳисобварағи бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96376 «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи»;

Кт 92806 «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

131 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3428*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 7 март,
4/7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил
7 мартдаги 4/7-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 11 июндаги 13/5-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқноманинг тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1496, 2005 йил 15 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 28-29-сон, 214-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/5-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 25 апрелда эълон қилинган.

рақами 1496-1, 2019 йил 7 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.09.2019 й., 10/19/1496-1/3703-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 10 сентябрдаги 19/5-сон «Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори (рўйхат рақами 1528, 2005 йил 30 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 47-48-сон, 363-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 10 октябрдаги 29/2-сон «Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1528-1, 2015 йил 20 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 42-сон, 543-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 15 июндаги 13/6-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1602, 2006 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-сон, 299-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 17 сентябрдаги 28/5-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1602-1, 2016 йил 21 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 42-сон, 495-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/2-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1602-2, 2017 йил 23 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2017 й., 10/17/1602-2/0166-сон).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/12-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1602-3, 2019 йил 3 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2019 й., 10/19/1602-3/3370-сон).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 13 декабрдаги 28/4-сон «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1885, 2009 йил 19 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 4-сон, 27-модда).

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/12-сон «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқно-

мага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1885-1, 2015 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 31-сон, 423-модда).

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 7 мартдаги 4/11-сон «Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3427.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 7 мартдаги 4/6-сон «Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобва-рақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3336-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 7 мартдаги 4/7-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2023 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3428.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 7 майдаги 14/2-сон «Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2229, 2011 йил 25 май), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2229-1, 2016 йил 18 апрель).

2023 йил 18 апрелда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 11 июндаги 13/5-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқноманинг тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1496, 2005 йил 15 июль), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 1496-1, 2019 йил 7 сентябрь).

2023 йил 20 апрелда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 10 сентябдаги 19/5-сон «Тижорат банкларида молиявий активларнинг бух-

галтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1528, 2005 йил 30 ноябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1528-1, 2015 йил 20 октябрь).

2023 йил 20 апрелда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 15 июндаги 13/6-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1602, 2006 йил 24 июль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1602-1, 2016 йил 21 октябрь), (рўйхат рақами 1602-2, 2017 йил 23 октябрь), (рўйхат рақами 1602-3, 2019 йил 3 июль).

2023 йил 20 апрелда давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 13 декабрдаги 28/4-сон «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1885, 2009 йил 19 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1885-1, 2015 йил 5 август)

2023 йил 20 апрелда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.